



Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Najmiddin Jiyanov
Abulqosim MAMARASULOV
Minhojiddin MIRZO
Feruza MUHAMMADJONOVA
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Alisher NAZAR
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Manzilimiz:
Toshkent. sh.
O'zbekiston shohko'chasi, 16-"a" uy.
E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru
Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 2 (254) 2012-y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
"Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali
1982-yildan chiqa boshlagan.

MUNDARIJA

MUSTAHKAM OILA YILI	
Laylo ORIPOVA. Qo'rg'oni mustahkam yurt.	2
MULOQOT	
Erkin A'ZAM. Qalamdanda boshqa qurolim yo'q.	4
ADIB XONADONIDA	
Baxtiyor GENJAMUROD. Bitiklarim yuragimning manzarasi.	8
NAZM	
Azim SUYUN. Bu dunyoni yaxshilikka yo'ydim faqat.	16
Hoi Muhammad HASAN. Suluvlardan o'zing suluvsan.	29
Egamberdi MUSTAFOYEV. Fuzuliy g'azallariga muhammaslar.	35
FAZLIY. Muhabbat sharobidan mast ayladi jononim.	44
NASR	
Ulug'bek HAMDAM. Pillapoya. Hikoya.	13
Muyassar TILOVOVA. Ko'ngil toshqinlari. Hikoyalari.	19
Ashurali JO'RAYEV. Ikki hikoya.	32
Vohid ISMOILOV. Qo'shiq ham so'nadi. Hikoya.	55
BIRINCHI UCHRASHUV	
Bobur YO'LDOSH. Yolg'izlikni suyib bag'rimga bosdim.	34
Zarina VALIYEVA. Ilhomimni chorlayman har on.	36
Sarvar YUSUPOV. Seni opichlayman, hur O'zbekiston.	52
Mashhurbek RAHIMOV. Odamiylik sirin anglab etsam bas.	57
Isomiddin PO'LATOV. Yuragimni qamraydi qo'rquv.	60
Guلزoda FARMONOVA. Onamning duosi qo'llaydi meni.	62
NEVARAKULCHA	
Muhammad OCHIL. Yolg'onchining ahvoli.	38
ZAMONDOSHLARIMIZ	
Halim SAYID. Muallimlar muallimi.	46
JAHON HIKOYACHLIGIDAN	
Gi De MOPASSAN. Marjon shodasi. Hikoya.	48
TADQIQOT	
Marhabo QO'CHQOROVA. Kichiklarning katta quvonchi.	53
YOSHLAR OVOZI	
Yulduz FAYZIY. To'ydan so'nggi tomosha.	58
Mehrangiz HUSANOVA. Kiyinish madaniyatimiz haqida.	37
NAVOIYXONLIK	
Shohista SOATOVA. Ruhiiy olam manzaralari.	61
YELPUG'ICH	
Murotboy NIZONOV. Reklama. Hajviya.	63

Bosishga 12. 03. 2012 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi" deb izohlanishi shart.
"O'qituvchi" NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 33-12. Adadi 4800 dona.
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy.



Лайло ОРИПОВА

ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ ЮРТ

Кўпминг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи асрлар давомида оила деб аталган муқаддас қўрғоннинг мустаҳкам бўлиши учун курашиб келади.

Инсон камолотида оиланинг тутган ўрни беқиёсдир. Чунки инсон соғлом муҳитда дунёга келиб, шахс сифатида шаклланиб, сўнгра ўзи истиқомат қилаётган давлатнинг тараққиётини таъминлайди.

Бир инсон иккинчисига батамом ўхшамаганидек бир оила иккинчисидан барибир фарқланади. Инсон оила қўрғонида ўзини бахтли ҳис этади. Яхши оилада тарбияланган фарзанд нафақат ота-онаси, ака-ука, опа-сингилларига нисбатан, балки атрофдагиларига, қолаверса, ўзи яшаган жамиятга нисбатан ҳам меҳр-оқибатли, юрт манфаатларига хизмат қиладиган инсон бўлиб етишади.

“Оила – жамият негизи. Давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим...” деган эди Президентимиз И.Каримов.

Оиланинг жамиятга, жамиятнинг оилага таъсири жуда муҳим ўрин тутади. Оилаларда яратилган муҳитга қараб кўп нарсаларнинг даражасини аниқлаш мумкин. Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир. Бунда ота-она – санъаткор, бола – санъат асари, тарбия жараёни эса – санъатнинг ўзидир. Ўзбекистонда оила ҳамиша муқаддас саналган. Оилагаги нохушлик ҳаттоки давлатнинг фожиаи ҳисобланган.

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк даврлариданоқ оилага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оила – маҳалла – мактаб концепцияси умумий мақсад, яъни комил инсонни вояга етказиш йўлидаги мустаҳкам бирликни таркиб топтиради. Фарзанд илм-маърифат йўлида тинмай изланиб, буюк кашфиётлар, оламшумул асарлар, зўр ихтиролар яратиши мумкин, аммо оила мустаҳкамлиги учун энг зарур бўлган меҳр-оқибат каби инсоний фазилатни фақат оиладан олади. Жамиятимизда келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мактаб, коллеж, академик лицей ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли тизимли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёш қизларимизнинг эрта турмушга чиқиши уларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, вақтинча кечадиган иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтолмаслиги, фарзанд тарбиясида қийналиши оилаларнинг бузилишига олиб келади. Ҳозирги вақтда ажрашиб кетаётган оилаларда ота-оналарнинг ҳам таъсири бор. Ота-оналар қизига ёки ўғлига: “Бўлди, энди бирга яшамайсизлар, болангга маҳалла моддий ёрдам ёки нафақа пули беради” деб навниҳол оилаларнинг бузилиб кетишига, мурғак гўдакларнинг етим бўлиб қолишига сабабчи бўлиб қолишяпти. Турмуш қураётган ёшлар дастлаб оилавий ҳаётга ҳам жисман, ҳам ақлан, ҳам иқтисодий жиҳатдан тайёр бўлганда оила курсалар жамиятимизнинг таянчи бўлган оила мустаҳкам бўлади. Қўрғон мустаҳкам бўлса уни ҳеч ким буза олмайди.

Миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбияланган ёшлар қураётган оила мустаҳкам бўлади. Чунки қадимда халқимизда оилаларнинг ажралиб кетиши айб саналган, уят ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги 1998 йил 28 октябрдаги ПФ-2100-сонли Фармонида асосан барча жойларда фаоллар иштирокида тўйлар ва бошқа тадбирларни ихчам, ортиқча сарф-харажатсиз, тартибли, замон талабларига мос келган ҳолда ўтказиш мақсадида йиғилишлар ўтказилмоқда ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Аммо шунга қарамасдан оила қураётган қизларимизга ота-оналари хориж мебелларини, гилам ва бошқа уй-рўзғор жиҳозларини бекаму кўст қилиб беришни урф қилмоқдалар. Оила курган ҳар бир ёш ўзи меҳнат қилиб, оилагаги камчиликларни тузатиши керак. Ҳамма нарсани муҳайё қилиб берган ота-оналар ёш келин-куёвларнинг билиб-билмай қилган арзимас низоларини катта жанжалга айлантириб юбормоқдалар. Ҳаётдаги қийинчиликларни, муаммоларни енга олмаган ёшлар, ҳаттоки жамиятга ҳам боқиманда бўлиб қолишади. Шунинг учун ота-оналар тўйларни кам харажатли қилиб ўтказишлари, муҳаббат билан оила қураётган ёшларга ўз



меҳнати эвазига эришган нарсаларнинг қадри бўлишини тушунтиришлари керак. Ёшлар учун давлатимиз уй-жой куриш, уй-рўзгор буюмларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитларни кўпайтиришини мақсадга мувофиқ деб биламан. Шунда ёшлар ота-оналарига қарам бўлишмайди. Фарзандлар олдидаги ота-оналарнинг ҳам бир муаммоси ҳал этилган бўлади.

Ҳадиси шарифда оила мустаҳкам бўлишига оид қимматли фикрлар бор. Жумладан, “Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хўжаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирларингиз масъулдирсизлар”, дейилган.

Оилани тоза, саришта қилган, йўқдан бор қилган, оиладаги мавжуд иқтисодий муаммоларни тўғри ҳал қилган, гулдай фарзандларини оқ ювиб, оқ тараган, турмуш ўртоғини интиқлик билан кутган аёллар бор экан, оила мустаҳкамлиги абадий бўлиб қолаверади.

Аёлсиз оила оила бўлмайди. Аёлнинг жамиятдаги мавқеи қанчалик юқори бўлмасин, у барибир оилада аёллик бурчинини унутмаслиги керак. Чунки оилада аёл тарбиячи.

Онанинг билими, фикрлаш доираси ва дунёқараш кенг бўлса, бундай аёлнинг фарзанди ҳеч қачон виждонсиз ва сурбет бўлмайди. Андишали аёл оқибатини ўйлаб иш қилади. Юзхотирни билади, ор-номусли бўлади.

Мустаҳкам оила жамият таянчи бўлиши учун оила мавқеини ошириш керак. Хорижга пул топиб келиш учун кетаётган ота-оналар фарзандлари тарбиясига бефарқ бўлишади. Вақт ўтгач улар оилаларига қайтиб, машина ва данғиллама уйларга эга бўлишлари мумкин, бироқ фарзандларининг тарбияси издан чиққан бўлади. Моддий бойлик ўткинчи. Оила барқарор, ҳузур-ҳаловат маскани бўлиши учун ота-она ўз фарзандининг тарбияси билан шуғулланиши, унга меҳр бериши керак. Шунда фарзанд оиласига, жамиятига керакли инсон бўлади. Оилада она ва отанинг ҳар бирининг алоҳида-алоҳида вазифа ва мажбуриятлари бор.

Боланинг тарбиясида отанинг таъсири ҳам катта аҳамиятга эга. Қадимдан бизнинг халқимиз отани улуғлаган. Отанинг гапи ҳеч қачон иккита қилинмаган. “Отаннинг кўрпаси устига ўтирма, отаннинг нарсасига тегма, отанг келгач овқатланамиз” деб оналар оталарнинг оиладаги мавқеини оширишган. Ҳозирги вақтга келиб отанинг оиладаги қадри аввалгидек эмаслигини кузатамиз. Мен бунга сабаб оилани моддий жиҳатдан таъминлаш баъзан аёллар зиммасига тушганлигидан деб биламан. Шундай ҳам бўляптики, гоҳо аёллар тижорат борасида муккасида кетганликлари сабабли оиладаги оналик масъулиятини камайтириб қўймоқдалар.

Эркакдан кўпроқ пул топиб келган аёл эрга муомаласи, фарзандлари олдида ўзини тутиши ўзгаради. Эрини менсимаслик кайфиятида бўлади. Оилада иқтисодий тўқислик яратади-ю, маънавий парокандаликни юзага чиқаради. Бундай оилада тарбияланган қиз ҳаётда турмуш ўртоғини, қайнота, қайноғаларининг ҳурматини жойига қўя олади деб ким кафолат бера олади? Бу яна оиланинг мустаҳкамлигига путур етказди. Айниқса оталар ўз фарзандлари ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилишлари керак.

Фарзандининг комил инсон бўлиб етишишида ота-она бирдай масъул бўлиши керак. Ота-она фарзандини Ватанига, халқига садоқат руҳида тарбиялайди. Она фарзандини соғлом, етук қилиб улғайтиради. Ота-она фарзандини бақувват қилиб ўстириши мумкин, ammo унинг маънавий жиҳатдан камол топиши фақатгина ота-онага эмас, бутун бошли жамиятга боғлиқ деб ўйлайман. Ажойиб оилавий қадриятларимиз бор. Эрталаб ўқиш ёки ишга кетаётганда ёши улуғлардан фотиҳа олиб кетамиз. Оилага қайтгач дастлаб уларга учрашамиз. Эрталаб уларнинг ширин сўзи руҳан тетиклантиради, кечкурун эса чарчоғимизни ёзиб юборади.

Энг юксак инсоний фазилатларни фарзанд ота-она мисолида кўради. Ҳар бир маҳаллада намунали оилалар жуда кўп топилди. Бу оилаларда ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага меҳр-оқибати кучли. Бу оилалардаги ёшлар ота-оналаридан меҳнат тажрибасини, оила-никоҳ муносабатларини, шарму ҳаё, ор-номус, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни қалбларига жо қилиб олишган. Бундай намунали оилаларда маънан баркамол ёшлар улғаяди. Бизнинг жамиятимизни мустаҳкам оилада камол топган фарзандлар тараққий эттиради.

Оила қурадиган ёшлар дастлаб бир-бирини яхши танишлари, оила ҳақидаги тасавурлари бир-бирига мос тушиши керак. Бирор-бир мутахассисликка эга бўлмасдан, ўз қадри, ҳуқуқларини англаб етмаган, иқтисодий жиҳатдан ҳимояланмаган, маънавий жиҳатдан оила муносабатларига тайёр бўлмаган ёш қизларимиз қурган оила мустаҳкам бўлмайди. Чунки оилавий ҳаёт ёш қизлар кутганидек бўлавермайди. Оддийгина низолари катта жанжалга айланиб кетади. Қизларнинг оилавий ҳаётга жисмонан, маънан, руҳан тайёр бўлмаган ҳолда эрта турмушга чиқишлари ёш оилалар ўртасида ажралишнинг кўпайишига олиб келади.

Моддий манфаатдорлик туфайли, яъни бойлик, мансабни кўзлаган ҳолда қурилган оилага нисбатан узоқ муддат севиб-севилиб турмуш қурган оила мустаҳкам бўлади, чунки бу ёшлар бир-бирининг характерини яхши тушунишади, мижозлари, дунёқарашлари бир-бирларига мос келади, жуда кўп масалада фикрлари бир жойдан чиқади.

Агар оила мустаҳкам бўлмаса эр-хотин бир-бирига ашаддий душмандек бўлади, бунинг жабрини ота-онадан кўра кўпроқ яқин қариндошлари ва фарзандлари тартади. Оиланинг сирини қадимда ҳеч қачон ташқарига чиқаришмаган. Оила сирини сақлаш ўзбек оилаларига хос бўлган жиҳатдир. Оилада муросаю мадора бўлмоғи керак, шунда низою жанжалларнинг олди олинади. “Чиққан қиз чиғириқдан ташқари” дейди доно халқимиз. Бу гап замирида жуда кўп маъно ётади. Жумладан бу гап турмушга чиққан қиз ака-укаларининг оилавий ҳаётларига аралашиб жанжаллар чиқармаслиги учун айтилгандек. Турмушга чиққан қизнинг ота-онасиникига кунда келиши, оила аъзолари ҳақида салбий фикрлар билдириши, оила муаммоларини кўтариб келиши қораланган.

Қайси оилада ота билан она оиласининг рўзгор тутишида, бола тарбиясида, оиласининг ташвиш ва қувончида ҳамкор бўлса, ўша оила мустаҳкам бўлади. Ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорлик сақланса, мустақил юртимизда меҳр-оқибат, инсоф, адолат қарор топади.

Қўшработ тумани



ҚАЛАМДАН БОШҚА ҚУРОЛИМ ЙЎҚ

Ёзувчи Эркин Аъзам билан суҳбат

– Эркин ака, ҳозирги адабий жараёнга муносабатингиз қандай? Адабиётимизнинг бугунги даражаси сизни қаноатлантирадими? Бир китобхон сифатида, абадиётга дахлдорлик даъвосидаги адабиёт рамзлар ортига яширишиб иш кўришга зўр бермаяптимики, деган хавотир бор менда. Гоҳо санъат воқеликни реал тасвирлашдан кўрққани учун мавҳумликка юз бурмаяптими, деган хаёлга боради киши. Шу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

– Кўзингиз тушгандир, уч-тўрт йил бурун “Ўзбек тили ва адабиёти” журналада бир суҳбатим чиққан, мен унда адабий жараённи гоҳ тўхтаб, гоҳ силжиб қоладиган носоз аравага ўхшатган эдим. Бугун ўша муқоясамдан хижолатроқман. Каминани қаноатлантирадими-йўқми, ҳарқалай, кейинги чоғларда адабиётимизда бир жонланиш, кўтарилиш бордек. Кетма-кет дурустгина асарлар, янги номлар пайдо бўлаётир. Демак, арава йўлга тушган, обод-обод манзиллардан умид қилиш мумкин...

Дарвоқе, сиз айтган рам-

зу мажозлар орқали иш кўришнинг нимаси ёмон? Бадииятнинг асосий шартларидан эмасми бу?! Жўнлик ёмон, яланғоч баён ёмон. Тасвирни атай мавҳумлаштиришни назарда тутаётган бўлсангиз, у энди бошқа гап. Рамзлардан фойдаланишни кўр-кўрона мавҳумлаштириш иштиёқидан фарқламоқ керак. Воқеликни зўрма-зўраки мавҳумлаштириб кўрсатишга уриниш кўпинча муаллиф мақсадининг етарли идрок этилмагани, аниқ-равшан эмаслигидан ёки беҳуда маҳорат даъвосидан келиб чиқадиган ҳол. Аммо қуруқ воқеанавислик йўлидан борсангиз яна бир бало! Бунда меъёрни сақлаш муҳим шарт. Асли истеъдоднинг бир аломати ҳам меъёрни ҳис эта билишда эмасми, нима дедингиз?

Тўғриси, сизнинг ташвишингизда жон бор. Баъзи нарсаларни ўқиб бошингиз қотади: рўйи заминдаги ҳаётни тасвирляптими бу ё осмони фалакка чиқиб кетдими? Алаҳсирашни эслатадиган бу сўзлар бўтқасидан муддао нима? Муаллифнинг ўзидан гап сўрасангиз, ё бақрайиб тураверади (“Бўлган-турганим шу, керак бўлса, тушуниб ол!”), ё кўзини осмонга олади (“Сен янгича услубларни англамайдиган бир нодон бўлсанг мен нима қилай?!”). Қўяверинг, “болаларча гўллик касали” бу, бир кун келиб ўтиб кетар, эси кириб қолар. Хоҳламаса, ўзидан кўрсин – ёзган китобини хотинидан бошқа ҳеч ким ўқимайди!

– “Мен ўзимни қувонтирган, қайғуга солган, қийнайдиган нарсаларнинг барини образларга айлантиришга, поэзия бағрига жойлашга ўрганганман. Менинг ҳамма асарларим катта бир иқрорноманинг бўлақларидир”, деган экан Гёте. Тўғри, муаллифнинг шахсий иқрорлари ва эътирофларидан мутлақо ҳоли бўлган асарни топиш маҳол. Аммо бу қараш ҳақиқатга қай даражада мувофиқ?



– Бу гапнинг нимасига ажабланасиз? Гёте ҳақ, албатта. “Анна Каренина – аслида менинг ўзим” деган Толстой ҳам ҳақ. Ҳар қандай асар муаллифнинг шахсий икром ва эътирофларидан озикланади-да. Танлаган қахрамонларию воқелик шунинг ифодачиси бўлади. Муаллифнинг қараш ва эътиқодига зид воқеликни акс эттирган бирон асарни биласизми, айтинг. Замонлар ўтиб у ўзгача талқин қилиниши – эътибор топиши ёки инкор этилиши бошқа масала. Одам ўз бўйидан баланд сакрай олмайди деймиз-ку. Демак, гап ана шу эътиқоднинг нечоғли аҳамиятли эканида. Чинакам бадиий асарда фикр-қарашлар гоҳо муаллифнинг “бўйи”дан ўзиб кетиши мумкин. Муайян асар ва муаллиф шахсиятининг ҳар доим ҳам мувофиқ келмаслиги шундан. Сиз ёзувчи-ман деганнинг ҳаммаси ҳам олижаноб бўлади деб ўйлайсизми, нима? Аммо асар битаётганида у олижаноб бўлмоққа мажбур! Акс ҳолда ўзидан кўрсин. Ахир, адабиётнинг асл моҳияти, вазифаси инсонни олижанобликка даъват этиш эмасми?

– Яқинда Колумбия университети олимлари XX аср ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилида чоп этиш бўйича иш олиб бораётгани ҳақида маълумот олдик. Нашр қилинадиган асарларни саралаш бизнинг мутахассисларимиз зиммасида экан. Ана шу асарларнинг тахминий рўйхати билан танишишимга тўғри келди. Аммо мазкур рўйхатдаги баъзи асарларнинг бадиий савиясини у даражада юксак деб бўлмайди. Улар замонавий ўзбек адабиёти ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. Шу вазифа сизнинг зиммангизга тушса қайси асарларни тавсия этган бўлардингиз?

– Адабиёту санъат асарларини баҳолаш таъб, дид, савия, ҳатто кайфиятга боғлиқ масала. Барчага бирдек маъқул тушадиган асарни топиш қийин – дид, савия ҳар хил. Сиз айтган тўпламни тузувчилар ҳам тирик жон, янглишиши мумкин, мутолаа доираси торроқ бўлиши мумкин ва ҳоказо. Унақа антологияларнинг мазмун сифати ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди, ишонинг. Улар кўпинча тўпловчиларининг бадиий дид, савиясини акс эттиради, холос. Бироқ ҳар не бўлганда ҳам бу ишда шахсий муносабатларни бир четга қўйиб, инсоф, адолат билан иш тутган маъқул. Чунки у ҳар куни нашр этиладиган оддий тўплам эмас, неча ўн йилликлар оша бир мартагина чиқадиган миллий антология. Уни ўқиган ажнабий китобхон миллий антология, халқингиз, маданиятингиз ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилади. Бундай антология тузишга киришганда, кўпдан-кўп хос талаблардан ташқари, одам миллатпарвар, ватанпарвар ҳам бўлмоғи лозим. Бирор жойга меҳмон бўлиб бораётган киши эғни-бошига қараб олиши керак-да, тўғрими?

Энди сиз куйиниб тилга олган антологияга келсак, менинг ундан хабарим йўқ экан, нималар киритилганию киритилмаганини билмайман, шунга кўра ҳозирдан бир нима дейишим қийин. У ёғини

айтадиган бўлсам, ўша тўпламни мен тузганимда ҳам кимдодир эътироз туғилиши табиий эди. Ҳали айтилганидек, у менинг дид-савиямга мос бўлар эди-да. “Ҳар кимнинг ўз таъби бор” деган гап бежиз эмас. Нисбатан оқилона йўли шуки, бунақа масалалар Ёзувчилар уюшмаси иштирокида, кўпчиликнинг ўртасида ҳал этилса тузук.

Яширмайлик, бегонапарастроқмиз. Яъни – бошқалар зўр-у, биз сал бериоқ, уларнинг асарлари яхши-ю, ўзимизники сал мундайроқ... Йўқ, баралла айтса бўлади: катта адабиётимиз бор, яхши-яхши асарларимиз бор! “Олдиндан оққан сув-да” деб бурун жийирмасдан, уларни холис назар билан ўқимоқни, қадрламоқни ҳам ўрганайлик.

Хабарингиз бор, биз “Тафаккур” журналида жаҳон адабиётидан намуналар ёритиб борамиз. Лекин битта ҳикоя танлаш учун неча-неча тўпламни варақлаб чиқишимизни биласизми?! Дурдона деганлари ҳар куни топилавермайди. Баъзи нарсалар, кечирасиз-у... “ўзимиз қатори”. Ахир, жаҳон бошқаю биз бошқа, жаҳон адабиёти бир тарафу биз бир тараф эмасдирмиз! Ўзбек адабиёти ўша биз маҳлиё бўлиб қарайдиган жаҳон адабиётининг бир бўлаги, ҳавас қилгулик, муносиб бўлаги...

– Барча виждонли зиёлилар сингари сизни ҳам Ватан ва миллатни мукамал кўриш истаги ташвишга солиши табиий. Айтинг-чи, узоқ йиллик ижодий изланишларингиз шу эзгу мақсадга қай даражада хизмат қила олди? Эҳтимол, бу истақларнинг ижобатини кўриш учун “бошқа йўллардан ҳам фойдаланиш керакдир...” деган фикр бирор марта бўлса ҳам хаёлингиздан ўтганми?

– Ёзганларим нимагадир хизмат қилган-қилмаганини айтиш менинг вазифамга кирмаса керак. Буни тусмолламоққа ҳам ҳаддим сиғмайди. Лекин шуниси аниқки, нуқул таъриф-тавсиф билан мақсадга эришиб бўлмас. Шу ватан, шу миллат меники деган одам унинг камчиликларидан куйинади, гоҳо аччиқ гапларини ҳам қайтармай айтади, ёзади. Буюклардан кимдир, Белинский бўлсамикан, “Ўзига тик қарай билган миллатгина юксалади”, деган экан. Халқимиз ҳам “Дўст ачитиб гапирар” дейди-ку!

“Бошқа йўллардан фойдаланиш” деган сўзингизга, тўғриси, унча тушунмадим. Мен ўзимни камтарин бир қаламқаш санайман, қаламдан бошқа қуролим йўқ, бошқасига даъво ҳам қилолмайман.

– Деярли барча қахрамонларингизни ушалмаган орзулар ўкинчи изтиробга солади. Мазкур ҳолат Асқар, Шамшодбек, Бердибойлардан тортиб Болта Мардону Жийдалидан чиққан Жўрақулгача – барча образларингизда учрайди. Бу нимадан далолат? Наҳотки, Тангри “инсонни бир умр бахт излаш азоби билан жазолаган бўлса...”

– Устоз Асқад Мухторнинг сўзлари-да. Нақадар топиб айтилган шоирона таъбир! “Бахт излаш азоби билан жазолаш...” Ҳамма сўзининг тагига чизиб қўйингиз келади, шундай эмасми?

Раҳматли Чингиз Айтматов қаҳрамонларнинг мурод-мақсадга етишуви билан якун топадиган эртаксимон нимадир ёзишни орзу қилиб ўтди. Рус муаллифларидан яна кимнингдир шундай гапи эсимда: “Азобу изтиробларни енгган ошиқ-маъшуқ ниҳоят лимузинга ўтириб порлоқ уфқлар сари йўл олса кошки эди! Лекин улар йўлда бирор фалокатга учраши ҳам мумкин-да, шуниси чатоқ. Начора, ҳаёт деганлари эртақ эмас...”

Герман Гессенинг “Август” деган эртақнамо асари бор, бош кўтармай ўқийсиз, бағоят пухта, санъаткорона ёзилган. Қизиғи шундаки, шарқ ҳикматларини ёдга солади. Аммо қайтиб ўқигингиз ёки таржима қилгингиз келмайди. Нега? Гарчи хотимаси эртақлардаги каби шодумонликдан иборат бўлмаса-да, асарда ифодаланган ҳикмат очиқ-аён: “ҳаётда бахтиёр бўлмоқ учун одамлар сени эмас, сен одамларни севмоғинг керак” деган гап. Зарур, ибратли фикр. Бироқ реалистик асарга хос сирлилик, мураккаблик йўқ. Ҳикмат бўртиб қолган... Хулоса шуки, бадиий адабиёт ахлоқий муаммолардан баҳс этиши мумкин, зарур ҳам, лекин у зинҳор ахлоқшунослик илми эмас.

Ушалмаган орзулар ўқинчи, изтиробчи бўлмаса, у қандай адабий қаҳрамон, у қандай бадиий асар?! Шу “гўзал изтироб”ни (Рауф Парфи таъбири) бошдан кечирмаса, қаҳрамон қандай юксалади, қандай идеалга талпинади? Китобхон унга ишонадимми, ундан таъсирланадимми? Боя сиз санаган қаҳрамонларда ростдан ҳам шундай хислат топилса... мени хурсанд қилдингиз, раҳмат. Камина чинакам бадиий асарни изтироб меваси, изтиробнома деб биламан. “Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама”, демайдими оташин Машраб!

Асарда сирқираган дард бўлмаса, изтироб ифодаланмаса, шундан ҳосил бўлгуси тайин мақсад-муддао кўринмаса, ўқувчи мардумнинг бошини қотириб нима керак?!

– Бадиий ва публицистик чиқишларда сийқа жимжималар кўпайиб бораётган кезде ўзига хос услубингиз халқни адабиётга, адабиётни халққа яқинлаштираётганига шубҳа йўқ. Афсуски, ёш носирлар орасида сўзга заргарона ёндашувлар у даражада кўп эмас. Устоз адиб сифатида уларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

– Бир ёзувчимиз бор, ёшлигида ёзган асарларида ифода чатоқ, тил ғализ эди. Ҳозир у хийла ном қозонган, даста-даста китоблари чиққан, лекин ҳамон “дудук”. Ўзига зиён, ҳар қанча қизиқ нарса ёзмасин, асарлари яхши ўқилмайди, бир-икки саҳифасидан ўтиб-ўтмай ташлаб қўясиз. Ёзишни бошлаган кезларида “Бу нима деганинг, тилини чумчуқ чўқигур!” дейдиган талабчанроқ бир устоз ёки муҳаррирга учрамаган-да. Бугун энди шундан гап қўзғаб кўринчи! Тўғри, оддий китобхон унча-мунча қусурни сезмаслиги, тасвирланган воқеага қизиқиб, ўқиб кетавериши мумкин. Лекин бир қарашда силлиқ, бенуқсон

кўринадиган айрим матнларни қўлга қалам олиб кўздан кечиринг-чи, “соғ” жойи қолармикан! Афсуски, сўз-жумлага эътиборсизликни ёшларимиздангина эмас, элга маълум баъзи оқсоқол адибларимиз ижодидан ҳам топса бўлади. Ёзувчилик даъвоси билан чиқдингизми, гап санъати эмас, сўз санъатига амал қилиб, уларни танлаб-танлаб, ўрни-ўрнига қўйиб ёзинг-да, барака топкур!

Бундай ҳолга асосий сабаблардан бири – адабий нашрларимизда талабчанлик сусайиб кетгани, ҳар доим ҳам шараф келтирмайдиган машаққатли ҳунар эгаси бўлмиш чинакам муҳаррирларнинг камёблиги. Оқибатда – муҳаррир ҳам муаллифнинг ўзи, мусахҳиҳ ҳам... гоҳо тақризчию ўқувчи ҳам ўзи!

Ёшларимизга маслаҳат бериш ваколатим бўлса, айтай: ҳадеб ўзининг битта-иккита тенгдошининг ёзганларини ўқийвермасдан, бошқаларни ҳам, биринчи галда Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад сингари устозларни синчиклаб ўқисин, эринмаса, қиёслаб кўрсин. Шояд бир натижа чиқса. Ёки улар эскирганми? Нима, ўзимиз “янги” бўлиб қолибмизми, қачон?

Яна бир маслаҳат. Шошмайлик. Бугун ёзилганини эртагаёқ чиқаришга ошиқмайлик. Адабий матн бир қайновда тайёр бўладиган қиём эмас.

Ёшларимизнинг ҳавас қилгулик тили “бурро”лари ҳам талайгина. Келинг, рўйхат қилиб ўтирмайлик. Эртага бир кун юзимиз шувит бўлиб қолмасин. Гарчи, ишни сўзга меҳр қўйишдан бошлаган одам кейин бориб унга хиёнат қилмаса керак.

– “Шовқин” романида кадриятлардан узилган, матбуотчилар таъбири билан айтганда, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган кимсалар образи тасвирланган. Бундан эзгу мақсадларни кўзлаганингиз аён. Аммо асарингизда қалтис эпизодлар ҳам йўқ эмас. Комиллик йўлида нафс ва ҳирс каби иллатларни енгиб ўтиши лозим бўлган миллатнинг ёш вакилларига бу ҳолат акс таъсир кўрсатмасмикан, нима дейсиз?

– Типик қаҳрамонларни типик шароитларда тасвирлаш; ижобий ва салбий қаҳрамон... Соц-реализм таъсири ҳали талай замон қонимиздан аримайди шекилли. Кимни қаҳрамон қилиб олиш, уни қай йўсинда кўрсатиш ёзувчининг ихтиёрида эмасми? Яқинда бир роман қўлимга тушди (русча), қаҳрамонлари – бомжлар, бошпанасиз дайди-саёқлар, сизу бизнинг назаримизда асарга, айниқса, роман аталмиш полотнога қаҳрамонликка сира-сира ярашмайдиган, арзимайдиган кимсалар... Қизиқиш билан ўқиб чиқдим, лекин ҳечам уларга ўхшаб дайди бўлгим келгани йўқ, ҳавас ҳам қилмадим. Ёзувчи кенг ҳаётни тасвирламоғи лозим экан, ҳаётда шунақалари ҳам бор-да, начора? Ҳамма гап муаллифнинг муносабатига, берадиган баҳосига, болингки, мақсад-муддаосига боғлиқ-да.

Бугун кулгили туюлар, аммо бир вақтлар Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамаalarda романдаги

ижобий ва салбий қаҳрамонлар нисбати бармоқ букиб санаб чиқиларди. Менимча, ўшандай қолип кушқонлардан холи чинакам адабиётнинг қаҳрамони ҳаётӣ, ҳаққонӣ бўлмоғи керак, тамом-вассалом! Худога шукурки, бизнинг адабиётда ҳам ана шундай образлар дунёга кела бошлади.

Яқинда устоз Иброҳим Ғафуров билан шу борада гурунглашиб қолдик. У киши неча йиллардан буён рус тилидаги “ханжа”, “ханжество” сўзларининг ўзбекча лўнда бир муқобилини тополмаётганини айтиб мени ҳайратга солди. Инсон ҳаётига доир жамики ҳолу ҳолатни номламоққа қодир бой луғатимиздан-а! Шундоқ заргар таржимон-а!.. Маъносини аниқ-тиниқ англаб турганимиз шу сўзга икковлашиб муносиб “эғизак” қидира кетдик. Ўзни сипо тутиш, қўй оғзидан чўп олмагандек қилиб кўрсатиш, бузоқнинг ҳақи деб сут ичмаслик... Лекин айнан, ихчам ифодаси топилмади, қаранг. Ваҳоланки, миллий феъл-атворимизга жуда мос келадиган ибора! Ахир, ўзимизни хийла сипо кўрсатмоққа уринишимиз, мусичаи беозордек тутишимиз, тирикликнинг гоҳо тубан ўйинларидан парҳезкор қилиб кўрсатишимиз бор гап-ку!

Келган ҳулосамиз шу бўлдики, ҳарчанд фазилатли, солиҳу олижаноб халқ саналмайлик, бани одамга хос иллату қусурлар бизга ҳам бегона эмас! Лекин шуни эътироф этмоққа қолганда, гарчи тилимизда аниқ ифодаси топилмаган бўлса-да, ўша “ханжа”лигу “ханжество” бизда ҳам етарли!

Энди “Шовқин”га келсак, мен унда бировни ёмонлаш ёки қоралаб кўрсатишни мақсад қилганим йўқ, асло – кечаги замонда кечган воқеликни борборича тасвирламоққа уриндим, холос. Бунга эришолмаган бўлсам ёки сиз айтгандек тушунилаётган бўлса – менинг айбим. Лекин бошқа назар билан, дейлик, ҳалиги “ханжество”ни бир четга қўйиб ўқиб кўрилса-чи?

...Ёшларимиз ҳар нарсага айниб-бузилаверса, айрим эллардаги каби интернетни чеклаш, томларимиздаги “тарелка”ларни йиғиштириб олиш керак бўлади...

– Биламизки, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Асқад Мухтор каби устозлар ўз даврида ёш истеъдод эгаларини рағбатлантириш борасида салмоқли ишлар қилган. Бугун сиз ҳам устозлик мақомига эришгансиз. Сизга шогирд тушишни истовчи ёшлар кўп. Айтинг-чи, “яшашни масъулият деб тушунадиган, қаҳрамонлари ҳаётга, одамларга танқидий, талабчан назар билан қарайди”ган сиздек адиб адабиётимизнинг эртаси ҳисобланган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун нималар қилди?

– Умрим адабиёт нашриётю адабий журналларда (“Гулистон”, “Ёшлик”, “Тафаккур” ҳам шу жумладандир) хизмат билан ўтди, ўтаётир. Қўлэзма саралашда муаллифнинг ёш-қарилги ёки бошқа “имтиёз”ларига қараб эмас, ҳамиша муайян нашр талаблари, аввало, адабиёт манфаатини кўзлаб иш тутмоққа ҳаракат қилдим. Шу аснода, табиийки, кўплаб ёшларимизнинг асарлари ҳам кўлимдан ўтган, маъқул келганларини имкон бори-ча қувватлаб-қўлтиқлаб нашрга тавсия этганман. Бугун уларнинг адабиётда эришган ютуқларидан шоён ғурурланиб юраман.

Беайб Парвардигор, бу борада гоҳо кимгадир етарлича меҳрибонлик қилолмаган ёки талабчанликни ошириб, кўнглини қолдирган бўлсам – айби бўйнимда. Шулардан кимки кироӣи бир асар ёзиб чиқиб каминанинг ўшандаги хатосини исботласа, кўшилишиб қувонмоққа тайёрман.

Сафарали ҚУРБОНОВ суҳбатлашди



Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

Битикларин юрагининг манзараси

Тўрт-беш ёшимдаги гўдаклик пайтларим... Бобом Генжамурод Наҳан Қураш (Наҳан Қураш у кишининг лақаби – чўғирмадан ҳам катта телпак дегани) чордона куриб, мени олдиға олиб ўтирарди. Унинг ўғли Алламберган – менинг отам “Алпомиш”, “Қоблан”, “Эдигей”, “Қирқ киз”, “Чориёр” дostonларидан тўлғов ёки термалар, катта-кичик шеърий парчаларни ёддан куйларди. Бобом жуда кучли, савлатли одам эди. Лекин у шунча ғайратли, кучли бўлгани билан, таъсирчан, кўнгли бўш – ёш боладек юраги бегубор чол эди. Ўша дostonлардаги юракни тебратадиган мисралар кўп бўлгани туфайли бобом ўз руҳида уйғонган тўлғонишларини завқу шавққа тўла сўзлар билан изҳор этиб ўтирарди.

Унинг кўз ёшлари соқол-мўйловларидан шўрғалаб бўйнимга томчилайди. Менинг ҳам юрагимда аллақандай сезгилар бош кўтара бошлайди... Нафасимни ичимга ютиб ўтираман. Бобомнинг кўз ёшларининг қайноқ ҳарорати ҳамон бўйнимдан кетгани йўқ... Балки адабиётга ихлос ўша пайтлардан, ўша сезимлардан бошланган бўлиши ҳам мумкин.

Дастлабки шеърларим нашр этилиб, илк китобим шеърият мухлисларига ҳавола этилганда фақат ўзимгагина маълум қадрли нарсаларни йўқотиб, ҳеч кимга номаълум яна бир азиз нарсаларни топиб олгандек ҳолатлар бошимдан кечган. Улар қувонч ва шодликдан бошқачароқ сезгилар эди... Ул туйғуларни қандай номлаш кераклигини ҳозиргача ҳам билмайман.

Илк китобим “Офтобнинг умри” деб номланади. 1987 йил Нукусда нашр этилди. Сўнг “Саратон”, “Ўқ қадалган ой” шеърий тўпламларим бирин-кетин босмадан чиқди. Бундан ташқари жаҳон шоирлари шеърларини қорақалпоқ тилига таржима қилиб “Жаҳон лирикасидан” номи билан 1992 йилда нашр этганман. Лин Бо, Ду Фу, Хитомаро, Сайжо, Атико, Микеланджело, Роберт Бёрнс, Валтер Скотт, Пушкин, Тютчев,

Блок, Есенин ва бошқа жаҳон шоирлари шеърларини таржима қилганман.

Айниқса, 2006 йилда Тошкентда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриётида “Ўқуздарё битиклари” номи билан ўзбек тилида нашр этилган шеърлар ва дostonлар китобим менга катта қувонч келтирган. Чунки мана шу китобим қўлёзмасини тайёрлаш асноси таниқли ўзбек шоирлари билан ишлаш жараёни мен учун катта адабий муҳит яратиб берди. Китобдаги барча шеър ва дostonларни шоир Рустам Мусурмон таржима қилди. Атоқли шоир Азим Суюн “Маде хон ёҳуд Чин ипагидаги битик” дostonимни ўқиб, “Ҳа, Ватан ҳақида шундай ёзилади!” дея менга мактуб ёзди. Бу мактуб Тошкентдаги ва Қорақалпоғистондаги газеталарда эълон қилинди. Азим оғанинг дoston ҳақида билдирган ҳароратли сўзлари менинг кўнглимни кўтарди.

Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков “Ўқуздарё битиклари” китобим муқоваси учун ўзининг “Икки қўрғон” асарини ҳадя этди. Китоб нашри ара-



фасида таржимоним Рустам Мусурмоннинг “Сиз тарихни қандай рангда тасаввур этасиз?” деган саволига: “Қорамтир, кулранг тусда” деб жавоб бергандим. Рустам асарларнинг рухидан келиб чиқиб сурат танлади. Иккимиз Жавлон оғадан суратни муқовада босиш учун рухсат олдик.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов китобимни ўқиб, илиқ фикрлар билдирди. Тошкентдаги барча шоир дўстларим, устозларим мени қўллаб-қувватладилар. Уларнинг ҳар бири менга оға-инидек туғишган бўлиб қолди.

...Устоз деганда кўз олдимга бирдан китоблар келади. Ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларимда уйимиз ёнидаги тепадан пастга сирғаниб, қўлимни синдириб олганман. Қиш фаслида қор кўп ёққанида тепаликнинг юқорисидан ҳар куни сув сепавериб, сўқмоқни ойнадек ялтираган музга айлантирганмиз. Ўша сирпанчиқ йўлақдан пастга қараб катта тезлик билан қушдек учиб тушаётганимда ноқулай йиқилдим. Натижада чап қўлим “вақтинча танаффусга чиқиб қолди”. Касалхонада ётганимда мактабимиз кутубхоначиси Сапаргул опа Жонатан Свифтнинг “Гул-ливернинг саёҳатлари” китобини олиб келди. Бу китобни ўқиш лаззатига шунчалик берилиб кетганимдан даволовчи врачларнинг аччиқ-чучук танбехларини эшитишимга тўғри келди. Касалхонадан чиққанимдан сўнг мактаб кутубхонасининг бўсағасини тўздирган ўқувчилардан бирига айланганман. Ундан кейин – туман кутубхонаси, маданият уйи кутубхоналарини ҳам бирин-кетин ишғол этганман. Инсоннинг турмуш тарзидаги барча ҳодисаларнинг илдизлари болаликдаги кўнгил кайфиятларига, ҳайратларига бориб тақалади. Ижодкорликни ҳам шундай деб ўйлайман.

Улуғ инсон – Устознинг ҳам турмушимга, ҳам ижодимга кўрсатган таъсирини, айниқса, бошимда булутлар айланган пайтлардаги ғамхўрлигини бутун умрим давомида унутишим асло мумкин эмас...

*Яшил булут ёрилиб олтин нур тушди –
Тилла пиёлали малаклар экан.
Тамшаниб қирқ култум обиҳаёт ичдим,
Бу неъмат осмондан, фалақдан экан.*

*Тасбеҳли ҳазрат Пир – нурли, асоли,
Кўрсатди – олисда оқ булутли тоғ...
Тўрт тарафим – Қуёш, қибла мисоли,
Қайта туғилганга ўхшадим шу чоғ...*

Узундан-узун шеърлар ёзишга, тўғриси, кўплаб китоблар чиқаришга унчалик қизиқмаганман. Қизиққан бўлсам-да, ўзимни ҳаётда “оғир кўзғаладиганлардан” деб ҳисоблайман. Китобларимни нашр этиш масаласида ҳеч қачон шошилмаганман. Бугунги кунда етита китобим, шу жумладан иккита ўзбекча китобим ўқувчилар қўлига етиб борди. Уларнинг умумий нусхаси – ўн олти минг.



...Журналистларнинг баъзан “Фарзандларингиз ичида шоирликка қизиққанлари ҳам борми?” деган саволи мени ўйлашга мажбурлайди. Агар адабиёт тарихига бир назар солсангиз, бу саволга жавоб топиш қийин бўларди. Жуда олислаб кетмай қўя турайлик: Пушкин, Толстой, Достоевский, Блок, Есенин, Махтумқули, Абай, Ажиниёз, Бердақ, Чўлпон, Фитрат... Хўш, бу улуғ сўз санъаткорларининг қай бирининг фарзанди ота изидан юриб қалам билан дўстлашган экан, деган савол бир маҳаллар мени ҳам қизиқтирган эди. Балки бордир... Лекин саволимга жавоб топа олмаганман. Деҳқоннинг фарзанди деҳқон, чўпонники – чўпон, юристники – юрист, жуналистники – журналист, генералнинг боласи – генерал бўлган ҳолатлар кўплаб учрайди, худди узукка кўз қўйгандек. Бироқ шоирнинг боласи шоир бўлганини кўрмаганман.

Қизим Наргиза ва ўғлим Ёқуббек журналистик таълим олган. Ёқуббек халқаро Эразмус Мундус ҳамкорлик ташкилотидан TOSCA лойиҳасини ютиб олгани учун ҳозирги пайтда Польшадаги Адам Мицкевич университетида бир йиллик илмий стажировкада.

...Жаҳон адабиётининг улкан бир бўлимини туркий адабиёт ташкил этади. Шунинг ичида ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ҳам бор. У ўзининг яшаши учун зарур бўлган элексири қадимги даврлардан олиб турибди. Ўрта Осиё табиати учун Худо тарафидан берилган тўрт фасл – ёз, куз, қиш, баҳор ёт эмас. Қиш фасли бўлмайдиган элатлар бир мучаси ҳали тўлиқ ривожланмаган одамга ўхшаб кетади.

Бизнинг Ватанимизда юқорида айтилган тўртта фаслнинг барчаси яшайди. Шунинг учун турли-туман адабий йўналишларнинг ҳеч бирини ўғай деб ҳисобламаслигимиз кераг-ов. Илгариги даврларда адабиётдан “ёмонлик” изловчилар жуда кўплаб учрар эди, бундай иллатлар бугунги кунда ҳам топилади. Уларни қандай бартараф этамиз?..

...Жаҳон адабий жараёнида мавжуд бўлган ҳар хил адабий оқимлар ва йўналишлардан қўрқиш – бу сўз қадрини тўғри баҳолай билмасликдан келиб



чиқади. Инсоннинг руҳий дунёсидаги ўзгача ҳолатни тасвирлаш зарурияти бошқача ифода яратадиган шоирларни дунёга келтиради. Бунинг нимаси ёмон?... Лекин санъатнинг барча турларида, шунингдек, шеърятда ҳам “ёлғончилар” бор: “ёлғон модернчи”лар бор. Уларнинг жонли сезим ва туйғуларга бутунлай қони ёт, муздек “қурбақа қуруллашлари”, албатта, ўқувчиларда ёмон таассурот қолдиради. Ҳақиқий модерн ва ёлғон модерннинг орасида осмон билан ерча фарқ бор...

Юртбошимиз Ислон Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида шундай деган эди: “Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир”.

Ёзувчи қисмати ва масъулияти ҳақида айтилган нақадар жонли ва ҳаётӣй, ҳаётнинг ўзи каби ҳақиқий фикрлар. Бу гаплар бизни ижодга руҳлантиради. Шу сўзларни ўқирканман, бир пайтлар Оролни кўриш учун Амударё орқали резина қайиқда эшкак эшиб сафарга чиққаним эсимга тушади. Узоқ давом этган бу сафарнинг натижасида “Ўқуздарё битиклари” номли туркум шеърларим дунёга келган. Демокчиманки, ҳар

бир асар ҳақиқий бўлиши учун ҳаётни чуқур ўрганиш зарур. Бердақ бобонинг ўй-хаёллари, дарду армони қандай бўлганини ҳис этиш учун Нукус – Тўрткўл катта йўли ёқалаб Шиппиқ қалъасигача яёв йўл юриб, аждодлар руҳини зиёрат этганман. “Бердақ фарёди”, “Бу юртнинг ботирлари қайда?” сингари шеърларим шундай ёзилган.

Адабиётимизни ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилган. Бизнинг вазифамиз энди белни маҳкам боғлаб ижод қилишдан иборат. Қорақалпоқча айтганда, қобирғаларимизнинг орасидан юрак, жигар ва ўпкамиз кўриниб туриши даркор... “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ва “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти”, “Амударё” журналлари адабиётимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда...

Ёзувчи-шоирларимиз дунё мамлакатларига ижодий сафарларга чиқиб, улардаги сўз заргарлари билан жонли мулоқот ўрнатса, ўзга эллар халқларининг ҳам қалбига қулоқ тутса – уларнинг яшаш шароити, маданий ҳаёти билан танишса, албатта, адабиётимиз янада юқори чўққиларга кўтарилишида имкониятлардан бири бўлур эди...

...Бутун умрим давомида режаларим билан тайинли муроасага келолмай яшамоқдаман. Баъзида режаларим менга бўйсунмайди, гоҳо мен режаларимнинг тизгинидан чиқиб кетаман...

Бу йил барчага омад ёр бўлсин!

АДИБ ҲАҚИДА:

Бахтиёр Генжамурод 1959 йилнинг 11 майида Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида туғилган. 1985 йилда Нукус Давлат университетини битирган. Қорақалпоқ тилида: "Офтобнинг умри", "Саратон", "Ўқ қадалган от" шеърӣй тўпламлари, "Лирика" таржима китоби нашр этилган. "Ўқуздарё битиклари" шеърлар, ва шу номдаги достонлар китоби, "Мадехон ёхуд Чин ипагидаги битик", "Қар-Оқ-Алп-Оқ" достонлари Тошкентда ўзбек тилида нашр этилган. 2002 йилда "Шуҳрат" медали билан мукофотланган.

Шеърлари рус, корейс, турк, немис, француз, қозоқ тилларига таржима қилинган. Ҳозирда Нукус Давлат университетиде фаолият кўрсатмоқда.





Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

Жоним ичиндаги жонимсан, Ватан

ВАТАН

Яланг оёгимга санчилса тикан,
Тан оғриб, қон кўпчиб, ингранади жон.
Ўзни сендан ўзга санамадим мен,
Танимсан, қонимсан, жонимсан, Ватан!

Тан – кўзга кўринган савлатим менинг,
Қоним-чи, жонимга, руҳимга макон.
Мақташга сўз етмас васфингни сенинг,
Танам ичиндаги танимсан, Ватан!

Миллион йил саҳрода гулдек очилган,
Сир, Сурхон, Зарафшон, Ўқуздарёсан.
Юрагимдан вужуд ичра санчилган
Қоним ичиндаги қонимсан, Ватан!

Жон – Аллоҳ неъматидир: биз учун иқбол,
Эркин руҳ – инсонни юксалтирган шон.
Халқимнинг камоли, бахти Истиқлол,
Жоним ичиндаги жонимсан, Ватан!

БИЙ ОҒА

Тангрим бизга ортиқ дунё бермади,
Минг бора бисёр ишқ берди, бий оға.
Согинч шамиширини Лайлим сермади,
Тўралик тўнингни бугун кий, оға.

Оҳ, юрак-бағримни тилмоқда олмос, –
Бу Худойдан бизга келган сий, оға.
“Кел...” деб чақирар ёр, бормасам бўлмас,
Кўзимга тор бўлди Нукус – уй, оға...

Аллоҳ неъматидир севги-муҳаббат,
Бизга висол йўлин кўрсат, бий оға.



Ўчсин ё ўрласин юракдаги ўт,
Бўзадан тўлдириб яна қуй, оға...

ДЎСТ УЧУН

Севимли ойим қизлар, мени аяманг!
Дўстликни муҳаббатдан баланд қўяман.
Ёрдан жафо кўрдим, вафо кўрмадим,
Айтинг, бу доғни мен қандай юваман?

Севимли гул бекалар, мени аяманг,
Дўстликни ишқингиздан баланд қўяман.
Зиндонбанд этдингиз менга май қуйиб,
Алпомшидек чоҳга тушиб қўяман...

Севимли хонимлар, мени аяманг,
Дўстликни бўсангиздан баланд қўяман.
Ёр деб ўзни фидо этмасман энди,
Дўстга жоним қурбон – жоним “сўяман”...

МИНГ МАНЗИЛДАН УЗОҚ

“Минг манзилдан узо-о-оқ...” Макрит боғидан
Тушимга киради ҳар тун бир узум...
Узумнинг сувини – майни согиндим,
Қалбимда оқ каптар учмоқда. У – ким?..

Қарши чўлидан оқ булутлар келар
Қора товға – гулсиз, урён тошларга.
Ўқуздарёда тонг... гўё сел ёғар,
У – тилла узукнинг кўзёшларими?

Чап қўлимда қадаҳ, ўнг қўлда шароб,
Ўз-ўзимга қадаҳ сўзи айтарман.
Оқ булутдан оппоқ каптарни сўраб
Маст бўлиб тунлардан тонгга қайтарман.



**ОДАМ АТО ВА МОМО
ҲАВО ҚИССАСИ**

Тангрим энг биринчи Сўзни яратди...
Сўнг чексиз оламни, сайёра – Ерни,
Дунёга илоҳий нурни таратди.
Ерга тирикчилик берди.



Қирқ йил ғам буюрди –
Ёғдирди қорни,
Қирқ йил бахт ёғдирди –
Сел бўлди жаҳон.
Қайғу ва шодликнинг тупроғин қорди,
Вужудни яратди, ато этди жон.

Тангрим унга “Одам” дея от қўйди...
Ерга подшоҳликнинг хуқуқин берди.

Чўлларнинг, сувларнинг подшоси – Одам!
Тўқайлар, тоғларнинг подшоси – Одам!
Балиқлар, қушларнинг подшоси – Одам!
Махлуқлар, жонзотлар подшоси – Одам!

Юраги негадир интизор эди,
Негадир кимнидир соғинар эди...

Аллоҳ – билгувчидир, билди бу сирни,
Одамни илоҳий уйқуга солди.
Унинг манглайига ёзди Тақдирни,
Бир жуфт қобирғасин синдириб олди...

Жигари, юрагидан кесиб Одамнинг,
Бўтака, буйрагидан кесиб Одамнинг,
Томири, ўпкасидан кесиб Одамнинг,
Ақли ва эсидан кесиб Одамнинг,

Нур-ла елимлади жуфт қобирғани...
Жон ҳам ато этди Тангри таоло.
Худонинг меҳрига минг бора шукур!

Силкиниб уйқудан уйғонди Одам,
Ойпарини кўрди, сочи ёйилган:
“Бу олам чиройин, ҳусну жилвасин



Барчасин мужассам этган ўзинда,
Тунги юлдузларнинг сирли шуъласин –
Барин жам айлаган мастон кўзинда.
Бу ким?.. – била олмай лол қолди Одам.

Юраги, жигари ва ўпкасига
Санчилди ишқ отли уч олтин игна... –
Суйиб яшаи! Куйиб яшаи! Кечириб яшаи!

Етти қат осмондан келди бир садо:
“Бул – Ҳаво Она!
Ул – Ҳаво Она!
Гул – Ҳаво Она!..”

“Қошимга кел!..” деди Ҳавога Одам,
Товуши тоғлардан ошиб янгради.
Бироқ дунёга у подшоҳ бўлса ҳам
Ҳавони қошига келтиролмади.

“Керак бўлсам сенга, ўзинг кел буён!” –
Деди гўзал Ҳаво сузилиб кўзи...
Билмай кўнди Одам.
Ўшандан буён
Эр ялиниб борар аёлга ўзи...

Ажаб, буюк Тангри каромат этди,
Одамдан яратди Ҳавонинг ўзин.
Неча минглаб йиллар, асрлар ўтди...
Доим қиз йигитни, эркакни хотин
Ўз измига солди, ўтказди сўзин.

Гоҳ минглаб чақирим юрсак ҳам йироқ,
Кўл телефонлардан беради буйруқ.
Юрагимда газаб ўт олса, бироқ
“Сен Одам эмассан!” деб ураман дўқ.

– Сен Одам эмассан! Ҳа, ҳа, Ҳавосан!
Кечир, кислородсан – тоза ҳавосан...
Ойимсан, қуёшимсан, юлдузимсан сен,
Ҳаётимсан, дардимга ўзинг давосан...

Менинг юрагимсан – сен ягонасан...
Сен Одам эмассан! Ҳаво Онасан!

Эркакнинг олдида эркак тиз букмас,
Жонларим, сиз учун бошим эгаман.
Бу ёруғ дунёда сиз Одам эмас,
Ҳаво бўлганингиз учун севаман!

**Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси**



Улуғбек ХАМДАМ

ПИЛЛАПОЯ

Ҳикоя

Устозларимга бағишлайман



*Агар ҳақиқат менинг юзимга оёқ босиб
ўтишни тақозо этсаю, сен буни қилмасанг,
асло рози эмасман.*

Баҳоуддин Нақшбанд.

*Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,
Сен ҳам гал келганда пиллапоя бўл!*

Эркин Воҳидов.

Одамларнинг оқими худди пишқириб оқаётган дарёни эслатарди. Кимдир қаддини тик тутган ҳолда ўртада гердайиб борар, кимдир эгилиб-майишганганча четда, пиллапоя тутқичига суянган кўйи аранг ҳаракатланарди. Ҳамма ўз кучи етганча кўтарилиб борарди-да, узун йўлақдан бошланган қаватларга кириб кўздан ғойиб бўлишарди. Аммо кўпчилик, барибир, имкон қадар юқорироқ чиқишга орзуманд эди. Атиги бир қават бўлса ҳам тепароққа илашгиси келарди уларнинг. Шунинг-чун ҳам вужудини куч-қувват бутунлай тарк этгунга қадар кўтарилиб келиб, ниҳоят, ҳоли ўзига аён бўлгачгина қаршисидан чиққан қаватга чорночор ўзини топширарди. “Чекимизга тушгани шу экан, нимаям қилардик, пешона...”, дея ўзаро ғудранишади одамлар қаватларига кириб кетишаркан. Аммо яна шундайлар бор эдики, улар ўз ҳолларини билмасдилар: чарчаб, ҳарсиллаб, тили бир қарич бўлиб осилиб қолганига қарамай, кўзлари юқорида олма терар, ёнидан ўтиб кетаётган ҳар қандай бир йўловчининг қўлтиғига безбетларча кириб, тагин бир неча зина тепароққа чиқиб олишарди. Лекин “ўзингда йўқ, оламда йўқ” дейишганидек, ҳатто мисканадек ёпишқоқ ва сур мана шулар ҳам бировнинг кўмагида узоққа бо-

ришолмай, зинада ёки бирон қаватнинг киришида йиқилиб, ерларда хор бўлишарди. Уларга қараб турсанг, нигоҳларинг булғаниб кетади. Яхшиси, кўзни пок тутмоқ керак, дейсан ўзинга ўзинг улуғларга эргашиб.

Зиналар бўйлаб кўтарилиш, бир қарашда, спорт мусобақасини ёдга соларди: ҳамма биринчиликни олишни, ғолиб бўлишни истаб, гўё жон олиб, жон берарди. Кузатиб қарасам, издиҳомнинг бундай кайфияти менга ёқмади. (Ўзи шунақаман: кўпчилик истаган нарсалардан қочиб юраман. Мусобақа руҳини ёқтирмайман). Инчунун, оқимнинг ичидан айрилиб чиқдим у пастга, келган жойимга қайтиб туша бошладим...

Тушиш ёмон бўларкан. Чиқаётганда ҳансираб, толиқиб, ўпкам шишган эдию, барибир, кўпчилик ҳосил қилган катта оқим кўмагида унча малоллик сезмаган эканман. Энишда эса нафасим равон, енгил бўлиб қолганига қарамай, оқимга қарши бораётганим учун бўларим бўлди: ҳали у, ҳали бу елкалари ўмганларга уриниб чирпирак бўлдим. Айниқса, одамларнинг саволчан нигоҳлари, “жинними бу?” дегандек жирканиб қарашлари серандиша табиатимни найзалаб ташлади. Лекин нима қилай, тушишдан бошқа иложим йўқ, тепадаги талашиб-тортишиш менга манзур келмади. Яна денг, умуман, пиллапояга дуч келганимдан буён ихтиёрим ўзимдадек туюлгани билан жуда унақа эмасди. Менинг менлигим шу билан, пиллапоя билан тирик эди. Шу маънода мен унга боғлиқ эдим...

Шундай қилиб, мен зинанинг энг қуйи қисмигача инишга қарор қилдим. Қани, у ерда нима бор экан?.. Тепадан пастга қараб келаётганда якка ўзим эдим. Менга шундай туюлганди. Бир неча зина пастга тушганимдан кейин ортимга боқиб, менга ўхшаганлар анчагина эканлигини кўрдим. Яна бир оз ўтгач эса “мен” “биз”га, “биз” эса “оқим”га айланганини билдим. Демак,

оқимга қарши оқим. Бири тепага, бошқаси эса пастга қараб оқади...

Мен пастдаги ялангликка қадар эниб бордим ва негадир илкис тўхтадим. Чунки... чунки ерга тушгандан кейин ортга, тепага қайтгим кепқолди. Бунинг сирини сизга тушунтириб беролмайман. Тепада экан, бирданга пастга тушгим келгандек бўлди ҳозир ҳам. Нима қилай, айтдим-ку, ҳеч бир нарса менинг ихтиёримда эмас эди деб, шунга. Қолаверса, у ер зерикарли туюлди менга. Қиладиган иш ҳам йўқ, борадиган жой ҳам. Аммо мен билан тушганларнинг асосий қисми ялангликда қолиб кетишди. Тўғрироғи, бепоёнликка ўзларини топширишиб, кўздан йитишди. Демак, қисмат бўлса, кирадиган тешик ҳамиша топилақоларкан-да... Сарсор солсам, уларнинг орасида қариялару бетоблар кўпчиликини ташкил қилар экан... Мен ва яна бир неча кишиларгина ортга қайтиб, яна ўзимизни бояги пиллапоёга урдик...

Энди мен илк сафаргидек имилламасдим, балки тез ва шиддат билан кўтарилардим. Шунчалар тезки, ҳаш-паш дегунча бир ўзим оқимнинг ичида оқим пайдо қилдим. Ҳеч ким мен билан тенглаша олмас, ҳатто пастдаги яланглиқдан бирга қайтганлар ҳам ҳу-у-ув қаёқлардадир қолиб кетишганди. Оқимнинг ичида оқим пайдо қилишнинг ҳам гашти, ҳам азоби бўларкан. Чунки умумий катта оқимнинг суръати сеникидан паст бўлгач, истайсанми-йўқми, у сенга худди қарши томондан келаётгандек туюларкан, тўғрироғи, шунга яқин бир тўсиқни юзага келтираркан. Пастга тушиб бораётганда юқорига кўтарилаётганлар билан қандай тўқнашган бўлсам, ҳозир ҳам шундай, тўғрироғи, шунга яқин тарзда чарпишиб турдим. Бунинг оқибатида эса тезлигимга путур етар, яна зўр бериб аввалги, ўз кўнглимга уйғун суръатни топишга, топиб олгач эса бунинг адоқсиз гаштини суришга муваффақ бўлардим. Биласизми, мен мудом ҳаётнинг маънисини қидириб юргич одамман. Шу тобда, шу пиллапоядан шиддат билан юксалиб бораётган онларимда ўша маъни мен билан бирга эди. Балки шу одамнинг ўзи маъни эди. Демокчиманки, ўша маъни мендан айро эмасди ёки мен маънодан. Хуллас, сиз мени тушундингиз...

Шу янглиғ жуда кўп йўлни ортда қолдирдим. Мен атрофга чалғимас, аксинча, дадил кўтарилиб борардим. Одамларнинг юзига қарамас, фикру ёдим янада жадалроқ ҳаракатланиш билан банд эди. Галдаги зинани орқага ташлаб, янгисига оёқ қўйишим билан кўзим зинанинг битта поясига ўтириб олган аёлга тушди. Унинг юз ва кўзларида ҳорғинлик аломатини аниқ кўрдим. У ҳам аллақандай номаълум томонларга умидсиз боқиб, ўз-ўзига: “Чарчадим, қушга айлангим келяпти, қушга!...” дер ва “ух” деганча узун-узун нафас чиқарарди. Аёл икки қават ўртасида ўтирарди. Назаримда унинг кучи на юқоридаги қаватга чиқишгаю ва на пастдаги қаватга тушишга етарди. Аёлнинг ёнгинасида, шундоқ одамларнинг оёқ остида қўл телефони ётарди. Ундан: “Ало, Тез ёрдам” эшитади, гапирсангиз-чи!” деган овоз тинимсиз такрорланарди. Аммо афтидан аёлга энди кўмак керак эмасди. У чорасиз нигоҳлари билан нуқул пастни кўзларди... Шу лаҳза ортимдан келаётган одамларнинг қудратли тўлқинига дош беролмай мункиб кетдим ва йиқилиб тушмаслик учун олдинга одим отдим...

Йўлда, пиллапоя заҳматларидан чарчаган шўрлик аёлнинг қиёфаси анчагача хаёлимни тарк этмади. Юзлаб зиналарни босиб ўтгачгина уни унутгандек бўлдим. Йўқ, балки хотирамнинг аллақайси ғаладонига берки-тиб қўйдим, шекилли. Қачонлардир ўша ғаладонни очиб қолсам, рўбарўмдан туйқус чиқиб қолади ҳали...

Юра-юра булутларга ёндош жойга чиқиб бордим. Ҳатто парқув булутларнинг қанча-қанчаси пойларим остида қолди. Пиллапоя бўлса битай демас, мен ҳам чарчашни билмас, шиддат-ла илдамлардим. Яна ён-веримга боқмасликка, хаёлимни бўлмасликка, бутун куч ва ғайратимни йўлга сарфлашга тиришардим. Бир вақт келиб, худди анави аёлни кўриб қолганимдек, энди бир эркакнинг юзига кўзим тушди ва шу заҳотиёқ аллақайдай сирли-сеҳрли куч остида унинг ўтмиши кинолентадек ботинимнинг аллабир кунжида айланиб улгурди. Унга кўра, эркак ҳам бирмунча аввал зиналардан юксакликка кўтарилиб кетган кўп муборак зот экан. Мана, энди сафардан қайтибди. Унинг ҳам қадамидан ўт чақнаган экан ўша пайтлар. Шиддати ҳадди аълосига чиққан кезлар биргина ўзи бутун бошли тўлқинни ҳосил қилганча олдинлаган экан. Ўшанда унинг ортидан етиб юришга ҳаракат қилган қанчадан-қанча одамлар бўлиб, улар ҳам муборак зотнинг панасида ўзига хос оқимчалар ҳосил қилган ва бундан бағоят мағрурланган эканлар. Лекин шу тобда унинг бир ўзи эди. Ангоридан худди аёлга ўхшаб толиққан кўринарди. Мен унинг юзига қараб, бутун ўтмишини ўқиб-ўқиб турганим ушбу лаҳзаларда у ҳам менга боқиб ҳаммасини – кечаги кунимнию, айна дамдаги юрак ҳолимни, яна қолмишига, эртამни ҳам тушуниб-туйиб тураркан. Кейин мен унга яна синчковроқ тикилдим. Негадир унинг маънос чехрасида ўша маънони, менга керак, мен талпинаётган маънони уқмадим. Маъноки, менинг назаримда пиллапоя ҳадя қилиши керак бўлган ва мен, сиз, у... ҳамма-ҳаммамиз шошаётган, ошиқаётган. Маъноки, зиналар бўйлаб умид билан юксалиб бораётган инсон заҳматларини оқлайдиган. Маъноки... қисқаси, сиз мени яна тушундингиз... Эркакнинг ҳаёт аччиқ-чучукларини обдан синаган нигоҳида бошқа мазмун хира тортиб турарди. Мен унга тикилиб, “қанча юксакликка кўтарилганинг билан, барибир, у ерда шу тобдаги кўнгил ҳолингдан янада баландини тополмайсан, бўтам. Сен қидираётган нарса, аслида, сени манзил сари ошиқтираётган ўша ҳолингдан ўзгаси эмас” деган ҳикматни ўқидим, холос. Ажабландим. “Шундай муборак зотнинг менга айтадиган гапи бор-йўғи шуми?” дедим ўзимга ўзим алам билан...

Сўнг биз бир-биримизнинг ёнларимиздан ҳеч нима бўлмагандек, худди бегоналардек ўтиб кетдик. Ҳатто исмларимизиям сўрамадик, билмадик. Бизни учраштирган йўл мана шундай қилиб, бизни яна айирди...

Йўл юрдим, эртақларда айтилгандек, йўл юрсам ҳам мўл юрдим. Энди хаёлимни ўша зот банд айлаганди. Бир вақтлар аёлнинг қиёфасидан англаганларимни унутганимдек, эркакнинг нигоҳидан уққанларимни ҳам унутаман, деб ўйлагандим. Овора бўлганим қолди, холос. Англаганларим оғир юк каби устимдан босиб келди. Мен эса ундан қочиш учун зўр бериб юқорига интилардим. Мана шу тарзда минглаб зиналарни босиб ўтсам ҳамки, ўша зотдан эшитганларимни унутолмадим. Чунки у менга ўхшарди, йўқ, тўғрироғи, мен унга

ўхшардим. У қачонлардир босиб ўтган йўлни мен ҳозир босар, у қачонлардир туйган туйғуларни мен энди кўнглимдан ўтказардим. Мен ҳам унга ўхшаб шиддатли эдим, менинг ҳам бу пиллапоёда ўз тўлқиним, ўз оламим бор эди. Мен ҳам ҳеч кимнинг ортидан юрмас, кимнингдир тўлқини панасига яширинмасдим. Бу менинг Тангри ато қилган табиатимга зид эди. Яна шуки, вақти-соати келиб, мен ҳам у сингари шу пиллапоёдан пастга тушишимни билар, ҳатто буни ич-ичдан ҳис қилар эдим. Шунда менинг ҳам ортимдан одамлар ҳозиргидек эргашмас, балки бир ўзим ўз хаёлларим билан эниб боришимни аниқ-тиниқ тасаввур қилардим. Худди унга ўхшаб... Демак, у менга устоз экан, деб ўйлаб қолдим навбатдаги зинадан кўтариларканман. Шу чоққача ҳеч қачон менинг устозим бўлмаган эди, у билан ўша биргина, бир зумгина давом этган нигоҳлар мубоҳасасидан сўнг, тўғрироғи, бу ҳақдаги тинимсиз мушоҳадаларимдан сўнг уни ўзимга устоз, деб билдим. Ҳатто унинг номини билмасам ҳам. Шунда мен устознинг ким ва қанақа бўлишини билиб олдим...

Устозни топганим яхши эдию, унинг кўзларидан уққаним ўша ҳузунли маъно мени қийнай бошлаганди. Ақлим “унга ишон!” дерди. Чунки мен пиллапоёнинг илк зинасидан бошлаб неча мингтасини босиб ўтганим билан ҳеч қайсисида қўним топмагандим. Бас, шундай экан, нетиб яна ҳув осмондагисидан умидвор бўлай?! Мени ўша ёққа бошлаётган куч устозим айтганидек, фақат ва фақат кўнглимнинг шу ондаги ҳолати, холос. Бор-йўғи – шу! Оламнинг мазмуни бизнинг ўз кўнглимиздаги мазмун билан қоимдир! Ахир мен ҳозир ёш ва ғайратлиман, умид ва орзу ичимда болалаб ётибди. Улар-чи, улар – ўша аёл, устоз? Уларнинг таналари қариди. Ичларидаги орзу-умидлар эса қуш мисол бирин-сирин учиб кетдилар. Шунинг учун ҳам кўзларида тиклаб бўлмас ҳорғинлик акс этган. Ахир,

уларнинг қиёфаларидаги сурункали чарчоқ, аслида, кўнгилларидаги ифодаси эмасми? Устознинг “юқорида ҳеч нарса йўқ”, дегани аслида, шу тобдаги бўм-бўш кўнглидан чиқаётган садо эди-да!.. Аммо... аммо биласизми, устоз энди пастдан – пиллапоё ибтидосидан нимадир кутаётган эди. Назаримда, бу унинг юрагини тарк этмаган яккаю ягона илинжи эди... Ахир, мен куни кеча ўша қуйига тушиб борганим билан кўпчилик кириб кўздан йўқолган жойга, парданинг ортига ўтмадим-да! Устознинг умиди ўша парданинг орқасидаги дунё билан боғлиқ эди энди... Ҳар ҳолда унинг кўзларида шу маъно ҳам бор эди...

Лекин мен давом этардим. Айтдимю боя, мен ҳеч кимнинг соясида намоз ўқимаيمان, деб. Яна мингта эркагу аёл йўлимдан чиқиб, нигоҳлари орқали менга ўша биргина ҳақиқатни уқтиришга уринишса ҳам, мен, барибир, ўз йўлимдан қолмаслигимни билардим. Чунки менинг ичим, муборак зотнинг ҳувиллаб қолган ботинидан фарқли ўлароқ, орзу-умид билан тўла эди. Назаримда, улар аллақандай, ўзим ҳам тузукроқ англамайдиган ғаройиб бир мўъжизага қаратилган эди. Бу мўъжиза ўзимгача мавжуд бўлган ҳар қандай ҳақиқатдан юксакроқ ва кучлироқ туюларди мен учун. Мўъжизани эса ўзгалар босиб ўтган йўл эмас (ҳатто улар устоз бўлса ҳам), балки олдимда қаддини ғоздек кериб турган мана шу пиллапоёгина ҳада қилиши мумкин эди. Гарчанд у ҳамма юрадиган, ҳамма бир-бир босиб ўтадиган битта, ягона пиллапоё бўлса ҳам. Ким билади дейсиз, эҳтимол, мен устозим чиқиб улгурган зиналарнинг ярмини ҳам босолмасман, балки ундан икки ҳисса баландроқ кўтариларман. Буниси номаълум ва биласизми, худди мана шу номаълумлик мени ўзига оҳанрабодек тортарди. Шу сабаб мен устозим ўғитини бағримга маҳкам босиб, Худо деганча пиллапоё бўйлаб олдинга – юқорига талпиндим...





Азим СҮҮОН



Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН

Нима бўлса бўлсин деманг дунёда,
Кўнгил ғам тошларин қилманг зиёда.
Сиз бугун отлисиз, бизмиз пиёда,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Ёр, деб атамоққа журъатимиз йўқ,
Заримиз, зўримиз, ҳимматимиз йўқ.
Боримиз – севгимиз, гийбатимиз йўқ,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Рангимиз саргайди – зарғалдоқ ранги,
Ҳолимиз паришон – туёқнинг чанги.
Умр деганлари қўнғироқ занги,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Сиз ёр бўлмогини қутган Азим бу,
Вафо ифорулин тутган Азим бу.
Сизсиз бу жаҳонни нетган Азим бу,
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.



Қандай гўзал бу олам, ҳаёт,
Бизга қараб жилмаяр мамнун.
Девордаги нақшинкор соат
Кўзларингиз қирига мафтун.
Адо қилар мени муҳаббат!


Бошдин ўтди не-не савдолар,
Жоизмикин эсламоқ бугун.
Гулдондаги нозу адолар,
Қаранг, сизга, фақат сиз учун!
Адо қилар мени муҳаббат!

Ой тўлибди, ойнакдан боқар,
Таралади илоҳий оҳанг.
Зулфингизга кўзмунчоқ тақар,
О, отмаёқ кўйсин бугун тонг!
Адо қилар мени муҳаббат!

Икки юрак битта бўлган тун,
Бу тун фақат иккимизники!

АДО ҚИЛАР

Икки юрак битта бўлган тун,
Бу тун фақат иккимизники.
Деразадан шуълалар беун
Ёритади кулгичингизни.
Адо қилар мени муҳаббат!



ҚАЙГА КЕЛДИМ

Қайга келдим, тўрт томон яшил.
Ям-яшиллик аро чечаклар –
Қизил, сариқ, оқ капалаклар,
Менга айтар унсиз эртақлар
Қайга келдим, тўрт томон яшил.

Кўзларимда оҳанглар оқар,
Тарам-тарам шойи оҳанглар.
Шомги, тонгги ойли оҳанглар,
Оҳанглар ё афсунгар ранглар?
Кўзларимда рангларми оқар?

Қайга келдим, тўрт томон яшил,
Қирқим-қирқим қояларми-о.
Билиб бўлмас яшиллик аро,
Яшил наво, о, яшил наво!
Қайга келдим, тўрт томон яшил.

Бу тугдона, бу заранг дарахт.
Улар кўкдан қочган чақмоқлар,
Қочиб бунда қотган чақмоқлар,
Не дардларни тотган чақмоқлар!
Бу тугдона, бу заранг дарахт.

Қайга келдим, дунё ям-яшил.
Мени чорлар қай бир жсаранглар,
Жарангларда илкис оҳанглар,
Камалаклар, камалак ранглар!
Қайга келдим, дунё ям-яшил.

МЕНГА ЖАВОБ БЕРИНГ

Учган ўқнинг ақли борми?
Ким у нишон? Нақли борми?
Бешаҳдики у, шаҳди борми?
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Тоғлар нечун қулаб тушигай?
Бир-бирини улаб тушигай,
Чорлаб тушигай, унаб тушигай,
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Бий саҳрода очин-юпун,
Кўйин боқар чўпон тун-кун,
Чақмоқ урар уни нечун?
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Куннинг келар-кетари бор,
Шодмон, гамгин йитарни бор.
Қайга кетиб, етари бор?
Менга жавоб беринг, дўстлар!

Сирлар тўла – осмон ичи,
Сирлар тўла – уммон ичи,
Осмон, уммон – инсон ичи,
Нечун? Жавоб беринг, дўстлар!

Ўздин сўра! Азимдирман,
Азимманки азмдирман.
Ўғлимдирман, қизимдирман!
Билганим шу азим, дўстлар!

ТУНГИ ЎЙЛАР

Қолдими умримнинг кузи шафақлаб,
Ажабким, орзулар, ҳайратлар юпун.
Оғир аравани тортар имиллаб,
Ўтиб-ўтмаётган қирчанги бу тун.

Кўклам офтобида дарахтлар тани
Қизийди, шохлари барг ёзар қувноқ.
Фунчалар хандага очар лабини,
Кўзим кўриб туриб, кўрмайди бундоқ.

Кўпам йўриқларни бузмадим-ку мен,
Битта фарзанд бўлиб севдим Ватанни.
Юрак гижимланар, эй юрагим, сен,
Қабул қилмоқдасан қай зарби зангни?

Гоҳ бўм-бўш оролда қолган кимсаман,
Бунда на дўст бордир, на бордир рақиб.
Бамисли шалағи чиққан кемаман,
Тўлқинлар қирғоққа отган иргитиб.


Наҳот ўқилиб соб ишқ эртаклари,
Ўчган чўгдай кўнгил совиб бормоқда.
Кераксиз туюлар дил истаклари,
Ҳатто танамда гоҳ қон уйимоқда.

Иззатманд меҳмонман ушбу дунёда,
Умримнинг йўллари шонли-шарафли.
Эй дўст! Сенинг билан бўлдим зиёда,
Қай тарафлисан – мен ўша тарафли!

ЯХШИЛИККА ЙЎЙДИМ ФАҚАТ

Майсалар ҳур илдизига тупроқ бўлдим,
Бир қатим нур, бир қултум сув, урпоқ бўлдим.
Улар томчи нигоҳида нурпоқ бўлдим,
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат.

Одам кўпроқ яхшиликни англамаслар,
Дов-дарахтдек муҳаббатли чангламаслар.
Ота-ўғил бир-бирини тингламаслар,
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат.



*Боқ, қояга тизим-тизим уланишган,
Кўчкиларда елкалашган-суянишган.
Хаста қушлар бир-бирига куйманишган,
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат.*

*Тоғ кўксидан отилган о, булоқларми,
Бир-бирига улашмаса ирмоқларми,
Улар дарё бўлмаса гар ўйноқларми?!
Бу дунёни яхшиликка йўйдим фақат...*

НИМА БОРДИР?..

*Бу дунёда азалдан азал,
Нима бордир асалдан асал?
Гуллар бордир асалдан асал!*

*Бу дунёда азалдан азал,
Нима бордир гуллардан гўзал?
Гўзаллар бор гуллардан гўзал!*

*Бу дунёда азалдан азал,
Нима бордир гўзалдан гўзал?
Хаёллар бор гўзалдан гўзал!*

*Бу дунёда азалдан азал,
Нима бордир хаёлдан гўзал?
Ҳаёт бордир хаёлдан гўзал!*

*Бу дунёда азалдан азал,
Гуллар гўзал, асаллар асал,
Ҳаёт гўзал, хаёллар гўзал,
Ёрим гўзал, баридан гўзал!*

ҚАЙДАДИРКИМ

*Қайдадирким, бир гунча гулликка шайланмоқда,
Бир булбул ошиқликка – қулликка шайланмоқда.*

*Қайдадирким, бир илдиз тупроқ тубида ётар,
Кўклам ифорин туйиб, ўртаниб чайқалмоқда.*

*Қайдадирким, бир қиёқ уммондан чиқмоқ истар,
Тан-жонига илоҳий бир қудрат жойланмоқда.*

*Қайдадирким, олисда бир қалдирғоч кўрар туш,
Бир ўлка чорламоқда, туш ўнганга айланмоқда.*

*Қайдадирким, бир йигит минар учқур арғумоқ,
Бир қизнинг нигоҳида бир умр сийланмоқда.*

*Муродига етсинлар, мурод қилганлар, Азим,
Кунлар юлдузланмоқда, бу кунлар ойланмоқда.*

МЕН КИМ, АЗИМ СУЮНМАН

*Мен ким, Азим Суюнман, шоирлар деҳқониман,
Деҳқонлар ичра эса бир сийловли жониман.*

*Дону дуним сўз эрур, у оқ қозғозда унур,
Бошоқ каби товланур, эл-юртим хирмониман.*

*Хирмоним тўқ магизли, уялмайди огизли,
Тугмунчоқдай азизли, онамнинг маржониман.*

*Сара уругдан сара, чала уругдан чала,
Чалалик – чипқон яра, гар чала сомониман.*

*Ғанимларим бисёрдир – қуш, чигиртка айёрдир,
Тортиб кетар – тайёрдир, донсиз тегирмониман.*

*Деҳқоним, дон далангда, унмасин пуч-палагда,
Элни қилма алагда, унинг дастурхониман!*






Муяссар ТИЛОВА



КУНГИЛ ТОШҚИНЛАРИ

Ҳикоялар





ТЎҒОН

Икки кундан бери шивалаб турган ёмғир тун яримга борганда жалага айланди. Момақалди роқ осмон гумбазини ёриб юборгудай гумбурлар, тез-тез чақнаётган чақмоқ ёруғида қишлоқнинг паст-баланд тепаликларидаги уйлари кўриниб кетади. Сув тарновдан челақлаб тушар, шаррос қуяётган жала томлар тунукасини доира қилиб чалади.

– Ёмғир тагин кучайдими?

Торгина уйнинг бурчагига ўрнатилган печканинг биқинида ётган Суюн ота инқиллаб гапирди.

Чолининг безовталанаётганидан хавотирга тушган Робия хола уни чалғитган бўлди.

– Ёмғир кучайгани йўқ, шамол қутурган бўлса керак.

– Йўқ, – дея эътироз билдирди чол, – шамол эмас бу. Жалага ўхшайди.

– Жала бўлганда нима? Беш дақиқа қуйиб, ўтиб кетадиган тентак жала-да.

Ҳатто нафас олишга ҳам қийналаётган чол ҳорғин хўрсинди.

– Мен бу жалани биламан. Бир бошласа қора булути икки-уч кунлаб кетмайди. Кўприк нима бўлдийкан, тўғонням таъмирлаш керак эди.

Отанинг касал ётганидаям қишлоқни, одамларни ўйлаши Робия холанинг ғашини келтирди.

– Шу қишлоқ сизсиз очидан ўлиб қоладими? Касал ерингиздаям уларни дегунча ўзингизни, тезроқ тузалишингизни ўйласангиз бўларди.

Чол индамади.

Шу пайт қаттиқ чақмоқ чақдими, шамол кимнингдир тунука томини учирдими ёки биров дарвозани тақиллатдими – англаб бўлмай қолди. Бу овоз яна икки-уч марта эшитилгач, эшик тақиллаётганини билган кампир ташқарига чиқишга ҳозирланди.

– Бобо, Бобожон, – (Чол набирасини эркалаб шундай чақирарди) момонгнинг изидан бор. Ҳовли лой.

Катталарнинг гангир-гунгиридан ухлалмай ётган болакай ўрнидан сапчиб туриб момосига эргашди.

Робия хола бошига катта рўмолини ташлаб олган, Бобобек эса бобоси шошириб, югургилатганидан юпун кийимда эди. Улар дарвоза ва уй ўртасидаги юрса калиш ботиб қоладиган лой йўлақдан секин боришарди.

Кампир норозиланиб ғўдранди:

– Ярим кечаси ким бўлдийкан? Шундай ёмғир пайти-я?!

Бола бўлса худди жавоб бермаса биров уришадигандай лабини буриб, елка қисди.

– Ким у? – деди кампир дарвозани очишга уринаркан.

– Менман, эна, Турсунбой.

Робия хола дарвозани очгач, худди ишонқирамагандай “Турсунбой?” дея минғирлаб қўйди.

– Қўрқманг, эна, ўғримасман.

Суюн оқсоқолнинг яқин ёрдамчиси Турсунбой ивиб кетганидан дағ-дағ қалтираб турарди.

– Ҳа сизмидингиз, болам? Тинчликми ярим кечаси?

– Тинчликмас-да, Суюн отам уйдадилар?

– Ётиб қолганидан бери бирор марта бошини кўтармаган одам ярим кеча уйда бўлмай қаёқда бўларди?

– У кишида ишим бор.

– Ҳа, ҳа, киринг ичкарига, – дея хижолатланди остонада туриб қолган Робия хола.

Турсунбой амакининг кўкракларигача чапланган лой липиллаб турган чироқ ёруғида ола-чалпоқ кўринди.

– Тўғондан келяпман, эна. Ишлар орқага кетяпти. Бу ёмғир тинадиганга ўхшамайди.

Турсунбой тиззагача келадиган резина этигини амаллаб ечиб, уйга кирди. Улар бўсағада куймалангунча лип этиб хонага биринчи кирган болакай ҳалигина бошини ҳам кўтара олмаётган бобосининг худди муллалардай бўлиб ўтирганини кўриб ҳайрон қолди.

– Тузукмисиз, ота? – дея сўрашиб кетди уйга кира-кирмас Турсунбой.

– Худога шукур, бир нави. Ўзинг яхшимисан? Алламаҳалда тинчликми?

Ёмон хабар келтирганини айтолмай Турсунбой гапни чайнади.

– Кўприкни-ку амалладик, лекин тўғоннинг иложи бўлмаяпти. Баъзи жойларини қайта қуришга тўғри келди. Энди битай деб турганида ёмғирни қаранг. Агар тинмаса кейин умид йўқ. Шунча меҳнат бир пул.

– Ўзи битай деб қолдими?

– Яна зўр берилса икки кунлик иш. Фақат ёмғир белига тепяпти.

– Чол, сиз ҳозиргина инқиллаётгандингиз-ку, – дея гапга аралашди Суюн отанинг ўтириб олганига энди аҳамият берган кампир. – Турсунбойни кўриб тузалиб қолдингизми? Ётаверсангиз ҳам унинг гапи эшитилди.

Ота Робия холага қўл силтади.

– Бўлмаса, Турсунбой, одамларга айт, қирқига чидашди, қирқ бирига ҳам ғайрат қилишсин.

– Айтдим, ота, айтдим.

Унинг куюниб гапирганидан қошларининг ўртасига тушган чизик баттар чуқурлашиб кетди.

– Мендан кўра сизнинг айтганингизни қилишади. Уларниям тушуниш керак. Неча кундан бери шиббалаган ёмғирга қарамай ҳашарни тўхтатишгани йўқ. Лекин ҳозирги жалага чидаб бўлмаяпти.

Суюн ота ноқулай ўтирганиданми ёки чарчаганиданми бошқа ёнига ўгирилди. Ўгирилаётиб қаеридир қаттиқ санчиди, шекилли, ихраб юборди.

– Яхши, эрталаб бораман. Бугун тонггача дам олишсин.

Робия хола нимадир деб норозилик билдирмоқчи бўлди-ю, лекин чолининг жиддий турганини кўриб тилини тишлади.

– Ўзим бориб ишнинг бошида тураман. Шунча қийналишди. Агар оғир деб ҳозир ташлаб кетишса кейин минг урингандан фойда йўқ. Дўнгликдаги ер бу йил ҳам сувсиз қолади.

– Менам шуни айтаман-да, лекин ҳали ёшманми ё одамларни эргаштира олмайманми, улар ишон-

қирашмаяпти. Барибир сиз ўттиз йиллик оқсоқолсиз, салобатингиз бор. Айтганингизни қилишади.

– Эрталаб амаллаб йўлга чиқаман. Бугунча шу ерда ётиб қол. Икки-уч соатдан кейин тонг отади.

– Йўқ, ота, раҳмат. Бугунам тўғон бошида қоламан. У ердаги вазиятни назорат қилиб туришим керак.

Турсунбой чол билан хайрлашиб ташқарига чиқши билан ҳозиргина деворга суяниб ўтирган Суюн ота ҳолсизгина ўрнига ёнбошлади. Ётганидан сўнг ҳам нафас олиши қийинлашиб хириллай бошлади. Момоси Турсунбой амакисини кузатиб чиққани учун уйда ёлғиз қолган бола бобосининг аҳволини кўриб нима қиларини билмай шошиб қолди.

– Бобо, қаерингиз оғрияпти?

– Ҳеч қаерим оғримаяпти. Озгина чарчадим, сен ухлайвер.

Туни бўйи миужжа қоқмаган болакай кўзларини юмиб, ширин эснади.

– Аҳволингиз бу бўлса, эртага тўғон бошига бораман дейишнинг нима кераги бор эди?

Турсунбойни кузатиб келган кампир уйга кирар-кирмас, чолига жаврай кетди.

– Ҳолингизни билиб гапирсангиз бўлмайдимми?

Чол худди айб иш қилгандай индамади.

Кампир яна нималардир деб гўдранди-да, чироқни ўчириб ётди.

Қариганига қарамай отдан тушсаям, эгардан тушмайдиган тетик чол қиш олди тўсатдан ётиб қолганича, ҳали бошини кўтаргани йўқ. Эрининг бирдан бундай оғир дардга чалинганидан гангиб қолган Робия холанинг бормаган табиби, фол дейсизми, ўқитиш, қоқтиришми – қилмаган амали қолмади. Лекин бирор-тасидан фойда йўқ. Охири кампирининг ортиқ елиб-югуришига отанинг ўзи рухсат бермай қўйди. “Дард берган Эгам шифосиниям ўзи беради. Сен кўнгли тор бўлмай сабр қил”, деганди ўшанда. Кампир шундан бери ётса ҳам, турса ҳам нималарнидир пичирлайди. Бобобек ёмон туш кўрса ёки совуқсираб тагини ҳўллаб қўйган пайтлари ярим тунда уйғониб кетадиган одати бор. Кўзини очганида ёнида ётган бувиси алланималар деб пичирлайди. Агар уйқуси сийрак бўлса, момосининг гапларини аниқ эшитади.

“Эй яратган Эгам, ўзинг дунё яратувчисан. Баланд тоғлар ҳам, дара-ўнгирлар ҳам, катта қўл, ҳайвонлар, ожиз бандаларнинг барчаси сенинг марҳаматинг билан бунёд бўлган. Бандаларингга ризқ берадиган Раҳмон, номингга шак келтиришса жазолайдиган Қаҳҳор ҳам ўзингсан. Олти боламни тўққиз ой вужудимда кўтартириб, ёруғ оламга келишганида тортиб олдинг. Чидадим. Соч юлиб, ёқа йиртиб йиғламадим. Уларни қандай яратган бўлсанг, шундай ўзингга қайтардим. Энди касал чолимни паноҳингда асра. Сенга шак келтирмоқчи эмасман. Ҳар бир бандани ўзингга қайтгувчи. Фақат бир оз вақт, яна озгина, ҳеч бўлмаса шу норасида эсини таниб олгунича ундан марҳаматингни аяма”.

Бобобек момоси ўзини назарда тутаётганини билиб, худди уйғоқ ётганини сезиб қоладигандай, пирпираган кўзларини қаттиқ юмиб олди.

– Унинг ўрнига менинг жонимни ол. Эрим ҳали кўпчиликка, қишлоққа, набирасига керак. Мен эса қўлидан бир иш келмайдиган нотавонман. Тирик юр-

ганимдан ҳеч кимга наф йўқ. Бу бош ўлимдан бошқа ҳамма нарсани кўриб бўлди. Парвадигорим, гапларимга ишон, дунёдан ҳеч қандай армоним йўқ. Даргоҳингга боришга шайман.

Йўқ, момоси ҳали дуосини тугатмади. Болакай эса шу ергача эшитиб, яна уйқуга кетади. Ким билсин, Робия хола қачонгача дуо ўқидийкин? Эҳтимол набирасидан бир оз кейин ухлагандир, эҳтимол, тонггача Худога нола қилгандир?

Робия холанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, Суюн ота азонлаб кийинди.

– Гандираклаганингиздан бир қадам юролмайсиз, шу ёмғирда тўғон бошига қандай борасиз?

Бобоси ва момосининг гапларини аниқ эшитаётган бўлса ҳам Бобобек уйғоқлигини билдирмади.

– Биламан, кампир, сен мени ўйлаб қуюнжасан. Лекин одамлар менга қараб туришибди. Нима қилиб бўлсаям боришим керак. Йўлимни тўсма.

Умрида чолининг гапини иккита қилмаган Робия хола қанчалик қақшамасин, ортиқ қаршилиқ кўрсатмади.

– Мен отингизни тайёрлайман, – дея чиқиб кетди.

– Бобожон...

Бола бобосига қараб кўрпанинг бир четидан секин мўралади.

– Мен бирор ерга кетсам, уйнинг эркаги, посбони сен бўласан. Шунинг учун бундай ғафлат босиб ухлама. Момонгга қара. Эркаклар доим аёлларни: онасини, опа-синглисини, момосини ҳимоя қилиши керак.

Чол “ёрини” ҳам демоқчи бўлди-ю, барибир набирасининг тушунмаслигини билиб, гапирмади.

– Уқдингми?

Бобобек бошини ирғаб-ирғаб, ўрнидан турди.

– Баракалла.

– Отингиз тайёр, чол.

– Кетяпман, – дея Суюн ота мажолсиз оёқларида туртиниб-суртиниб юрди.

– Ҳалиям кечмас, чол, ёмғирни қаранг, тўхтамайди. Бунақада...

– Қўлтиғимдан кир, – дея Суюн ота кампирининг гапини бўлди.

У амаллаб оёғини узангига қўяркан, бирдан боши айланиб қалқиб кетди. Ерга йиқилишига бир баҳя қолганди, яхшиям Робия хола ёнида экан. Илгарилари бир енгил ҳаракат билан қора қашқаси устига қўнадиган навқирон Суюн оқсоқол бугун узангига оёқ қўйишга ҳам кучи етмади. Хожасининг аҳволига қулгандай, қора қашқа ҳам баланд кишнаб нари тисарилди.

– Сизга айгандим-ку, ҳали дармонингиз етмайди.

Кампир ва набира икки қўлтиғидан кириб уйга амаллаб олиб кетишди.

– Энди қора қашқани бошқа минолмасам керак, – деди Суюн ота чанқаган лаблари чапиллаб.

– Ундай деманг, яхши ният қилиш керак.

– Мен боришим керак эди, тўғонбошига боришим керак эди. Бормасам, қишлоқ яна ёзда сувсиз қолади.

У ётган жойида қўлидан ҳеч нарса келмаётганидан, иложсизлигидан қуюнарди.

– Қўйинг ўша тўғонни, вайрон бўлиб кетмайдими?

Чолининг аҳволига чидолмаган кампир юзини кафтлари билан яшириб йиғлаб юборди. – Олти болангизга бунчалик қуюнмагандингиз, ётиб қолганингизда

бир келиб хабар олмайдиган бегоналарни ўйлаб бунча қуясиз.

– Ундай дема, кампир. Бу қишлоқ ота маконим. Унинг одамлари менга омонат. Ўлим олдида ҳаммамиз ожизмиз. Куйганим билан болаларим қайтармиди?

Вазият олдида ожиз болакай эса худди қуш поладидай бир чеккада ҳаммасини жимгина кузатарди.

Орага чўккан дилни ўртовчи оғир сукунатни, ниҳоят, Робия хола бузди.

– Қора қашқангизга миниб тўғонбошига ўзим бо-
раман.

Чол ва набира ялт этиб холага қаради.

– Менга нима дейишим кераклигини айтинг, одам-
ларга етказаман.

Чол кўрқув ва ҳайрат аралаш сўради:

– Чиндан бормоқчимисан?

– Ҳа бораман, менам бир вақтлар отда юришда
сиздан қолишмаганман.

Отанинг киртайган кўзларига нур энгандай порлаб
кетди.

– Унда одамларга айт, тўғоннинг аввал дарабе-
тини мустаҳамлашсин, агар шу томон пишиқ бўлса,
қолгани бир йилга чидаб беради.

– Ҳалиям ўйлаб кўр, бу ёмғирда юриш қийин, –
дея иккиланди чол йўлга чиқишга ҳозирлик кўраётган
кампирига.

– Шу тўғонни, одамларни деб игнанинг устида
ётгандек ётибсиз. Бу ерда сарғайиб, қўл қовуштириб
ўтиргандан кўра уриниб кўриш керак. Бобожон, сен
уйда қолиб, мен кегунимча бобонга қараб турасан.
Йўқлигимни билдирма.

Қариганига қарамай, ҳалиям қотмадан келган,
чайир кампир йўлга тушди. Анчадан бери от минма-
гани учун қора қашқага энгашишга бир оз қийналди.
Оқсоқолдан бошқани мингашишга қўймайдиган от ҳам
қайсарлик қилди. Ёши етмишга бориб қолган хола ба-
рибир отга минолмасди. У қўли билан имлаб набира-
сини ёнига чақирди.

– Менга қара, агар бобонг сўраб қолса, момом от-
га миниб кетди деб айт, тушундингми?

– Ҳўп.

Бобобек бурнини тортиб қўйди.

Жала ҳамон челақлаб қуяр, лой ерда билчилла-
тиб қадам ташлаганча от ва уни етаклаган кампир се-
кин узоқлашишди.

– Момонг кетдимми?

– Кетди.

– Бери кел, болам.

Суюн ота хириллар, иситмалаганидан вужуди ўт
бўлиб ёнарди.

– Бу ёққа ўтир. – У набирасига ёнидан жой кўр-
сатди.

– Бобожон, агар ҳозир кўзларим бирдан юмилиб
қолса ёки бобо деганингда индамасам, сен кўрқма,
хўпми? Мен қаттиқ ухлаган бўламан. Момонга айт,
йиғлаб мени уйғотиб юбормасин. Ундан кўра тўғонни
тезроқ битказишсин.

Чол томирлари бўртиб қолган, титроқ ва озгин
кафтлари билан набирасининг дўмбоққина қўлларини
ушлади.

– Бу уйдаги мендан кейинги эркак сенсан. Оқсо-
қолнинг набираси деган номни доим оқла. Момонгни
эҳтиёт қил. Мени тушундинг-а, болам?

Бобобек отанинг гаплари маъносини тушунма-
ган бўлса ҳам, бўғзига алланечук изтироб тиқилиб,
йиғлагиси келди.

– Тушундим, бобо.

Суюн ота кейин ҳам нималардир деб пичирлади.
Аммо бу гапларни англаб бўлмас эди. Бир оздан сўнг
эса тинчиб қолди. Кўзлари юмилиб, қўллари болакай-
нинг кафтларидан сидралиб тушди.

– Бобо, бобожон, – дея кўрқиб кетган болакай чол-
ни бир-икки марта туртди. Аммо у жим эди. Бинобарин
энди бошқа гапирмасди, қимирламасди, кўзларини
ҳам очмасди.

Ҳали бу дунёнинг очилмаган сир-асрорлари, ту-
шуниксиз изтироблари, атаб бўлмайдиган ҳислари
борлигини мурғаккина бола қайдан билсин? Бобосини
совуққотмасин деб устига кўрпани яхшилаб ёпди-да,
ўзи ўйнагани ташқарига чопқиллади.

Оти ҳам, ўзи ҳам яримбелигача лойга ботган,
кун бўйи ёмғир тагида бўлгани учун кийимлари сувга
бўккан Робия хола уйга қош қорайганда кириб келди.
Бостирма тагида лой ўйнаётган набирасини кўриб ко-
йиб берди.

– Барибир болагинингга борасан-да, шу жала,
изғиринда сенга зарилми? Ётмайсанми ўрнингда ўра-
ниб. Сенга бобонга қарагин деб тайинлагандим-ку.

– Бобом ухлаяпти, – деди совуққотганидан лабла-
ри кўкариб кетган Бобобек.

– Бир қошиқ иссиғи бўлмаганидан кейин оч қо-
рингаям, тўқигаям уйқуни тортади-да. Бошқа нима
қилсин? Ёлғиз боламдан қолган ёдгорим қиз бўлга-
нида қандоқ яхшийд-я. Бобоси иккимизнинг иссиқ-
совуғимиздан хабар оларди. Қари ҳолимга ўчоқ боши-
да куймаланмасдим.

Кампир жавраб-жавраб отни боғлагани отхонага
кетди. Бобобек момоси отхонадан келгунча уйга кириб
кўрпасига ўранди.

– Осмоннинг таги тешилганми нима бало? Ёмғир
тинай демайди, – бола момосининг уйга қираётгани-
ни остонадаёқ жаврашни бошлаганидан билди. –
Сув бошимдан кириб, оёғимдан чиқди. Тўғонда иш-
лаётганларнинг-ку бўлари бўлган. Фақат сизнинг хур-
матингиз учун тик туришибди ўшаёқда.

Кампир чоли томонга қарамас, ҳўл кийимларини
қозиққа илиш билан банд эди.

– Ўжарлигингиз иш беряпти. Барака топсин одам-
лар, иззатимни жойига қўйиб бирор нима дейиш-
мади. Сизни айтиб юборди деганим учун жимгина
қилишди. Яна бир кун кеча-кундуз демай ғайрат қи-
лишса, иш битади. Худо оёқларимга куч берса, бугун
кечасиям тўғонбошида турсам, иш эртага шомгача
тугайди. – Хола чолининг мажол топиб бирор жавоб
қайтаролмаслигини билар, аммо лоақал овоз ҳам чи-
қармаганига ҳайрон бўлиб Суюн отага қаради. – Чол,
ухлаяпсизми?

Ота индамади.

– Шунча гапни кимга гапирдим?

Ота ҳамон жим.

Робия холанинг юраги қандайдир бахтсизликни
сезгандай ғашланди. Ҳозиргина порлаб турган кўз-
ларигадаги нур ўрнини маъюслик эгаллаб, чоли томон
юрди. Суюн бобо ўраниб олганча қотиб ухларди.

– Чол, уйғонмайсизми?

Йиғламоқдан нари-бери турган кампир кўнглига келганлари ёлғон чиқишини Худодан ўтиниб, титраган кўллларини отанинг юзига босди. Суюн ота муздай эди. Кампир сесканиб кетди. Бир муддат карахтлиқдан сўнг, ҳушини йиғиб ўзини эрининг устига ташлади.

– Мени кўрқитманг, кўзингизни очинг. – У дод солиб чолининг ёқаларидан ушлаганча силкилади. – Бизни ярим йўлда ташлаб ўзингиз қаёққа кетяпсиз? Кимларга ишониб кетдингиз? Кўзингизни очинг.

Умрида момосини бу аҳволда кўрмаган болакай кўрққанидан кўрпанинг бир бурчагидан чорасизгина мўраларди.

– Эвоҳ, бу қандай қора кун бўлди? Эй Худо унинг ўрнига менинг жонимни олсанг бўлмасмиди? Мен ўлсам бўлмасмиди? Ё Аллоҳ, сендан ўтингандим-ку, ёлвориб сўрагандим-ку. Энди етимчанинг ҳоли не кечади?

Момосининг дунёни унутиб йиғлаётганига Бобобек чидолмади. Чўчиётган бўлса ҳам холанинг ёнига борди.

– Момо, – деди у секингина.

Ортига ўгирилган кампир набирасини кўриб шошиб қолди. Дувиллаб қуйилаётган кўзёшларини артиб кулимсиради.

– Болам, сен ташқарида ўйнамаётганмидинг?

– Совуққотдим.

– Ие, сени кўрмабман-да, болам. Кўрганимда бобонг билан ёжиллашмасдим. Қара, бобонгни, миқ этмай ётишини. Касал бўлиш ёқиб қолган бу кишига. Фақат ётавериб талтайиб кетди. Шунга уришаётгандим.

– Бобом ўлдими?

Унинг тўсатдан берган саволи холани баттар гандираклатиб кўйди.

– Бобонг ўлгани йўқ, ухляпти. Чарчагани учун қаттиқ ухляпти.

Бобобек момосининг гапига ишонмаган бўлса ҳам, бошқа нарса сўрамади.

– Бобожон, болам, кийин. Иссиқроқ бўлсин.

– Қаерга борамиз?

– Тўғонбошига. Одамлар бобонгни кутишётганди.

У киши боролмайди, ўзимиз борамиз. Бобонг, – хола шу ерга келганда оғир хўрсинди. Кўйлагининг этагига кўзларини артди, – ухлашидан аввал сенга ҳеч нарса демадимми?

Бола бир оз ўйланди.

– Момонг йиғламасин, ундан кўра тўғонни битказсин деди.

– Шундай деганини кўнглим сезганди.

Кампир чолини уйда ёлғиз қолдираркан, набирасини эшитмаяпти деб ўйлаб секин пичирлади.

– Мени кечиринг. Ҳаммага овоза қилолмайман. Тўғонбошига боришим, одамларни ишни тезроқ битказишларига ундашим керак. Бунинг учун мендан ранжиманг. Ахир ўзингизнинг хоҳишингиз ҳам шу эди-ку. Бобожонни ёнингизда қолдирардим. Лекин у ҳали гўдак, кўрқади. Бир ўзингизни қолдираётганим учун мени кечиринг. Агар ҳозир одамларни жаназага йиғсам, иш қолиб кетгани учун мени кечирмайсиз.

Уй эшигини маҳкам ёпган кампир, печкани ёқмади. Деразаларни очик қолдириб, қош қорайганда набираси билан йўлга тушди. Тинмай қуяётган ёмғир остида, болакай отда, кампир эса яёв, ҳорғин одимлайди. Гўё

хожасининг ўлимига аза тутгандай қора қашқа ҳам қадамларини оғир ташлайди.

Улар тўғонбошига етиб келган заҳоти кампирнинг ёнига Турсунбой халлослаб югуриб келди.

– Отам келмадимми?

– У киши касал, юролмайди. Тинчликми?

– Одамларни олиб қололмаяпман. Кетамиз дейишяпти. Нима қилишни билмай бошим қотиб турганди.

– Тўғон-чи...?

– Ёмғир ҳамманинг жонидан ўтиб кетди.

– Лекин атиги бир кунлик иш қолган.

– Шуни тушунтиролмаяпман-да, эна.

Кампир индамай, усти сирпанчиқ тошлар оралаб, йирик кўлмакларни кечганча тўғон томон юрди. У ерда иш тўхтаган, одамлар ўзини пана жойларга олганди.

– Бу ерда нима бўляпти?

Одамлар ноилож холага салом беришди.

– Бир кунлик иш қолганда, ўзингизни четга оляпсизларми? Шунча меҳнатингизга ачинмайсизми? Йил бўйи дўнглиқдаги ерларни сўғоришга етадиган сув бекорга жарга оқиб кетаверадими?

– Бу ёмғирда ишлаб бўлмайди, тушунинг, эна, – дея гапга қўшилди Али мироб. – Амаллаб қуйган бетономизни сув ювиб кетяпти.

– Лекин шу ҳолига ташлаб кетсак, тўғон бутунлай бузилиб кетади-ку.

– Ақл ўргатмай жалада ўзингиз бир ишлаб кўринг, кейин биласиз.

Робия хола қоронғи бўлгани учун ким гапирганини англолмади. Аммо ташланган шу луқма қари кампирнинг юрагида мудраб ётган ниманидир уйғотиб юборди.

– Майли, ким кетишни хоҳласа кетсин, қолганини ўзим қиламан.

Бобобек момосига ҳайрон тикилди. Робия хола йиғлар, аммо ёшлари юзига урилаётган ёмғир томчилари билан араллашиб сезилмаётганди. Бироқ шу ғамнок юзларда ҳам катта куч ва ирода бор эди.

– Мен шу тўғондан бир томчи сув олмасам ҳам куним ўтади. Оқсоқол сизларни, қишлоқни ўйлаганди. Бир умр шуларни деб яшади. Лекин хайф сизларга. У киши қадрига етмайдиган одамлар учун куйиб-пишганини билса эди...

Кампир бошқа гапиролмади. Этакларини туриб, тўғоннинг баланд деворига кўтарила бошлади. Вазиятни қандай баҳолашни билмай иккиланаётган бола ҳам момосига эргашди. Кампир нима қилиш кераклигини ҳам, қандай қилиш кераклигини ҳам билмас, ҳали қотмаган цементни текислар, кучи етган тошларни у ёқдан бу ёққа силжитарди. Унинг иши тўғон қурилишига ўхшамас, фақат аламидан нима қиларини билмаётган хола шу билан овунаётганди.

Холанинг тўғон юқорисидан турганидан хижолат бўлган одамлар бирин-кетин ишлагани туришди. Ҳамма кўзгалди. Иш ҳам, гурунғ ҳам, жала ҳам авжида. Тонггача, то тўғон битмагунча қанча мажбурлашсам кампирни ҳеч ким пастга тушишга, панага ўтишга кўндирилмади. У иш тамом бўлгунча, одамлар ёнида, тик оёқда турди.

Бобобек момосини кузатаркан, уни улғайтирган беш йил бир бўлди-ю, шу бир кун бир бўлди. Чунки унинг қаршисида жаврашдан бошқа нарсани билмай-



диган қари момоси эмас, вужудида улкан куч ухлаган инсон турарди.

Ниҳоят, тўғон битди. Одамларнинг ҳа дейишга силласи йўқ. Мадордан кетган Робия хола кўзларини қисиб тўғон томон қаради. Атрофга тонг ёйилган, ёмғир эса тина бошлаганди.

– Тўғонингиз битди, чол. Энди хотиржам бўлинг, – деди секингина. Одамлар тарқалаётганида кампир уларга раҳмат айтиб хўрсинди.

– Бир оз дам олгач, бизникига йиғилинглар. Раҳматли Суюн отани сўнги йўлга кузатиш керак.

Барча кўркув ва ҳайрат аралаш холага қаради.

ЖИЛОВСИЗ АСОВ

Ер андак силкинди. Тоғу тошлар гумбурлади. Галадаги отлар довдираб, ўзларини қаёққа уришини билмай қолишди. Галабоши уларни тинчлантиришга ҳарчанд уринмасин, байталлар кишнаб, турли томонга тирқиради. Оналарининг бу ажабтовур ҳаракатларига тушунмаган янги туғилган қулунлар атрофга ҳайрон олайишарди. Кўз очиб юмгунча бўлиб ўтган зилзила борлиққа шунча саросима солишга улгурди. Отларнинг оёқлари маҳкам турган ер қимирлашдан тўхтаган, бироқ негадир шовқин тинчимаганди. Оёқлари узун, бақувват, хипча бели қорувли, метиндай мустаҳкам галабоши айғир қандайдир хавфни сезиб, бурун тешикларини катта-катта очганча, безовта кишнаб кўл томондаги тепаликка қараб югурди. Бу тепалик яқин атрофдаги энг баланд жой. Унинг устидан ҳамма ер кафтдагидай кўринади. Ваҳимали кишнаб, тепалик устида ер тепинаётган айғирга пастдаги галаси бир илинж кутгандай жавдираб туришарди. Галабоши адашмабди. Кўнгли сезганича бор экан. Пастдаги водийдан ўзлари томонга чанг-тўзон кўтарганча бир неча отлик югуриб келарди. Айғир улар нима учун келаётганларини, мақсади нима эканлигини яхши билади. Чунки бундай кутилмаган меҳмонлар тез-тез кўриниб галанинг тинчини бузади. Шундай пайтларда бутун бошли отлар уюрининг тақдири галабошининг зиммасига тушади. Қора айғир шу чоққача бирор марта адашмаган. Тўғри, доим ҳам галани бус-бутун, ҳеч қандай талофатсиз қутқара олмайди. Улар орасида нимжон, касал отлар, ёш болали байталлар ва қарилар ё қоч-қувда ҳалок бўлади ёки қўлга тушади. Наиллож, айғир бундай паллаларда ожиз қолади.

Қадамларидан ўт чақнаб, худди қуюндай пастлади. Олд оёқларини баланд кўтариб, галасига шимол томон қочишни амирона буйруқ бериб кишнади. Йўл бошлашга бошлади-ю, ўзи олдинга интилмай, галани айланиб югурди. Отларни тезроқ ҳаракат қилишга ундаб ер тепинди. Кўл томондаги тепаликдан ўтилса, торгина водий. Ундан сўнг пасткам тоғликлар бошланади. У ерда тезроқ югурилса, бирор пана жой топиб, кўздан йўқолиш осон. Бутун уюр галабошининг мақсади нима эканини тушунди. Қора айғир эса энг охириги от ҳам йўлга тушиб олганидан кейингина қочишга ҳозирланди. Барчани кўздан кечириб, бир ҳаракат билан галанинг олдига ўтиб олди. У энг олдинда тўдасига намуна бўлиш учун тезроқ, чаққонроқ ҳаракат қилади. Югурганида кўмирдек қора ёллари селкиллаб, парвозга шайланаётган қушни эслатади. Аммо айғир илкис-илкис тўхтаб, чанг-тўзон ичида

элас-элас кўзга ташланаётган оппоқ байталга қарайди. Бошқа пайтларда ўша от айғир билан олдинма-кетин югурар эди. Ҳозир эса бунинг иложи йўқ. Чунки байтал қулунлаши керак. Галабоши тўдани унинг тинчгина кўзи ёриши учун шу адирликка олиб келганди, бежавотир деб ўйлаганди бу ерни. Бироқ шу ердаям азалий рақиби одамлар тинч қўйишмади уларни. Оқ бия аввалига рисоладагидек, бир текис югурди, аммо бора-бора ҳаммадан ортда қола бошлади. Унинг нафаси бўғзига тиқилиб ҳансирар, қорнида қандайдир кучли оғриқ турганди. Тахминан мўлжал олинган йўлдан гала жонҳолатда одимлар, айғир эса тўхтади. Оқ байталнинг бошқа югурмай, юмалаб қолганини кўргач ортга қайтди. Бу орада гала анча узоқлашига улгурди. Айғир биясини ўрнидан туришга ундаб атрофида гижинглаб айланди. Аммо оқ отнинг ортиқ югуришга мадори йўқ. Аввалига уни туришга ундаган галабоши энди пишқириб буйруқ беришга ўтди. Бироқ фойдасиз. Биянинг дарди бошланганди. Боягина зилзиладан кўрқиб кетган отга, кейинги зарба оғирлик қилди. У кишнашдан тўхтаб, бошини ерга ташлади. Энди бефойда. Байтал югуриш у ёқда турсин, ўрнидан ҳам туролмайди. Айғири атрофида гоҳ амирона, гоҳ ялиниб кишнар, жуфтнинг тумшугига бурнини теккизиб ундан ниманидир ўтинарди. Икки ўт орасида қолган галабоши бир суюкли байталига, бир шовқин солишиб тобора узоқлашиб бораётган уюрга қарайди. У қолганларни асраши керак, бироқ оқ отни шу аҳволида ташлаб ҳам кетолмайди. Унинг узоқ иккиланишига ортидан қувиб келаётганларнинг қораси кўриниши нуқта қўйди. Айғир осмонга сапчиб, ваҳимали, шу билан бирга жуда аянчли кишнади.

Тўйчи чавандоз уюрининг изини йўқотган бўлсада, овдан қуруқ қайтмади. Олдинги оёқлари тушовланиб, итоаткорона йўрғалаётган оқ байтал ва унинг тойчоғини, бу кенгликлардаги жамики ёввойи отлар сардори, афсонавий айғирнинг зурриёдини олиб қайтди. Қулуннинг юнглари худди отасиникидек тим қора, ялтироқ, кўзлари эса онасиники каби жигарранг. Оёқлари ҳали ориқ, нимжон бўлса ҳам, вақти келиб уларда кенгликларга сигмайдиган куч йиғилиши муқарра.

– Насли тоза-да жониворнинг, ялтиллашини қара, – дея севинчини ичига сиғдира олмаган чавандоз атрофидагиларга қулиб қўяди. – Айғирни тутолмаган бўлсак ҳам, қулуни бизда. Бу тойчоқнинг, – дея ёнида-

гиларнинг ким эканини англамай қулоқларини диккайтираётган қулуннинг бошини силайди, – галабошидан афзаллиги кўп. Чунки уни тутганимиз билан ёввойи барибир ёввойилигини қилади. Қулай пайт бўлди дегунча қочишга уринади. Асовни жиловлаш қийин. Қулунча эса энди ўзимизники. Агар отасидай ўктам от бўлса, бу орада олдимизга тушадиган чавандоз топилмайди.

Оқ бия одамлар қулунини эркалаган, юнглариини силаган сайин баттароқ тихирлик қилаётганди. Бир иложини топса-ю, боласини олиб ортига қарамай қочса. Аммо бари ҳаракатлари бефойда эканини жониворнинг ўзи ҳам билиб турар, шундай эса-да тақдирнинг бу ғирром ҳукми билан келишишни, уни қабул қилишни истамаётганди.

Ўша куни чавандозга қишлоқнинг ёшу қариси ҳавас қилди. Ҳозир ҳар ким унинг ўрнида бўлиб қолишни хоҳларди. Чунки донғи бутун водийга ёйилган қора айғирнинг зурриёди Тўйчи чавандознинг қўлида.

* * *

Оқ байталнинг кишнаши, тонгда, қуёш тоғлар бошини сийпаб мўралай бошлаганида, айниқса, авжига чиқарди. Чунки бу вақтда оқбошли чўққилар доимгидан ҳам виқорли, улуғвор ва жуда-жуда яқинда, худди кафт чўзса етадигандай кўринар, унда асовнинг қорли яйловда югураётган, озодликда шамолдай учаётган уюрининг дупурлари эшитилади. У малла, доим ёшовраб турадиган кўзларини ўша томонга қадайдди. Агар бир ҳаракат қилса, одамлар ўзича бақувват деб курган ёғоч отхонани бемалол бузиб ташлаб, узоқ-узоқларга, инсон етолмайдиган маконларга қочиб кета олади. Бироқ бунга унинг ҳақи йўқ. Чунки ортида яқинда туғилган қулунни бор. От кишнай-кишнай тинчийди ва бостирма тагида безовта онасига ҳайрон тикилиб турган гўдагининг ёнига қайтади. Тоғ асовини ёввойи отлар уюрдан кўзи ёриётган пайтда тутиб олишган. Қулунча ҳали жуда заиф, хонаки отларнинг болаларидан фарқ қилмайди. Лекин ёввойи байтал кўрадаги бошқа болаларни қулунининг ёнига йўлатмайди. Чунки ҳар тикилганида унда улкан харсангларга, юксак тоғларга, кенг дараларга сиғмаган озодликни кўради, жажжи юрагининг уришида югурганида тошлардан учкун сачратган отлар дупурини, ҳали ҳам онда-сонда қулоқларига чалиниб қоладиган жуфтнинг ўктам овозли кишнашини эштади. Қишнинг узундан-узоқ қировли тунларида ҳам отхонанинг усти очиқ қисмида қулоқларини диккайтириб, бурун тешикларидан ҳовур чиқариб тураверади.

Тонг отгач, қулунчасини ялаётган айғирни кузатаркан, Зиёд ота чуқур уф-ф тортди. У пайтларда Илҳом ҳали ёш, бобосининг кетидан қолмайдиган бола эди. Унинг гўдакларча мижғов саволлари ҳам кулгили, ҳам жавоб беришга одамни шошириб қўяди.

– Нимага уфляпсиз, бобо?

– Оқбошнинг аҳволини кўриб уфламай нима қилай?

(Улар отга шундай деб ном қўйиб олишганди)

– Отимизга нима бўлган?

– Уйини соғиняпти, бечора.

– Қайси уйини, уйи шу ерда-ку.

– Эй-й боласи тушмагур, эзиб юбординг, – Зиёд отанинг сабри тугаб, набирасини уришган бўлади.

Илҳом бошқа гапирмайди. Совуқда қизарган бурнини тортиб жим тураверади. Ҳамма нарсани тез унутиб қўядиган чол яна отга чалғийди.

– Насли тоза-да жониворнинг.

– Насли тоза дегани нима?

– Бу, – дея тушунтириш беради чол набирасига, – бу дегани ҳақиқий от дегани. Асл отлар худди Оқбошга ўхшайди. Қадамидан ўт чақнайди уларнинг.

– Ўт чақнайди дегани нима?

– Ўт чақнайди дегани жуда тез югуради. Қувганинг билан барибир етолмайсан дегани.

– Лекин отам отни қувганида етган-ку, у асл от эмасми?

Ота набирасига шу ерда таслим бўлади. Чунки бу саволга жавоб беролмасди. Ахир болакай отасининг оқ бошни ҳалол жангда эмас, болалаётган вақтида тутганини қайдан билсин?

– Эй баччағар, тоза жонга тегдинг. Миямни ачи-тишдан бошқа қиладиган ишинг йўқми? Бор, укаларинг билан ўйна.

Енгилаётган вазиятларида чол шу йўлни тутарди. Илҳомга эса барибир бобосининг ёнида ҳам, бошқа ерда ҳам ўзини зериктирмайди.

Қулунча бола билан тенгдош улғаярди. Кўриниши худди онасининг ўзи. Бақувват ва чайир оёқлари узун-узун, тим қора ёллари қизларнинг офтобда тобланган сочидек ялтирайди. Пешонаси ва биқинида оқ қашқаси бор. Шунинг учун ҳамма унга Оққашқа деб ном қўйиб олганди. Оққашқа вояга етгач онасидан ҳам ёвқур, онасидан ҳам навқирон отга айланди. Аммо она ва боланинг орасида бир фарқ бор эди. Оққашқа катта бўлган сари одамлар билан жуда-жуда яқин бўлиб кетди. Унинг пойгаларда, кўпкариларда бели қотиб, донғи ҳар томонга ёйилди. Лекин она от инсонларга бўйсунмади, қанчалик мажбурлашмасин, ҳеч бир чавандозни устига йўлатмади. Бошқа ишчи отлар қатори далага борар, аравага қўшилар, ўт, сув таширди.

– Бечорани турткилама, – деди бир куни Зиёд ота ёнига йўлатмаганидан байтални қамчилаётган ўғлига. – Унгаям меҳр берсанг, тек туради-да.

– Бу боқувни керагидан ортиқ олиб бўлган, ота. Лекин ҳеч нарсага ярамаяпти. Бунинг ўрнига қирчанғи боққанимизда яхшийдди.

Ота индамади, фақат норозиланиб бошини сарак-сарак қилди.

– Ҳар ким ўз юртида шоҳ бўлсин экан.

Илҳом бобосининг нима деганини англамагани учун беришга бирор жўяли савол тополмади. Фақат кўзларини пирпиратиб бобосига термилиб тураверди.

– Оқбошни айтяпман, – деди набирасининг ҳозир нимадир сўраб қолишини олдиндан билган чол. – Уни биз тамом қилдик. Тоғларида ҳукмдор эди, бу ерда-чи, ҳеч нарсага арзимайдиган бир от, холос.

– Унда нимага қочиб кетмайди?

Илҳом ўшанда биринчи марта бобосини ҳайратга соладиган савол берганди. Зиёд ота ҳам биринчи марта ўзига лойиқ суҳбатдош топган.

– Агар Оққашқа бўлмаганида эди, байтал аллақачон ё қочиб кетарди, ёки ўларди.

Оққашқани улоққа Тўйчи чавандоз, унинг укаси Суюн чавандоз минди. У билан қаерга боришмасин, доим ғалаба билан қайтишди. От эмас, чин дўст эди у.

Баъзан отаси Оқбошни қамчиласа, калтак худди бола-нинг бирор ерига теккандай сесканарди. Шундай пайтларда бобосини чақирар, фақат бобоси отнинг ёнини олиши мумкин эканини биларди. Бобосининг отларга меҳрини кўриб, уларни чин дилидан яхши кўради дея ўйлаган. Аммо бир куни кўпқарига кетган отни юк машинасида олиб қайтишди. Чунки отнинг йиқилиб оёғи синганди. Ўшанда энди ҳеч нарсага ярамай қолган Оққашқани сўйиш кераклигини, айнан, Зиёд ота маслаҳат берди. Ўша куни Оққашқага онасидан бошқа ҳеч кимнинг раҳми келмади. Сўйишаётганида атрофидагилардан меҳр-шафқат сўраб тиланган кўзлари ҳамон боланинг ёдидан чиқмайди. Кишнаганида доим ўктам чиқадиган овози ўша пайтда гўдақларникидан ҳам нимжон, янги туғилган қулунларникидан-да ожиз чиққан. У-ку охири тақдирига тан берди, лекин она от... Юраги қандайдир нохушликни сезгандай эрталабдан безовталана бошлагач, чол оёғидан маҳкам боғлаб қўйди. Лекин Оққашқани сўйишаётганида ер тепиниб кишнагани...

Илҳомнинг ўшанда раҳми келганидан ва айна дамда кўлидан ҳеч нарса келмаганидан лабларини тишлаган.

Байтал боласини кўргани йўқ, Оққашқани отхонадан панага олиб кетишганди. Лекин боласи ўлаётганини, ўлаётгандаям дўстим деб ишонганлари нобуд қилаётганини ич-ичидан сезиб турганди бечора. Оққашқа жони узилишидан олдин оғир ингради. Шу пайт отхона томондан нимадир қарсиллаб синди. Зум ўтмай одамлар ёнига шамолдай учиб, она от келди. Ҳамма қарахт бўлиб қолганди. Чорасиз айғир орқа оёқларида туриб бутун гавдасини тик кўтарганча олдинги оёқларини ҳавода муаллақ айлангирди. Шунчалик баланд кишнадики, овози қулоқни кар қилай дерди. Бола биринчи марта ёввойи байталда шундай важоҳат, куч, одам боласига нафрат ва иложсиз она-нинг фарзанди учун тутган мотамини кўрди. Катта

очилган бурун тешиклари ўт пуркайман дерди гўё. Оққашқанинг кўзлари онаси томон қадалганча қотиб қолди. Эҳтимол, уларда "Одамларга ишонганим, улар билан дўст бўлганим учун мени кечиринг, онажон" деган маъно бўлгандир. Ҳар қалай Илҳом ўша пайтда буни ўқиёлмасди. Ҳаммаси тамом бўлганди. Ёввойи байтал яна бир кишнади-да, пуртаналар ҳосил қилиб, вишиллаб оқаётган сойнинг устидан нариги қирғоққа сакради. Унинг соғ-омон ўтиб кетишига ҳеч ким ишонмаганди. Шунчалик юқори сакрадики, худди учаётганга ўхшарди. Узун ёллари шамолда қуш қанотидай селкиллаб, парвоз қиларди. Оқ байтал йиқилмади. Қанчалик узоқ бўлмасин, нариги қирғоққа сакрай олди. Сакраб ўтди-ю, тоғларга қараб жуда тез югурганидан бир зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди. У ёввойи эрки, озодлиги томон шошарди. Одамлар орасида узоқ муддат яшаган бўлса ҳам қари кўнглидаги бундай юксак туйғулар ҳамон ёш эди.

Болакай Оқбошни шундан кейин кўрмади. Қайта учратмади. Лекин она отдан кўнгли тўқ. Агар тирик бўлса одам етолмайдиган жойларда, эркинликда яшайпти, ўлиб кетган бўлсаям ҳақиқий ғолибларга хос ўлим топган. Мана буни ҳаёт деса бўлади.

Илҳом ҳамма тарқалгач ҳам она отнинг дупурлари қулоғига чалиниб қоладигандай бутун диққатини тоғ томон бериб анча вақт турди.

Ҳамма нарса қанчалик тез содир бўлган бўлса, шунчалик тез тугади. Зиёд ота "Ҳозир саволга кўмиб ташлайди" деб кўзларини набирасидан олиб қочди. Аммо бола ҳеч нарса сўрамади. Чунки кўп нарсани биллади деб ўйлаган инсон аслида ҳайвон англай олган оддий ҳисларни тушунмас экан. Бобоси илгари унинг кўзига ҳамма нарсани биладиган жуда ақлли инсон бўлиб кўринарди. Худди у кишидай фикрлагиси, у кишидай ўйлагиси келарди. Аммо кейин бошқа ҳеч нарса сўрамади. Бу воқеага ўзининг хулосасини чиқариб бўлганди.

КЎККЎЛ ҚЎШИҒИ

– Ўғлинг қанча кўп бўлса авлодларинг шунча бисёр, илдизинг мустаҳкам бўлади. Қиз бола биронинг ҳасми, бир куни ўрнини топса, отасини ҳам, туғишганларини ҳам эсламайди. Фойда йўқ улардан. Вояга етказиб қўшқўллаб бировга топширгандан кўра, қизинг бўлмагани дуруст.

Сайфи дароз бу гапларни доим такрорларди. Шунинг учунми, уч ўғлидан кейин қизи Гулсара туғилганида унчалик қувонмади. Бу фарзанди худди осмондан тушгандай, ўз пушти-камаридан бўлмагандай чақалоққа эътибор бергани йўқ. Бу гадейтопмас ерларда чақалоқ туғилса унга исм қўйиш учун овулдан анча узоққа, шаҳар марказига бориш керак. Дарознинг вақт, пул сарфлаб бориб келишга кўзи қиймади. Шаҳарга қатнайдиган ҳамқишлоғидан илтимос қилиб қўя қолди. Буни қарангки, ўша таниши хўп дейишга деди-ю, лекин қизалоққа қандай исм қўйишганини сўрамабди.

Иш битмай қайтишга кўнгли бўлмагач, Гулсара деб ёздириб келаверибди. Шундан бери бемаврид туғилиб қолган гўдақнинг исми Гулсара бўлиб кетди. Бу воқеадан сўнг орадан қанча сувлар оқмади. Сайфи дароз ҳозир мункиллаган чол, ҳимоясиз болакай эса бўйи етган қизга айланган. Улар яшайдиган кўккўл атрофини аввал кўрган одам энди танимайди. Кенг майдонни катта завод эгаллаган. Илгари балиқчилик билан кун кўрадиган қишлоқ одамларидан ҳеч бири балиқ овлашга кўлга келмай қўйган. Ҳозир илгариги мўл балиқлар қайда дейсиз? Баъзи турлари бутунлай йўқолиб кетди, борлари ҳам жуда кам. Қайиқ яса-тиб, тўлқинлари пишқириб ётган кўлга тушишга арзи-майди. Бир вақтлар шу тўлқинлар бағрида, уларнинг қаршилигига чап бериб сузган қайиқлар қишлоқда дароздан бошқа ҳеч кимда қолмаган. Чол ҳар-ҳар замон балиқчиликнинг хуморини босолмаган вақтларда

ёғочлари чириб қолган қайиғидан ўзи ҳам гумонсираб қирғоқ атрофида сузиб келади. Унинг бир қўшиғи бор. Ҳали кўлда сузмай туриб, ёнига яқинлашиши билан куйлашни бошлайди. "Агар Кўккўлнинг олдида, ўзи ҳақидаги қўшиқни айтиб берсанг, она кўлнинг меҳри ийиб кетади ва балиқларидан мўл-мўл беради", – дея изоҳ бериб қўяди атрофидагиларга.

*Кўккўл бизнинг онаизоримиз.
Кўккўл бизнинг халоскоримиз.
Бағрида ўйнайди балиқлар,
Кўккўл бизнинг ризку рўзимиз.
Кўккўл бизнинг онаизоримиз.
Кўккўл бизнинг ризку рўзимиз.*

Сайфи дароз бу қўшиқни катта ўғли Нурматга айтиб берди. Ўғил отасининг овози азбаройи ширалилигидан сел бўлиб эшитди-ю, аммо ўзи ҳам қўшилиб куйлаб кўришга унамади. Яна айтиб беришини илтимос қилганида эса кўнгли оғриган чол рози бўлмади. Отасининг аразлаганини кўргач, Нурмат қайтиб қўшиқни сўрамади.

Сайфи дароз қўшиқни иккинчи ўғли Холматга айтиб берди. Бу ўғил эса жиллақурса акасига ўхшаб тинглашни ҳам уддаламади. Энциасини қотириб бош қашлади-да, қўшиқ охирига етар-етмас, ўрнидан туриб кетди. Шундан кейин чол ўғлига қайтиб қўшиқ ҳақида гапирмади.

Дароз қўшиқни кичик ўғли Норматга айтишни бошлаши билан ёшлигидан эрқароқ ўсган йигит отасига бобиллаб берди.

– Кичкиналигимиздан бери бир хил қўшиқ. Одамни хит қилиб юбордингиз. Бўлди-да энди.

Чолга оғир ботди, лекин индамади. Чунки ўйлаб қараса фарзандининг гапи тўғридай. Ахир ўғиллари эндигина атак-чечак қила бошлаганидан бери ҳар куни қулоғига азон айтгандай шу қўшиқни айтади. Безор бўлиб кетишлари табиий. "Бу ота-бобосининг қўшиғи, нима учун эшитиш жонларига тегаркан?" Таслим бўлишни истамаган чол яна ғудраниб қўяди.

– Ўзинг айт, қизим, қўшиқнинг нимаси ёмон? – Дароз атрофидан ҳеч қандай тингловчи тополмагач, охири қизига юзланади. – Бу қўшиқни бобом айтган, кейин мен, энди навбат болаларимга келганида улар айтиш тугул, эшитишни ҳам ишташмаяпти. Ахир ўз тарихини билмаган, ота-бобосини танимаган, уларнинг нима иш қилганини англамаган одам қандай қилиб келажак ҳақида ўйлайди? У худди илдизсиз дарахтга ўхшайди-ку. Бундай дарахт қанчалик катта ва баланд бўлмасин, барибир сўлиб қолади.

Қизи гапларини эшитдими-йўқми, чолга фарқи йўқ. Фарқи бўлганидаям нима? Ахир яқин атрофда унинг эски ҳикояларини, кўккўл, ундаги балиқлар ҳақидаги афсоналарини шу эси паст қиздан бошқа эшитадиган ким ҳам бор?

Гулсара аслида ҳамма болалар тенгги ақли-хуши жойида, келишган, хушбичимгина қиз эди. Агар ўша ҳалокат рўй бермаганида овулнинг энг шайдоси кўп қизи бўларди. Ўғилларини овга чиқишга кўндирилмаган дароз "Менам борай, балиқ тутта оламан" дея кўзларини мўлтиллаган беш яшар қизчасини ташлаб кетолмади. Ўша куни ов роса бароридан келди. Ота-

бола Кўккўлда тебранаётган ўрқач-ўрқач тўлқинлар оша ҳозир тахталари чириб қолган бўлса ҳам, илгари бу атрофда унга тенг келадигани йўқ қайиғида кўл ҳақидаги қўшиқни бирга куйлашиб олис-олисларгача сузишган. "Қизим қўшиқни ўғилларимдан яхши айтяпти, ундан ҳам ниманидир умид қилсам бўлар" дея биринчи марта хаёлидан ўтказганди Сайфи дароз. Етарлича балиқ тутишгандан кейин ҳам ота қизига кўлнинг олис сарҳадларини, тиниқ сувлар ҳайқириб бошларини дам-бадам ураётган нариги қирғоқларини кўрсатгиси келди.

– Кўккўл бизнинг онамиз, – дароз ён-берини адоқсиз сувлик қоплаган кенгликка тикилиб қизига гапирди. – Бизнинг тарих жуда узоқ, ота-боболаринг ҳув анави тоғлар ортида яшашган, кейин тирикчилик оғирлашгач, кўл атрофига кўчиб келишган экан. Уларни кўл балиқ билан, ризқ-рўз билан таминлаган. Овулимизнинг балиқчи дейилиши шундан. Сен ҳеч қачон аждодларингни боққан, доим кимлигингни эслатиб турган бу жойларга беписанд қарама. Тўғри, кўлингдан ҳеч нарса келмайди. Авлодлар, миллийлигимиз давомийлиги акаларингнинг қўлида. Қизлардан бирор нима талаб қилинмайди, жиллақурса эслаб-эслаб тур дейман.

Овга чиқаётганларида осмон тиниқ эди, аммо тушга бориб булутлаша бошлади. Қайиқни орта бурганларидан куйишни бошлаган ёмғир зум ўтмай қаттиқ бўронга айланди. Дароз илгарилариям бундай ҳолатга кўп дуч келган. Бироқ ўша пайтларда ё бир ўзи, ёки ёнида забардаст бирор шериги бўларди. Энди-чи, энди ўзи-ку майли, ёнида ҳимоясиз қизи бор. Боягина умрида биринчи марта қизини одам ўрнида кўриб, у билан дилдан гаплашаётган одам, қутурган шамолда қайиқ ўзига буйсунмай қолгач "Аёлларга қарғиш теккани шу-да, улар бор жойда фалокат оёғинг остидан чиқаверади", дея аччиқланди. Туси ўзгарган отасидан, умрида кўрмаган ваҳимали шамол, кўпикланган тўлқинлар ичида чорасиз эканликларини ҳис қилганидан юрагига ваҳима тушган қизча қайиқнинг орқа бурчагига бориб ғужанак бўлиб кўнишиб олди. Отаси эса эшакларни ёлғиз эшавериб ҳолдан тойган, атрофни қоплаган қоронғилик ичида тез-тез чақаётган чақмоқ ёруғида узун кўлларининг ҳар чиранганида бўртиб кетаётган томирлари кўринади. Тинч пайтларда нари борса туянинг ўрқачига тенг бўлган тўлқинлар ҳозир овул атрофидаги тепаликлардан баланд, ўкириб ўзини қайиққа уради. Ёғоч қайиқ ҳар силкинганида қарсиллаб иккига бўлиниб кетадигандай ёки тўнкарилиб тушадигандай туюлади. Отасининг жаҳл устида турганини кўлни, шамолларни бўралаб сўкаётганидан, ҳар-ҳар замонда қайиқ тумшугига мушт тушираётганидан сезган қизалоқ, қанчалик кўрқаётган бўлмасин, ундан паноҳ, ёрдам сўраёлмади. Шунинг учун қайиқ атрофдаги тошлардан бирига урилиб, синиб кетганида у отасидан узоқда, боши нимагадир урилиб, хушини йўқотгач анчагача сувда қолиб кетганди. Жони омон қолишга қолди-ю, эрталаб уларни қидириб овулдаги бошқа балиқчилар келгунича отаси билан кичик оролчада, ёмғир остида қолиб кетишди. Гулсаранинг бошидаги жароҳат тез битди, аммо яранинг ўрнигина битди, холос. Дароз ортиқча харажат деб қизни шаҳардаги касалхонага олиб бормай, ота-бобоси кўллаган усуллардан фойдаланиб қўя қолди.

Ҳаммаси ўшандан бошланди. Гулсара аввалига ўша кунни, кейинроқ болалигини, қишлоқдошларни унута бошлади. Ота-онасининг кимлигини, ниҳоят, ўзининг кимлигини унутганида келиб текширган доктор вақт ўтганини, энди иложи йўқлигини, ҳаракат қилган билан фойдасиз эканини айтди.

"Одатда қизлар уйини эрга текканидан кейин унугарди, меники эса шунгачаям етолмади. Худо бу ишда ҳам қисганга ўхшайди", дея секингина ғудраниб кўйди докторнинг гапидан кейин дароз.

Кўл атрофида заводнинг қурилгани ҳаммадан ҳам Сайфига қийин бўлди. Уч ўғлиям шаҳарда ўқиб келгач, шу ерга ишга жойлашишди. Энди уларда балиқ овлашга вақт қаёқда дейсиз? Бунинг устига она кўлда балиқлар илгаригидек сероб эмас. Заводнинг оқова чиқиндиси тўғри кўлга келиб қуйилади. Соҳилдаги харсанг устига чўккалаб кўлни соатлаб кузатадиган чол унинг суви тортилиб бораётганини, бошини соҳилга ураётган бебош тўлқинлар ҳам аввалгидек тоза, зиллол эмас, рангги қандайдир хўмрайиб, тундлашганини пайқайди. Фақатгина устида чағалайлар учаётган кўлга қараб бир вақтлар бу ерларда ўзининг овулдошлари билан кўплашиб балиқ овига чиққанларини, ўлжанинг кўплигидан қийшайиб қолган қайиқларни елдириб келишганини эслайди. Ўшанда одамлар ҳозиргига ўхшамасди. Эҳтимол, жуда ақлли бўлишгандир, эҳтимол, эси пастроқ. Лекин ҳаммасининг кўнглида номлаб бўлмайдиган нимадир бор эди. Турли овозларнинг бирга янграганидан, осмону фалакка ўрлайдиган кўшиқ акс-садоси дарознинг қулоқларини жазиллатиб ўтгандай бўлади. Овулда ўзи тенгилардан ҳеч ким қолмаган. Чол қисик кўзларини олисларга қадаб бошқаларнинг ҳисоби учун ҳам кўлга узоқ термилади.

Сўнг ортига ўгирилиб, йигирма беш йилдан бери ҳар куни шу кўл атрофида изғийдиган Гулсарага сўз қотади. Қиз гап маъносига бормаса-да, худди ўзини эшитаётгандай кўрсатиб, бошини қуйи солганча жим тураверади.

– Бизнинг мана бу еримизга, – дароз мушти билан кўкрагини муштлайди, – асли ким эканимизни, кимларнинг фарзанди эканимизни ва қандай яшашимиз кераклигини ўргатиб, қон-қонимизга сингдириб кетишди. Биз-чи? – гапининг шу ерида қисик кўзларида милтиллаган ёш ҳалқаланади. – Биз нима қилдик? Ҳатто, ўз болаларига гапи ўтмайдиган гўрсўхтага айландик. Сен, она кўлга қара. Уни бир вақтлар сулоласининг бошини, ота-бобларини боққан одамларнинг авлодлари ҳалок қиляпти. Мен балиқчиларга сардор бўлганимда ҳали ёш ўғилларимга қараб ўлмаслигимни, уларнинг, набираларимнинг сиймосида қайта-қайта туғилаверишимни ўйлаб фахрланардим.

Гулсара отасининг гапини охиригача эшитмади. Соҳил бўйлаб бепарво юриб кетди.

Ҳафсаласи пир бўлган дароз қизининг ортидан кўлларини асабий силкитиб, яна харсанг устига ёнбошлади. Аммо, аммо шу пайт Гулсаранинг майин овози янграй бошлади.

*Кўккўл бизнинг онаизоримиз.
Кўккўл бизнинг халоскоримиз.
Бағрида ўйнайди балиқлар,
Кўккўл бизнинг ризку рўзимиз.*

Сайфи ота қандай ўрнидан туриб, ўша ёққа бориб қолгани эсида йўқ. Маъносиз нигоҳлари тўлқинларга қадалган қизига ўзгача меҳр, ҳайрат билан боқарди.

– Сен, сен, – отанинг лаблари титраб кетди, – сен бу кўшиқни биласанми?

Гулсара жилмайиб бош силкитди.

– Қаердан биласан?

– Бошим тошга қаттиқ урилган куни айтиб бергансиз. Жудаям чиройли куйлагандингиз.

Гулсара гапи тугагач, тагин уй томон шошилиб кетди. Ортидан термилиб қолган чол эса нима дейишини билмасди. Шу чоқ отанинг кекса кўнглида минг йиллардан бери мудраб ётган пўртана бош кўтарганди. "Мени кечир, қизим, аҳмоқ отангни кечир". – Дароз қай томон юраётганини ўзи билмас, фақат шахдам одимлаётганидан қайсидир ёдидан кўтарилган муҳим ишини қилмоқчига ўхшарди. "Мен қари аҳмоқ авлодимнинг давомчиси фақат ўғилларим деб ўйлабман". – Чол яна нималардир деб ғудранар, эски қайиғи боғлаб қўйилган жойга яқинлашгани сари оёқ олиши тезлашарди. – Она Кўккўл, ҳали сен ҳақингдаги кўшиқ унутилмабди. Афсуски, уни мен ишонган ўғилларим эмас, эси паст қизим куйляпти. Бунинг учун одам авлодларида айб йўқ, ҳамма гуноҳ менда". – Сайфи дароз чинор шохларидай узун ва ингичка бармоқлари қалтираб, эскилигидан сирти моғорлаб қолган қайиғини сув томон сурди. Анчадан бери қимирламай туравериш, оғирлашиб қолибди. Ота амаллаб сувга туширди. Кўл доимгидай сокин, тўлқинлар қуёш нурида жимирлайди. Дароз эшакларни аввалига қийнаиб, кейин эса енгил эша бошлади. У ёлғиз, эски, аммо қадрдон қайиғида кўлнинг охири уфққа уланган томонига қараб сузиб кетди.

Гулсара ҳали кетмаган экан, у анчагача чолнинг бир бўлагига айланиб қолган кўшиғини эшитиб турди. Отаси узоқлашиб, кўздан йўқолгач, овози ҳам, кўшиқ ҳам тинди.

Ўғиллар тун яримдан оққан эса-да, қайтмаган оталарини роса қидиришарди. Дароз ер-у кўкда йўқ, бироқ уларнинг ҳеч бири Гулсарадан бир оғиз сўрамайди. Чунки қиз сонда ҳам, санокда ҳам йўқ эди.

Буни билган, идрок этолган қиз эса:

– У Кўккўлда, мен яхши кўрган кўшиқни айтаяпти, – дея биров эшитмайдиган қилиб шивирлаб қўяди.





Ҳол Муҳаммад ҲАСАН

Сулвлардан ўзинг сулувсан



ТЕНГЛАМА

Кимки бахтсиз – эрур серхотир,
(касрин тортиб яшар одамлар)
Ёди йўқлар бутун – бахтлидир,
Вақт – Ҳакам ҳисобланса гар.

Занглаб ётган ўқдир – хотира
(ё қора кун маҳражи – заҳар
Ёхуд илдиз чиқарган яра) –
Вақт – Малҳам ҳисобланса гар.

Лолга суврат, кўздир басирга
(юррак ҳайдолмаган хира қон
Оқиб келар милён асрдан) –
Вақт – Рақам ҳисобланса гар.

Демак, эҳтимолда турмас Бахт –
Хотирага терс – кўпайгич сон.
Мавҳумотнинг исботидир Вақт,
Дунё – бир кам ҳисобланса гар.

ВАТАН

Шафақу шафтоли гулидан хушрўй,
андалиб навоси – тилидан хушрўй,
назмгўй хоманинг йўлидан хушрўй
хилқат бор –
Бир азиз. Би-ир азиз...

Замбуруғнинг захира ганжидан ширин,
Аразкаш сулувнинг ранжидан ширин,



Ҳур гўдак “инга”син авжидан ширин
Хилқат бор –
Бир азиз. Би-ир азиз...

Капалак қаноти патидан майин,
оҳунинг, олқорнинг сутидан майин,
чоҳда чоғ кабутар хатидан майин
хилқат бор –
Бир азиз. Би-ир азиз...

Илк розни рад қилган қўшни қизидай,
кўнгилни кўтарган фолбин сўзидай,
дабдуруст очилган басир кўзидай
хилқат бор –
Бир азиз. Би-ир азиз...

Беминнат яширган бор гуноҳимиз –
Бу хилқат – МУҚАДДАС САЖДАГОҲИМИЗ.

* * *

Шеърят, бунчалар ширинсан,
ширмисан, болмисан, тилим лол
онамнинг овунчли алласин
қувончли қўшиғи, далдасин
орзуи армони – ҳаммасин
жам қилиб жонимда турибсан.
Севгидай суюксан, сирлисан
сатрлар бамисли мусалсал
сеҳргар созларнинг садосин
саъваю қумрилар навосин

ёввойи хур ҳислар ҳавосин
туйдириб кўксима кирибсан.

Шеърят, бедаво дардмисан
касрингда не каслар бемажол
дийдаси сув бўлиб силқиган
сийрати кўзидан балқиган
тўкилиб тутдайин қалқиган
ҳасратга, ҳайратга тўлиқсан.

Маънолар мужассам манбасин
муқаддас мисралар мукаммал
суралар саж бирла ҳар оят
шоҳ байту – шоҳиста бағоят
эзгу сўз ўзидан иноят
Ки улуглардан-да улугсан.



Шеърят, на хилқат маъносан
рақибми рафиққа равосан
зиёсан, зебосан, аълосан
баъзида бошга минг балосан
билганим бир кам бу дунёда
камида бири кўп дунёсан.

* * *

Дўстим, чиққанмисан чўққига ҳеч бир
кўрганмисан қорнинг қуртини,
на дарахт, на бута битмас тап-тақир
супада харсанглар юртини.

Кўёш бир чиройли чиқади тоғда
Туманнинг устидан кузатсанг
қоядан қатим нур қуйилган чоғда
қўлинг куйиб қолар узатсанг.

Куйида кирпиниш арчалар қуюқ
булутлар йиртиғи – пистоқи...
юрагинг тирнар, гоҳ уюшар, уйиб
тошиб кетар қафасдан гоҳи.

Димогинг қитиқлар гиёҳлар иси
кийик каби сакра дер недир,
қулочинг қанотдай силкиб, сен эса
бургут бўлавергунг барибир.

Суғурнинг сап-сарик боласи – юмрон
бақрайиб боқади ҳайиқмай
тутишга йўқ сира ҳафсала, имкон.
Куртиклаб қолган оч айиқдай
бурама шохиними қайрайди олқор
мўмиёли қот қиррасига.

Шаршара – ишлари чийралган чилтор
кўлнинг кумуш кунгурасида,
оёгинг остидан кўчиб тош-қийир



борлиқни босади гулдирак,
кўзингга таҳдидли тикилар зойир
кеча тухум ёрган қийғирак
эсингдан айирар бир зум сеҳрлаб.
Зар тўла баркашдек офтоб,
силаб-сийпалайсан тоғни меҳр-ла.
Ҳаёт тотли туюлар шу тоб
чилдирма мисоли чалгинг келади
баркашни ботириб зиёга
олтинчи кун яшаб қолгинг келади.
Ишқинг тушиб бир кам дунёда
дўстим, чиқиб кўргин чўққига сен бир...

ОЙКУМУШ

Ойкумуш ойдинда сойга
Тушди бир чўмилгани.
Чўзди қўл шотут шоҳига
Шоҳисини илгани.

Титраюр ёлборса дур –
Тугмасига тегмаси.
Ёпишуб ёлборса дур –
Ёқут ёқода ўлгани.

Эмраниб тебранди сой,
Кордек баданга урди ях.
Абраро бурканди ой,
Ёирунча юзин юлгани.

Шўх шамол ўйнатса шохин
Мушқу анбар анқитиб.
Баридин тутмиш шотут,
Қирмизига кўмилгани.

Сумбула-сумбул кокил
Сув юзида кўрсатса юз.
Юзди юзлаб аждаҳо
Ганжини кўз-кўз қилгани.

Чиқмади юлдуз ёниб
Сўнг сўнди топмай бир илож,
Олмосини олмоси-ла
На кесиб, на тилгани.

Шоҳининг ол доғини
Одам хуни деб олдама,
Ол дағи май ким, маъқул
Ҳар ким Ҳолини билгани.



СИБИЗИҚ

Бойбувамнинг қизи – Сулув,
Исмидан ҳам ўзи сулув.
Қараимали қарашлари
Кўнглимга солар кўп гулу.

Сулувнинг ёши ўн бешда,
Енг, ёқолари чимкешта.
Қўлим узатсам қунишар,
Қарчиғайдан ҳурккан қушдай.

Қуралайди кўз, қош... сулув,
Кўксидан муздан тош, Сулув.
Тошбағирлиги майли-ку,
Тойдан асов – бебош, Сулув.

Сулувни сойга эндирсам,
Ҳарсангтошларга миндирсам.
Сибизигамга сел қилиб,
Келинликларга кўндирсам...

Осмондаги, ҳой, Ой сулув,
Юлдузларингни ёй сулув.
Бу дунёларда бормикан
Мендан ҳам ўтган бой, Сулув.

Сулув, сулувим, жон Сулув.

БОЙБИЧА

Богчасида бойбича
Сайр этар ўз зайлича.
Қушчага айлансаму
Сайрасам уча-уча:

– Бойбича, ай, бойбича,
Бўзами бу кўзача...
Эсим оғиб бородур,
Сувсаблар ича-ича.

Бойбича, ҳей, бойбича,
Ҳозир кундузми, кеча?
Ақлу ҳушдан адашидим
Қуёш неча, ой неча?

Бойбича-ей, бойбича,
Раҳминг келмайди ҳеч-а.

Наззора қилсанг нетар
Бир бора ўздан кеча...

Бойбича, жон, бойбича,
Қушга карам қил пича.
Пойингни тавоф этсин
Тузогин еча. Еча...

Бойбича, воҳ, бойбича,
Ўзим тўқ, кўзим оч-а.
Кўз олдингда жон берай
Кўзангни қуча-қуча.

Бойбича, оҳ, бойбича...

ШУВИЛЛАК*

Шувиллагим шувиллар,
Овози гув-гувиллар.
Товушидан олар тин
Олис-яқин овуллар.

Тинглар дара, унгир-зор,
Тоғ тўшида тўнган қор,
Жунбишидаги ҳар жондор,
Жўр бўлишар увиллаб.

Зовлардан садо қайтар,
Қосага қўшиқ айтар,
Чалсам қайта ва қайта
Ичим бўшар хувиллаб.

Шувиллагим шувиллар,
Зомбирлар зув-зувиллар.
Сақлаёлмай сирларин
Гуллаб қўяди гуллар.

Тошдан тошга сачрар сув,
Арча бургин тўкар дув,
Бўй тарқатиб чарчар, ҳув
Шамол – кенжа довулга...

Оқ ўтовдан бир оққиз,
Чиқар оғзида саққиз.
Ўн етти ё ўн саккиз...
Бир-бир босиб ҳимиллар.

ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Бек боласи бетайин
Эса эна, нетайин.
Қулогим қонатканин
Қандаям унутайин.

Овулни оралатиб,
Ўтовдан мўралатиб,
Саман отин силайди
Юрагим яралатиб.

Бўйи бўйимдан ўтди,
Бир ўй ўйимдан ўтди.
Бир овуз гап қотолмай
Тилин чайнади, ютди.

Бек боласи бетайин,
Садагаси кетайин.
Тушунмайди ичимди –
Ё синайди атайин.

Синасин-а синасин
(Итам бир пас тин осин).
Ҳайит ўтиб кетган сўнг
Ўзи қўйсин хинасин...

Дарди дагар гўшида,
Гўшидамас, тўшида.
Кунлар солай бошига
Ҳар кун кириб тушига.

Бек боласи бетайин,
Гунайидан ўтайин.
“Ўпка-гина” гинамди
Олиб ортга отайин.

Бўз-бўзгина, бўзгина,
Чалай чанқовузгина.
Гумон тарқаб тумандай,
Тўйлар бўсин тезгина.

Бек боласи бўз бола,
Қурғур қийғиркўз бола.
Қутиб кўзи тўрт бўлди
Нетай, мендай қиз бола.

Бек боласи бетайин,
Садагаси кетайин.

* Лойдан ясаб пуфлаб чалинадиган чолғу асбоби



Ашурали ЖҰРАЕВ



ИККИ ҲИКОЯ

КИЧИК ВАТАН

Ўшанда тўртинчи синфда ўқирдим. Оиламиз бошқа қишлоққа кўчадиган бўлди. Кўчишдан бир кун олдин акам билан отам молларни ҳайдаб янги уйимизга кетишди. Уларга итимиз ҳам эргашди.

Кўчамиз, деган кундан бошлаб бобом қандайдир безовталаниб келди. Ранг-рўйи ўзгариб, нигоҳларига ғамгинлик инди. Хушчақчақ бобом туйқус индамас одамга айланди.

Эрталаб турганимизда, бобомни ҳовлидаги эски тут дарахтига суяниб ўтирган ҳолда кўрдик. Гўё тут кулаб кетяптию бобом уни суяб тургандек эди. Сўнг бобом боғимиздаги дарахтлар ёнига бориб, айримларини қўллари билан силаб, айримларини меҳр билан ушлаб, улар билан аста-секин пичирлаб хайрлашди. Унгача эрталабки нонушта тайёрлаган бувим ҳаммамизни дастурхонга таклиф қилди.

– Мазангиз бўлмаятими, бобоси, – чой узата-туриб сўради бувим.

– Ҳаммаси яхши, хавотир олманглар, – деди бобом секингина хўрсиниб.

Бобом узоқ тиловат қилиб, фотиҳа ўқиди. Бобомдаги хомушлик фотиҳадан сўнг бир лаҳза ҳаммамизни чулғандек бўлди. У кишининг овозидаги маҳзун дард бизнинг ҳам юракларимизга кўчди.

Кейин уйдаги қолган-қутган нарсаларни йиғиштириб, тугунларга боғладик, кичик қутиларга жойладик. Бироздан сўнг Шойим тоға машинасида етиб келди. Бобом мендан бошқа ҳаммани машинага чиқишга ундади.

– Яратган эгам ҳамроҳларинг бўлсин. Соғ-омон етиб олинглар, – деди бобом фотиҳага қўл очиб.

Хувиллаган ҳовлимизни ғалати жимлик чулғади. Бобом боғимиздаги дарахтларга, ишқомга, ҳовли этагидаги шийпончага, молхона ва бостирма томонларга қараб яна хўрсинди, оғир-оғир нафас олди.

Бу орада уйимизни сотиб олган Эрдон тоға оиласи билан кўчиб келди. Уларнинг ҳам юки бизникидай бир машина чиқар-чиқмас экан. Салом-алиқдан сўнг бобом қўлидаги калитларни унга топшириб дуо қилди:

– Илоё, бу уйда тўйлар қилинг, хонадонингизда яхши кунлар кўп бўлсин.

– Кейинги ҳафтада худойи қиламиз. Хабар берамиз, келасиз-да, Жўра бобо, – деди Эрдон тоға хурсанд бўлиб.

– Албатта келамиз, Эрдонбой.

Сўнг бобом ҳовлини яна меҳр билан кузата бошлади. Унинг ҳовлидан узилгиси келмасди. Бир азиз нарсасини йўқотган одамдай жонсарақ эди.

Уйнинг янги эгалари кўчларини тушириш ва киришти билан машғул.

Бу манзарани кузатиб турган бобомнинг кўзлари ёшланганини кўриб менинг ҳам кўнглим бузилди. Буни сезган Эрдон тоға бобомни бир пиёла чойга таклиф қилиб, агар хоҳласа, қолиб меҳмон бўлиб кетишини ҳам алоҳида таъкидлади.

– Майли, бир пиёла чой ичайлик, кейин йўлга тушармиз, – деди бобом ҳамон кетгиси келмай.

Энди бизнинг собиқ, эски чорпоямизга янги дастурхон ёзилди. Нон, чой, қанд-қурс қўйишди.

– Бу ҳовли-жой отамдан қолган эди, – деб ҳикоясини бошлади бобом ҳазин овозда. – Болалигим мана шу ҳовлида ўтди. Шу ҳовлида вояга етдим, болачақалик бўлдим. Шу ҳовлида соч-соқолим оқарди. Ҳаётимнинг энг яхши ва оғир кунлари ҳам шу ҳовлида ўтди. Раҳматли ота-онам ва бир фарзандимни ҳам шу ҳовлидан чиқардим. Туғилиб ўсган уйинг ҳам кичик Ватан экан, Эрдонбой. Энди бу Ватанни сизга топширдим. Уни мендай яхши кўринг, мендай қадрланг. Бу Ватанга меҳр қўйинг, Эрдонбой иним.

– Бобожон, кичик Ватан ҳам бўладими? – беихтиёр сўрадим.

– Бўлади, болам, бўлади. Одамнинг туғилган уйи, ҳовли-жойи, бу кичик Ватани. Ана шу кичик Ватанлар йиғилиб-йиғилиб, бирлашиб-бирлашиб улуғ Ватанга айланади...

Мен бобом билан катта йўлга чиққанимизда, ҳамон кичик Ватан – уйимиз ҳақида, дўстларим ва уй билан боғлиқ ширин хотиралар оғушида эдим. Қалбимда эса улуғ ва бепоён Ватаннинг ёрқин манзаралари намоён бўла бошлаган эди...



ШИРИН ПАХТА

– Ширин пахта! Ширин пахталар келди! Кимга ширин пахта?!

Бу овоз ҳовлида ўйнаб юрган катта-кичик болаларга асалдай ёқади. Ширинлик ҳақидаги бу хушxabарни эшитиб, улар турган жойида қотади. Ҳатто ухлаб ётган болалар ҳам уйғониб кетиб “ширин пахта”, деб йиғлайди. Ширин пахтанинг мазасини бир марта татиб кўрган болалар ота-оналарини, бобо-бувиларини, хуллас, катталарни ўз ҳолларига қўймайдилар. Ҳовли бир зумда ширин пахта бозорига айланади.

Бола – бола-да! Айтганини қилдирмай қўймайди...

Айниқса, бобо-бувилар набираларини хурсанд қилиш учун эриб кетиб, чўнтақларини ковлай бошлайди. Бобо ҳар сафар набираларига “ширин пахта” олиб берганида, улар бениҳоя хурсанд бўлиб, маза қилишади. Яйраб-яйраб ейишади. Ҳатто ширин пахтанинг целлофанни пақиллатиб очишади...

Пахта даласида туғилиб, пахтазорда ўсиб, шудгорда катта бўлган бобонинг эса хаёллари қочади. У шаҳарда туғилиб, вояга етаётган набираларига аслида пахта нималигини, қандай азоб-уқубатлар билан етиштирилиши, унинг ҳеч қачон ширин бўлмаганлигини, агар пахтага ширинлик аралашса қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар сафар тушунтироқчи бўлади. Бўлади-ю, олис хотиралар уйғониб, болалигида пахта туфайли рўй берган аянчли бир воқеа кўз олдига келади.

– Кичик укам туғилгач, онам бир ойнанинг нари-берисида пахта теримига чиқиб кетди, – деб ҳикоя қилиб қолди, бир куни бобом. – Баъзан бувим, баъзан мен чақалоқни онамга эмиздириб келардик. Укам онамни ютоқиб-ютоқиб, пишиллаб эмарди. Сўнг онамнинг бағрида қотиб ухлаб қоларди. Бир гал бўлиқ ғўзаларга чалишиб кетиб, укамни йиқитиб юборганман. Худонинг раҳми келиб, унга ҳеч нарса қилмаган. Ушанда кўрққанимдан бу ҳодисани ҳеч кимга айтмаганман.

Уша даврларда пахта терими баъзан янги йилгача давом этарди. Кейин ҳосил байрами нишонланарди. Лекин бу байрам ҳаммага ҳам татимасди. Сабаби ҳосил байрамигача қанча-қанча одамлар, оилалар пахтанинг дастидан азият чекарди. Унинг турган битгани ташвиш ва ғурбат эди. Кимдир моли пахтага киргани учун катта жарима тўларди ёки моли сўйиб юбориларди. Кимдир пахта сабаб қамалиб кетиши ҳеч гап эмасди...

Пахта сиёсати – қиличдай ўткир, заҳардай аччиқ эди...

Бизнинг хонадонда ҳам ўша – пахта режаси бажарилмаган йили кутилмаганда бахтсиз ҳодиса рўй берди. Ушанда ҳали хўжалик ҳам, туман ҳам режани бажаришда оқсаётган, ҳамма пахта теримига сафарбар этилган ниҳоятда таҳликали кунлар эди. Бундай пайтда одамларнинг молхоналари, айвонлари, уйнинг хоналари, ертўлалар, зарурат бўлса сандиқлар ҳам очиб кўрилларди. Туман ва хўжалик раҳбарлари худди гестападай даҳшат солиб ҳовлима-ҳовли юриб ҳаммаёқни текшириб чиқарди. Ўрни одамлар кўсакларни териб молларига беряптими-йўқми? Тўй-маърака учун кўрпа-ёстиққа, деб пахтани копи билан беркитиб қўймаганми? Уни қиш бўйи ситиб – чигитдан айириб, тозалаб қўяди. Сўнг ситилган момикдай тоза пахтани кўрпа-ёстиқ, чопон ёки нимчага солиб қавийди. Дўкандан пахта олиш анқонинг уруғи эди.

Ўша куни бувим, ҳатто бобом ҳам эшик-деразаларни ичкари-ташқаридан маҳкамлаб, айримларини кулфлаб, калитни ўзлари билан олиб, пахтаси териб олинган шип-шийдом далага чиқиб кетдилар. Ҳайҳотдай ҳовлида аканг ботир, ҳали тўртинчи синф ўқувчиси, яъни камина қоровул бўлиб қолдим. Текширувчилар дарвозани шарақлатиб очиб, худди кинолардагидай ваҳима билан кириб келдилар. Улар – калта бўйли, қўнжли этик кийган, кўзлари қисик қирғиз башара совхоз директори, шапкаси, кийими ваҳимали, узун бўйли милиция бошлиғи, ўрта бўйли, бурнида холи бор прокурор ва яна икки кишидан иборат эди. Мен олдин чўчидим, сўнг тортиниб уларга салом бердим. Ҳаракатлари чаққон директор (директорлигини кейин билдим) менга семиз, бақалоқ кўллари чўзиб саломлашди. Сўнг чўнтагидан чиройли қоғозга ўралган конфет чиқариб узатди. Конфетни шартта қоғоздан чиқариб, худди умримда ширинлик кўрмагандай оғзимга солдим. (Лекин у ширин пахта эмасди!) Икки киши олдин молхонани, сўнг айвонимизни обдан айланиб кўргач, тандирхонани ҳам текширди. Ҳатто тандирни ҳам косов билан титишди.

– Ҳеч нарса топилмади, Суронбой ака, – деди улар конфет берган амакининг ёнига келиб.

– Қани, бу ёққа кел-чи, ўғлим, – деди ўша киши чўнтагидан яна конфет чиқариб менга узатаркан.

– Онанг, бувинг пахта чувишади-я?

– Ҳа, ситади, – дедим шартта у киши мендан жуда осон нарсани сўраётганидан хурсанд бўлиб. Оғзимда эса ширин конфет мойдай эрирди. Қандай маза...

– Ситилган пахталарни нима қилади?

Шу пайт яна бир конфет чўнтақдан чиқди. Йўқ, дейишга журъатим етмади.

– Ситилганини кўрпанинг орасига тикади. Чигитини молларга беради, – дедим конфетни кафтимда маҳкам қисиб.

– Кўрпалар қайси уйда? Бизга кўрсатиб юборгин, тойчоқ, – деди конфет-амаки гапларимдан хурсанд бўлиб.

Мен ҳам хурсанд бўлиб, уйимизнинг катта хонаси деразаларидан бирини очдим. Чунки бу деразалар ичкаридан бекилмаслигини билардим. Ва биринчи бўлиб хонага ўзим кирдим. Орқамдан тўдадаги озгинроқ киши (кейин билсам партком экан) ҳам деразадан амаллаб ошди. Мен гўё қаҳрамонлик қилаётгандай шахдам бориб, ситилган пахталар тикилган кўрпалар қатига кўлимни юбориб, бир сиқим пахтани олиб, уларга кўрсатдим. Хонага кирган ҳалиги озгин киши ҳам узун бармоқли кўллари тахтланган кўрпалар қатига тикиб, анча-мунча ситилган момик пахталарни чўнтақларига солди. Бир сиқимини дераза ёнида турган директорга узатди. Сўнг деразадан қандай кирган бўлса, шундай сирғалиб чиқди.

– Балли, зўр бола экансан. Отангни исми ким? – деб сўради директор ва яна чўнтагидан конфет чиқариб, менга узатди. Мен эса шошилмай отамнинг отини айтдим. Ҳалиги милиционер амаки кўлидаги дафтарга бир нималарни тез-тез ёзиб олди.

Улар ҳовлига қандай шиддат билан кириб келган бўлсалар, шундай шахдам қадамлар билан чиқиб кетдилар.

Мен оғзимда бир, кўлимда икки конфет билан уларни ботирларча кузатиб қўйдим. Гўё қилган ишимдан хурсанд эдим.

Бирпасдан сўнг куруқ фартукни кўтариб бувим кириб келди. Деразанинг очилганини кўриб, ранги оқарди. Бўлган воқеани мендан эшитгач:

– Ҳой ярамас бола, нима қилиб қўйдинг? – деб уввос солди.

Мен шунда ниҳоятда ёмон иш қилиб қўйганимни тушундим. Тушунганимда эса, кеч бўлганди...

Ўша оқшом отам ишдан қайтмади. Бобом билан бувимнинг юрагини гўё ит тирнаб чиққандай бўлди. Уйимиздан гўё илон чиққандай беҳаловатлик бошланди. Уйдагилар менга нафрат билан қарашарди. Мен уларнинг важоҳатини кўриб йиғлаб-йиғлаб қўярдим. Лекин мен қилган ёмон ишнинг натижаси эрталаб аён бўлди. Хўжалик идорасига бориб келган бобом совуқ хабар топиб келди. Отам бечорани ўн беш кунга қамашибди. Уйимиздан топилган пахта ашёвий далил сифатида рўйхатга олиниб, отам ишхонасидан идорага чақирилиб, ўша ердан у кишини милиция олиб кетибди...

Ўн беш кун уйимизда мотам бўлди. Онам қўйса, бувим, бувим қўйса онам милдир-милдир йиғлайди. Уларнинг йиғлаганларини кўриб, юрагим тўлиб кетганидан ҳовли этагига бориб, мен ҳам астагина йиғлаб келаман. Бобом эса ҳар куни Карманага – мелисахонага отамни кўргани кетади. Баъзан кўриб келади. Шунда ҳаммамизнинг кўнглимиз таскин топади.

Кўролмайдиган кунлари эса ҳамма жим, уҳ тортамиз. Уйимиз чиндан кулфатхонага айланган. Кўнжўшнилари, қариндошлар кечкурун келиб бирров хабар олиб кетади...

Ўн олтинчи куни пешинга яқин отам ранг-рўйи бир аҳволда, оғир этикларини судраб уйга базўр кириб келди. Онам ўргатгандай югуриб чиқиб:

– Отажон, кечиринг, – дедим йиғламсираб.

Отам менга аввал важоҳат билан қаради, кейин ўша важоҳат билан шундай шапалоқ тортдики, қулоқ-чаккамдан ўт чиқиб, супадан пастга – томорқага бориб тушди. Бошим бўш челақнинг қиррасига урилди. Хушимдан кетдим...

Отам ушбу аччиқ тарсаки билан мени кечирган эди. Чунки у бу кўнглисиз воқеа ҳақида қайтиб оғиз очмади. Бу гал на бобом, на бувим менинг ёнимни олмади...

Бобо болалигида бўлиб ўтган ушбу изтиробли воқеани эслар экан, “ширин пахта” сўзини эшитиши билан тамшаниб қўяди. Чунки директор берган ширин конфетнинг ва отасидан олган аччиқ шапалоқнинг таъмлари бошқа-бошқа эди. Лекин у ҳаётида қайтиб бундай мазали конфет ҳам, шапалоқ ҳам емади. Лекин пахта ширин эмаслиги, ҳеч қачон ширин бўлмаганлигини ҳали гўдак набираларига қандай қилиб тушунтирсин, қандай қилиб айтсин?! Қандай қилиб... Айтинг, ҳеч замонда пахта ширин бўлганми?..



БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Бобур ЙЎЛДОШ

Ёлғизликни сўйиб Бағримга босдим

ИЗТИРОБ КИТОБИ

Ёлғизликни сўйиб бағримга босдим,
Туннинг панасида тонгдан беркиниб.
Ўйнашиб соғинчим юзидан ўндим,
Уйғотиб қўйдим, эҳ, турди сесканиб.

Қовогин ишқалаб танбалларча воҳ,
Кўкрагин кердию эснади оғир.
Юракнинг қатида чанг босиб ётган,
Хотиротга қараб аксирди охир.

Изтироб китобин варақлаб секин,
Бағрига чиздим-да хотира расмин.



Қалбимга муҳраб ширин хаёлинг,
Шивирлаб қўйдим мен сенинг исминг.

* * *

Покиза, мусаффо тонглар бағрида,
Мудрардим хаёллар шўх гирдобида.
Урилди ўшал дам бирдан дардли оҳ,
Сенинг хаёлингдан изладим паноҳ.

Қалбинга йўл топишим қийин,
Орзулар ортидан чопиб толаман.
Севгим айтиб такрор ва такрор,
Сенга армон бўлиб қоламан.



Эгамберди МУСТАФОЕВ



Ғузулий ғазаларига мухаммаслар

* * *

Нозидин бағринг кабоб, қонинг керакмасми, санго?
Қирмизинг тугён урар, онинг керакмасми, санго?
Сўрмадинг ишва дамин, шонинг керакмасми, санго?
Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмасми санго?
Тиға урдинг, жисми урёнинг керакмасми санго?

Жонима солдинг фироқ, урди ниши кўксимда доғ,
Махҳами “сендан” дедим, йўқса кезайми даишту тоғ?
Оҳларим қилғай хазон, гар этмасанг кўнглимни чоғ,
Оташин оҳим-ла, айларсан менга таклифи боғ,
Богбон, гулбарги хандонинг керакмасми санго?

Инжима ҳолим кўриб, ҳушим саёқлардан кетур,
Аксини чекмас юзим, қошу қовоқлардан кетур,
Зулфинга айтсам калом, васфи дудоқлардан кетур,
Елаверма доғилуб ҳар ён, аёқлардан кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмасми санго?

Ҳеч замон дўстмас ганим, дўст бўлмагай, мудом рақиб,
Нозинга жон берганин, боз демагил “менга ҳабиб”,
Ҳабибинг чекса ситам, нозингдан ўгра бир табиб,
Эй камонабрў, рақибга верма ғамзангдин насиб,
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмасми санго?

Дўзахи этма таним, ҳўб оқизиб кўз ёшимни,
Не керак куйган вужуд, ўт ичра қолган бошимни,
Бас, фалак! Бир дам кўрай, ўн беи тугилган моҳими,

Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,
Осмон, хуришиди раҳшонинг керакмасми санго?

Айт, сабо ўйнашдим, ё сочларинг ёйиқмидур,
Қадрига етмай сабо тўзитгани аниқмидур,
Зулфинга мунча ситам ё шум сабо холиқмидур,
Куфри зулфингдан мани ман айламак пойиқмидур,
Сўфий, инсоф айла, иймонинг керакмасми санго?

Мен дедим, Эгамберди, нозинга битди чун қарор
Ғамзанга етмас киши кўзин селоби шаиқатор,
Ишқ селобин тотмаган, ҳасратда ўтгай, неки бор,
Туталимким, ашқ селобина йўқдир эътибор,
Эй Ғузулий, чашими гирёнинг керакмасми санго?

* * *

Булбул гунча захмини ҳадиси паррон айламиш,
Гулини ошён қилиб, гулбаргин ҳайрон айламиш,
Сайраюб мунгли суруд, косасин вайрон айламиш,
Гунчасин гул, булбулнинг қатлини пайком айламиш,
Булбул очилгон гули юзина қалқон айламиш.

Булбул мадҳин гунчага мавриди, билки, тун қадар,
Шамс юзин очдимни, бас, минг афсуси бекор, дигар,
Ишқ васфин, матла бўйи, ёширмагай зеру забар,
Гул арусин сулҳ учун булбул никоҳ этмиш магар –
Ўзини ёшил булог ичинда пинҳон айламиш.

Ҳар мақом очилмоғи гунчанга хосдир, шоҳи гул,
Ёки гулбаргинг анга ошённи хасдир, моҳи гул,
Балки, ул, васлига етмай, сўнган ошиқ оҳи – гул,
Ғунча пайкониини тез этмаклик учун шоҳи гул,
Жисмини бошдан-оёга мисли суҳон айламиш.

Боқмаса сенга замон, анга боқмоқлик хижил,
Даҳри ёрмас таклифи маъқул топилмас, кўзга ил,
Бул ўтар дунёда, сен, чарх ила бўйлашмагил,

Даҳраро гар бир синиқ девор кўрсанг, ўйла, бил,
Ул сулаймон мулкидурким, чарх вайрон айламиш.

Оҳ, Эгамберди ҳамон, хоким эрур чарх гардиши,
Сени қўғирчоқ қилиб, боз ўйнамоқ анинг иши,
Бир даме кўрсанг зиё, дегил – тириклик ташивиши,
Эй Фузулий, меҳрина олданма – чархнинг гардиши
Кўка етурмиш, вале хок ила яксон айламиш.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Зарина ВАЛИЕВА



Илҳомимни чорлайман ҳар он

ВАТАН, ЮРАГИМДАСАН

Ватан – жоним, юрагимдасан,
Нурли-нурли тилагимдасан.
Онамдайин мунисам менинг,
Борлигимсан, керагимдасан.
Ватан, сендан кечиб бўлмайди,
Кечганларнинг кўзи кўрмайди.
Сен – ҳаётим мазмуни, бахти,
Куйламасам дилим тўлмайди.

ИЛҲОМ

Илҳомимни чорлайман ҳар он,
Ҳайрат билан боқиб оламга.
Бу дунёга ҳамма ҳам меҳмон,
Нур улашим ҳар бир одамга.



Илҳом тушса қалбга бостириб,
Жўшиб-жўшиб куйлагим келар.
Онажоним, шу он дил эриб,
Юрак дунё ишқига тўлар.

НАВОЙГА ЭҲТИРОМ

Ғазалларин тинглаб гоҳида,
Инжу-дурга тушар нигоҳим.
Шоир бобом ишқнинг кўшикида,
Муҳаббат – у меҳрга лим-лим.
Сўз гавҳари бизларга мерос,
Комилликни улуглар мудом.
Боқий яшаи шеърятга хос,
Бобожоним, сизга эҳтиром.





Меҳрангиз ХУСАНОВА,
СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей талабаси,
“Камолот” ЙИХ қошидаги “Сардорлар мактаби” аъзоси

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИМИЗ ҲАҚИДА

Маълумки, маданият, маънавият, санъат, фан ва техника шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бугун инсонларнинг ўзаро муомала маданияти билан бир қаторда кийиниш маданияти ривожланыпти.

Кийиниш. Бу инсониятнинг оддий бир эҳтиёжидан, бутун жаҳон миқёсидаги шов-шувларга, ўзаро муносабатларнинг негизига айланиб қолди. Қанчалик ноўрин бўлмасин, бугунги кунда бир шахс иккинчи бир шахс билан бўлган мулоқотида кийинишнинг аҳамияти ва ўрни алоҳида бўлиб бормоқда. Инсонга баҳо беришда фақатгина ташқи кўриниш билан чекланиб қолиш – бу катта хатодир. Лекин ўзгалар ҳақидаги илк таассуротларимиз, албатта, уларнинг ташқи кўриниши, муомаласи ва кийиниш маданияти орқали уйғонади. Қолаверса, инсонларнинг танлаган кийимлари уларнинг қандай дид эгаси эканини ҳам кўрсатади. Ранглар эса бизнинг кўпроқ нимага мойил эканимизни билдириб туради. Жаҳон миқёсида давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида фан ва техника янгиликлари билан бир қаторда кийиниш маданияти ҳам алмашилиб борапти. Интернет, телевидение ва мобил алоқалар уларнинг тезкорлик билан ривожланишига замин ҳозирламоқда.

Бизга маълумки, азалдан Шарқ маданияти Ғарб маданиятидан кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Аёллар ва эркакларнинг, ота-она ва фарзандларнинг муносабатлари билан бир қаторда кийиниш маданияти ҳам бундан мустасно эмас. Шарқда андиша, ҳаё-ибо, ҳурмат ва эҳтиром, муомала, назокатлилиқ доимо ўзига хос, гўзал бўлиб келган. Бас, шундай экан, нега ҳозирги тенгдошларимиз, нафақат тенгдошларимиз, балки, катта ёшдаги инсонлар ҳам ўзлари сезмаган ҳолда Ғарб маданиятига кириб бормоқдалар. Чуқур тарихий илдизга эга аъёнларимизда кийинишнинг ўрни нақадар беқиёс эканини унутиб қўяётгандекмиз. Гап кийиниш борасида борар экан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Бибиҳоним, Зулфия, Нодирабегим, Увайсий нафақат кийим-кечак, балки зебу зийнатлар, соч турмакларига ҳам алоҳида эътибор берган ҳолда, назокат ила кийинишган. Албатта, аждодларимиз томонидан яратилган матолар ҳали-ҳануз ўз гўзаллиги

ва сифатини йўқотгани йўқ. Ҳаттоки дизайнерларимиз ва рассомларимиз томонидан янги, замон нафаси уфуриб турадиган кийимлар ҳам талайгина яратилган.

Биз кўчага чиқар эканмиз, ўзимизга “Мен қаерга боряпман? Ким билан учрашяпман?” каби саволлар билан мурожаат этишимиз лозим. Кийимлар сиёсий давраларда бошқача, дўстлар билан учрашувда яна бир бошқача, яъни ўша даврага мос бўлиши, бизнинг бошқа инсонлар томонидан илиқ кутиб олинишимизга сабабчи бўлади. Қолаверса, кийимлар бизнинг қандай маданият эгаси эканимизни кўрсатувчи ойна десак, хато бўлмайди. Биз кийим харид қилар эканмиз, унинг сифатига, рангининг уйғунлигига, кийиб борадиган жойимизга мослигига эътибор берсак, ўйлайманки мақсадга мувофиқ бўлади. Кийимларимиз қанчалик қимматбаҳо бўлмасин, агарда ўзимизга ярашмаса, унинг бир чақалик қадри қолмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз-у, аммо... Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кийим бизнинг нуқсонларимизни беркитиши ва аксинча эътибор бермай кийилгани уларни бўрттириб кўрсатиши мумкин.

Инсонларнинг ташқи кўриниши ҳақида гапирар эканмиз, бир нарсани унутмаслигимиз керак: биз янги замон, янги асрда яшамоқдамиз. Эҳтиёжларимиз ҳам шунга монанд янгиланиб бормоқда. Таълим тизими ҳам халқаро стандартларга уйғун ҳолда амалга оширилмоқда ва кўплаб иқтидорли тенгдошларимиз халқаро нуфузли таълим даргоҳларида ўз малакаларини оширмоқдалар. Бизнинг ташқи кўринишимиз маълум жиҳатлари билан ўзгарган бўлса-да, қалбимизда Ватанга бўлган меҳр, миллий аъёнларимизга садоқат, ўзлигимизни англаш, тарихий аждодларимизга бўлган ҳурмат ва фахр туйғуси бизни бир лаҳза бўлса-да тарк этгани йўқ!

Шундай экан, ўйлайманки, кийинишда ана шу жиҳатларга эътибор берган ҳолда ўз фаолиятимизни олиб бурсак, жамиятда, ўқиш ва иш жойларимизда ўз ўрнимизга, ўз обрўйимизга эга бўламиз ҳамда инсонларнинг меҳрини қозонамиз.



Муҳаммад ОЧИЛ

ЁЛҒОНЧИНИНГ АХВОЛИ

Болалар учун эртақ – томоша

Қатнашувчилар:

Қуён
Олмаҳон
Кирпи
Қобонча
Бўри
Қарға – хабарчи





БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Парда ҳали очилмаган. Мусиқа. Қарға “учиб” киради.

Қарға: – Қар-р, қар-р! Салом болалар-р! Мен – ўрмон хабарчиси – қора Қарғаман! Қар-р... Эшитинг, ким бўлмаса қар-р! Шовқин-суронли хабар-р! Ана кулоқ тутинглар-р...

Парда ортидан шовқин-сурон. Қуённинг чинқириғи, ҳайвон ва қушларнинг қичқириқлари эшитилади.

Қарға: – Қар-р! Кулоқ солинглар-р! Бу шовқиннинг бош сабабчиси узункулоқ қуён бўлади. Ана шу ғилайни бугун ҳайвонлар, ўрмонларидан ҳайдашяпти! Нега дейсизми?! Чунки, Қуёни қурмағур қачон қарама ёлғон гапиради, ҳаммани алдайди. Унга кўп танбеҳ берилди, огоҳлантирилди... Ҳатто шалпанг кулоқларини ҳам чўзишди! Барибир фойдаси бўлмади. Мана энди бечора “ҳайдалиш” ашуласини айтаяпти. Ие, ана! Қуёнбойнинг ўзи биз томонга қараб қочиб келяпти! Бу ёғи нима бўлишини ўзларинг кўрганларинг маъқул. Мен эса қар-р! Қуённинг ўрмондан қувилганлиги ҳақида “Интернет”га хабар беришим керак. Ча-а-ав! Кечирасизлар, қар-р! (Кетади)

Парда ортидан саҳнага Қуёнча отилиб чиқади. Ҳамма ёғи кўкарган, кулоқлари осилган... Ортидан ҳайвонларнинг қичқириғи эшитилади.

– Хў-ў, ярамас ёлғончи! Қани ўрмонимиздан “қуённинг расмини” чизиб қол-чи!

– Ҳа-а, ўзинга бошқа ўрмондан ўрин изла! Орамизда алдамчиларга жой йўқ!

– Тўғри! Қачон тавбанга таянсанг қайтиб келарсан. Унгача қорангни кўрсатма!

Қуёнча тўхтади. Кўкарган кўзини силаб муштини кўрсатади.

Қуёнча: – Хў-ў, ярамас ҳайвонлар! Ҳали сенларга кўрсатиб... (учиб келган олмадан боши ғурра бўлади) Вой, бошим! (Олмани тишлаб) Тф-у! Ҳатто, отган олмалари ҳам чириган... Ие, курти ҳам мўралаб турибди! Ҳали, обрўйим шу бўлдимми?! Ур, лекин, свежий сабзи билан ур! Карсиллаган қарам билан, майли, калламга тушир... Айбим нима? Ёлғон гапиришми? Хўш, нима қилибди?! Ёлғонимдан бирор жойларинг... Ҳалиги, жун-патларинг камайиб қоладими! Бошқаларни алдаш, лақиллатиш... Эҳ-ҳ, қандай мазза! Шундай экан, бундан кейин ҳам, ёлғон айтавераман, ҳаммани аҳмоқ қилиб, лақиллатавераман! Бу бўлмаса, бошқа ўрмонга боравераман... (у ёқ-бу ёққа аланглаб). Ие, қаерларга келиб қолдим?! Ҳой, бирор паррандами-даррандами борми?!

Олмагон, Кирпи, Қобонча қўл ушлашиб, қўшиқ айтганча киришади:

Биргаликда бир-бирини кўрсатишиб:

*Мен Кирпи,
Мен эса Қобон,
Камина Олмагон,
Бўлиб бир тану жон.*

*Уччаламиз дўст-ўртоқ,
Ҳазилкаммас чин ўртоқ.
Билим олиш бурчимиз,
Сарф этиб бор кучимиз.
Ўқиш, меҳнат бизга хос,
Ўйнаб-кулиш шунга мос.
Яхшиликка қўшиб бош,
Ёмонларга отиб тош.
Ўрмон мулкин сақлаймиз,
Юрт меҳрини оқлаймиз...*

Қуёнча (афтини буриштириб): – Ким бўлди бу саёқ созандалар! Нега менимас, ўзларини мақташяпти?! Ўйинини бузмасам... (Ёлғондан акса уради), Апчшу-у. А-а-а-а-апчшу-у!

Олмагон: – Ие, бу шамоллаган шалпангкулоқ қаердан пайдо бўлди?!

Кирпи: – Ҳа, меҳнат ва спорт билан шуғулланмайди шекилли?!

Қобонча: – Бу ғилай башарани мен ҳам биринчи кўришим! Ҳой, нотаниш... Оғайничалиш! Отинг нима? Кимсан, нега жимсан?

Қуёнча: – Менми?! Наҳотки (гердаганча) мени танимасанглар?! Ахир, мен... (четга). Буларни бир боплаб лақиллатмасамми?! (Ҳайвонларга) Мана эшитинглар:

*Менинг кимлигим, жумлаи жаҳонга аён,
Биров узункулоқ дейди, бировлар – Қуён!
Гарчанд кўринишим, нимжон, чиллашир,
Аммо, кучим тўлиб-тошган, мисли баҳодир.
Айиқ мени кўрса, ўзин дарҳол четга олади,
Қоплон, қашқир... думин қисиб қочиб қолади.
Бўри менга нима?! Тумшугига тушов соламан,
Тулқини эса тутиб, терисини шилиб оламан.
Бақани бир боссам, дейди “Вақ-вақа!”
Кароче, ҳамма ҳайвон, мен учун “Чурвақа!”
Мен шунақаман! (Кўкрагига уриб) Мен шунақаман!
Ҳа-ҳа... Узункулоқ ботир, кўркмас Қуён мен бўламан!*

(Ортиқча зўриқиб, кучаниб гапирганлиги боис нафаси етмай қолади).

Олмагон: – Бўлди, бўлди! Агар шу гапларингни бешдан бири тўғри бўлсаям биз сенга қойилмиз!

Кирпи: – Ҳа, сал мақтанчоқ-маҳмадана демаса дўст тутинса бўлади!

Қобонча: – Агар, алдамаётган бўлса... Ростданам, керакли ҳайвонга ўхшайди!

(Улар пичирлашиб, маслаҳатлашиб олишгач, биргаликда):

– Ҳой кўркмас Қуёнча. Илтимос қилсак, ўрмонимизда қоласанми?

Қуёнча: – Менми?! Ай, момент... (четга) Ана, ёлғоннинг кучини кўрдингларми? Қаерга боришни билмай ўзимнинг бошим қотиб турганди! (Ҳайвонларга). Гапнинг очиғи, мен шу тобда Ҳиндистонгами, Африкагами... кетаётгандим! Ҳалиги, шер... Йўғ-е, фил овлашга! Лекин, йўлда қутурган бир туя билан тепишиб қолиб...

Нега ишонмагандай қараяпсизлар?! Кўрмаяпсизларми, бир кўзим кўкарган, бир кулоғим шалпайган... Хуллас, сизлар ёқиб қолдинглар. Илтимос қилсанглар, майли, қоламан!

Хайвонлар: – Ур-ре! Қойил. Қўрқмас Қуён энди биз билан қоладиган бўлди!

Қуёнча: – Менга қаранглар... Мен-чи, ҳамманинг ҳам таклифига рози бўлавермайман! Хуллас, қорним оч... Сизларда банан, ананас, киви... Ие, йўқми? Унда, майли, сабзи салат, кўмкўккина карам ҳам кетаверади!

Олмаҳон: – Қўрқмас Қуёнчани қорнини тўйдирингнинг бир иложини топамиз.

Кирпи: – Ҳа, бизнинг ўз боғимиз бор. Ёнида поллиз маҳсулотлари ҳам парваришланмоқда. Бемалол, қорнингни тўқлаб...

Қобон: – Тўғри! Ўша боғни қўриқлашни сенга топшираимиз. Ахир сен қўрқмас ва баҳодир Қуёнсан-ку! Хўш, розимисан?

Қуёнча: – Ай, момент! (Четга). Боғни қўриқлаш қўриқинчли эмасмикин?! (Хайвонларга). Бу, ҳалиги... Боғларинга мабодо, хавфли махлуқлар тез-тез босқинчилик қилиб туришмайдими?! Мен-ку, қўрқмайманку-я... Лекин, бирортасига шикаст етказсам...

Олмаҳон: – Йўқ! Ўрмонимизда тартиб-қоида ўта қаттиқ. Ўзидан кичкиналарни ва кучсизларни хафа қилганлар, дарҳол жазога тортилади.

Қобонча: – Ҳа, улар дарҳол ўрмонимиздан ҳайдалади. Масалан, қовунларни ёриб ташлагани учун жайра, полапонларга кўз олайтирган илон, босқинчи бўрилар ана шундай жазога тортилган. Ундан кейин, мана биз... Хоҳлаган пайтингда чақирсанг, кўмакка учиб келамиз!

Қуёнча: – Шунақами?! Ундай бўлса... Майли, кўп қўймадинглар – розиман! Рози бўлганим учун-чи... Энди, менга кўп мева ва сабзавотлар келтиринглар! Фақат, тез...

Олмаҳон: – Узр, Қуёнча! Биз ҳозир дарё бўйига шошилаётган эдик.

Кирпи: – Тўғри. Биз дарёнинг соҳилини тошдан тозалаб стадион қурмоқчимиз.

Қобонча: – Сен эса, бориб, бемалол боғимизни орала. Ҳам қорнингни тўйдирасан, ҳам қоровуллигини қиласан. Лекин, илтимос... Мева-чеваларни кўп исроф қилма. Чунки, маҳсулотлар – ўрмон мулки. Ҳамманинг оғзига тегиши керак. Хайр! (Кетишади)

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Боғ манзараси. Дарахт соясида Қуёнча қаппайган қорнини силаб дам оляпти. Атрофиди чала ейилган мева-сабзавотлар.

Қуёнча (кекириб):

*Ёз бўлса-ю, қиш бўлмаса,
Емиш бўлса-ю, иш бўлмаса.
Бу боғда "таом" тайёр,
Сабздан тақдим тумор.
Карамни қарсиллатдим,
Тарвузни тарсиллатдим.
Қовунни қиртишладим,
Бодрингни хўп тишладим.
Ҳаммаси ҳам жуда соз,
Шундай ўтар олтин ёз.
Ётганча ўйлаб бундай,
Хулоса қилдим шундай:
Ёлғон сўзлаш – яхши одат,
Ёлғондан топдим саодат...*

Ҳа, гапларим рост. Ҳаммани алдаб, лақиллатиб яшаш кони фойда экан. Мана ўзимдан мисол. Қорин тўқ, ғамим йўқ. Бирор ишга, юмушга айтишса дарров бир баҳонани ўйлаб топаман. Анқовлар дарров алдовимга ишонишади. Лекин, шу тобда зерикапман. Ҳадеб кавшаниш, ухлайвериш ҳам жонга тегди. Нима қилсам бу зерикашим (эснаб, керишади...). Ёки, дарё бўйига бориб хайвонлар ҳашарида қатнашсаммикин?! Йўғ-е, кўлим қаварса кейин сабзи кавлолмай қолиб... Манови аргимчоқда учсам-чи?! (Туриб ток новдасида учмоқчи бўлади. Шох узилиб йиқилади). Вой-ей! Семириб кетибман шекилли?! Уҳ-ҳ! Нима қилдим энди?! Ҳа-а, топдим! Ҳозир ёлғондан "вой-дод" солсам, хайвонлар югуриб келишади. Сўнг уларни алдаб аҳмоқ қиламан! (сахна четига бориб панжасини оғзига карнай қилади)

Ҳой-й, ким бор?! Айиқ келди... Йўғ-э, айиқ десам ишонишмайди. Ҳой, ёрдамга! Бўри келди... Бўрини тутдим! Тезроқ, тезроқ келинглар!

Хайвончалар югуриб киришади

Олмаҳон: – Нима гап?! Тинчликми?

Кирпи: – Ҳа, ростданам нега бақирдинг?

Қобонча: – Биздан бирор ёрдам керакми?

Қуёнча (терини артиб): – Менга-я?! Баҳодир ибн Қўрқмас Қуёнга-я! Шунчаки сизларни менинг нимага қодир эканимни кўриб қўйинглар, деб чақиргандим!

Олмаҳон: – Нимага қодирлигингни кўришимиз керак? Манови еган мева-чеваларингнимми?

Кирпи: – Ҳа, ўзиям теваарак-атрофни роса пўчоққа тўлдирибсан!

Қобонча: – Эссиз! Кўпини чала тишлаб, ғажиб ташлабсан!

Қуёнча: – Ҳа, энди, қаҳрамонлигимга яраша-да! Мана, ҳамманг эшит, нима даҳшатли воқеа рўй берганини... Туни билан қоровуллик қилиб, кўзим сал илинган экан. Бирдан шитир-шитир эшитилди. Жудаям сезгирман-да! Секин кўзимни очсам катта бир бўри...

Олмаҳон: – Бўри?!

Кирпи: – Ҳа, бўлиши мумкинмас.

Қобонча: – Тўғри, сен ёлғон гапиряпсан.

Қуёнча: – Ким ёлғон гапирябди?! Менми?! Ишонмасанглар, унда қасам ичаман... Ҳа, ана алдасам ёнғоқ палласидаги сувга чўкиб ўлай. Асаларининг асалига бўкиб бўғилай! Хўш, қалай? Энди ишондингларми?

Олмаҳон: – Хўп, ўша Бўри бойваччага бу ерда пишириб қўйган эканми?

Кирпи: – Ҳа, уни жазолаш учун узоқ манзилга ҳайдаб юборгандик-ку?

Қобонча: – Ростданам, уйқусираб туш-пуш кўргандирсан?



Қуёнча: – Қанақа туш? Бу хушимда бўлди... Хуллас, бундай қарасам ўша текинхўр тулки... Йўғ-э, баттол Бўри палакда ўтирганча, кеча сизлар терган тарвуз-қовунлар бор-ку, ўшаларни ёриб, сўлакайини оқизиб паққос ураяпти. Чидолмадим. Ахир, сизларга сўз берганман. Шу боис, секин орқасидан бордим-у, “Ия!” деб қарат-э... Йўқ, ҳалиги катта бир тарвузни бошига ургандим, сулайиб қолса бўладими?

Олмаҳон: – Сулайиб?!

Кирпи: – Бечора ўлиб қолган бўлса-я?

Қобонча: – Югурдик! Эҳтимол, ёрдам беришга улгурармиз!

(Югуриб чиқишади)

Қуёнча (қаҳ-қаҳа отганча): – Ҳа-ҳа-ҳа! Қалай, боплаб лақиллатдимми?!

Ҳайвонлар қайтиб киришади.

Олмаҳон: – Дарахтнинг энг тепасидан туриб ҳам ҳеч кимни тополмадим-ку?! Хў-ў, алдоқчи!

Кирпи: – Мен ҳам хас-хашакларни роса титдим. Бирор жонзот йўқ. Демак, ёлғон гапиряпсанда-а!

Қобонча: – Бекорга тумшуғим билан тупроқни ағдарганим қолди! Биздай дўстларингни алдашга уялмадингми?

Қуёнча: – Алдаганим йўқ! Эҳтимол, ўша Бўри хушига келиб кўрққанидан тирақайлаб қочиб қолгандир! Яна келса-чи... Албатта уни тутиб, терисидан почка пўстин тиктириб, сизларга кўрсатаман... Бўлдими? Энди кетинглар. Чунки, мен олишиб чарчаганман! Дам олишим керак (ётиб, ёлғондан хуррак отади).

(Ҳайвонлар кета бошлашади).

Олмаҳон: – Бу Қуён қулоғимизга алдаб, лағмон илди-ёв?!

Кирпи: – Ҳа, ғилайнинг гап-сўзлари шубҳали...

Қобонча: – Тўғри. Узунқулоқ ёлғончига ўхшаяпти!

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Боғманзараси. Қуёнча тошқўрада картошкани сихга тортиб кабоб пишириш билан машғул.

Қуёнча (кабобни елпиб):

*Кеб қолинг, ҳо-о, кеб қолинг,
Картошка кабобдан еб қолинг,
Алдаш-авраш менга хос,
Ҳаёт мазмунимга мос.
Баъзан ўйга толаман,
Шундан лаззат оламан:
Ҳайвонлар бирам содда,
Бундан бор менга фойда.
Умрим баҳори, куз, қиш, ёз,
Ўтмоқдадир жуда соз.
Омадим шундай чопса,
Ишим бўлмайдим носоз...
Кеб қолинг, ҳо-о, кеб қолинг,
Картошка кабобдан еб қолинг.*

Ҳа, ана, қорин ҳам тўйди. Ташвиш кетди. Кўз тегмасин, атрофдагилар ўлгудай содда ва ишонувчан. Уларни яна бир маротаба синаб кўрсаммикин. Ҳа-да... Уйқудан олдин, ҳазми таом қиламиз-да.

Саҳна четига бориб, қўлини карнай қилиб бақиради

Қуёнча: – Ҳой, ким бор? Тезроқ... Тезроқ келинглар! Бўрилар... Бешта бўри! Йўқ, учта... Ҳа, майли иккита бўри! Оҳо-ҳо-й-й! Томошага келинглар! Ўхў-у, бу сафар кўпайишиб қолибсанларми?! Мана... Биттасини тумшуғига солдим! Мана... Бунисининг қорнига тепдим! Шунақа, кўрқмас Қуён дейди, мени! Ҳой, кеп қолинглар!

Ҳайвонлар шошиб киришади

Олмаҳон: – Яна нима бўлди?!

Кирпи: – Тағин алдаб чақирдингми?

Қобонча: – Ҳа, ёлғон гапирсанг хафа бўламан-а!

Қуёнча (ҳансираб, терини артиб) – Тухмат қилинмасин! Қаршингизда кўрқмас, баҳодир ва дунёдаги энг ростгўй Қуён турибди! Кўринг ва мендан ўрناق олинг.

Бу сафар бешта... Йўқ, учта... Ҳалиги иккита Бўри босқин уюштирди!

Олмаҳон: – Лоф ҳам эви билан-да!

Кирпи: – Тўғри, ёлғонингга яна ёлғон қўшяпсанми?!

Қобонча: – Бизнинг устимиздан кулишни қачон бас қиласан-а?

Қуёнча: – Устларингдан кулиб, нима... Маймун ўйнатяпманми? Тўғриси айтияпман, холос. Мендан таъзирини еган ўша Бўри бу гал шеригини ҳам етаклаб келган экан! Менга эса барибир. Биттами, бештами... Қарат-э қилиб ташлайвераман! Бечоралар думидан ажралиб...

Олмаҳон: – Хў-ў, қаратэст! Гапинг рост бўлса, бирортасини ушлаб олгандирсан?

Кирпи: – Ҳа, лоқал узилган думини кўрсатарсан?!

Қобонча: – Тўғри. Гапларингни исботла-чи!

Қуёнча: – Исбот керакми? Марҳамат! Хўш-ш... Синган шохлар, пайҳон бўлган полиз... Ҳа, мана кўйлагимни тагида тирноқ излари ҳам қолган!

Олмаҳон: – Ёлғон сўзляяпсан. Бирорта ҳам шохшабба синмаган!

Кирпи: – Полиз пайкалда ҳам из кўринмаяпти!

Қобонча: – Демак, сен бизни яна алдабсан! Қани, дарров кечирим сўра-чи!

Қуёнча: – Мен-а?! Кечирим сўраш кўрқмас Қуённинг обрўйига тўғри келмайди.

Олмаҳон: – Ундай бўлса, сен ҳақингда хабарчи Қарғага айтаман!

Кирпи: – Тўғри! Ўрмондаги ҳамма жонзотлар сенинг ёлғончи эканлигингдан хабар топишсин.

Қобонча: – Бундан кейин эса биз бирорта гапингга ишонмаймиз!

Кетишади.

Қуёнча: – Ишонишмас эмиш! Менга-я? Ахир, мен алдаш ва ёлғон айтишда ҳам устаси фарангман-ку... Шундай қиламанки, ўзларинг яна беихтиёр алдов тўримга илинасизлар! Ҳа-ҳа-ҳа!



ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Боғ манзараси. Бир чеккада “Ҳамма ҳашарга!” деган ёзув. Олмаҳон, Кирпи, Қобонча хаскаш, белкуррак, сават кўтаришганича ўтишади. Дарахтларга боғланган тўр беланчақда эса Қуён хуррак отмоқда. Қарға киради.

Қарға: – Қар-р! Қар-р! Қар-р!
Оламга соламан жар.
Мана бу (Қуённи кўрсатиб) узунқулоқ,
Ҳеч кимга солмай қулоқ.
Боши чиқмас ухлашдан,
Бекорчилик, “ух!”лашдан.
Ёлгон сўзлашдир иши,
Кўпайтирар ташвишни.
Ёлгон сўзлаш – бу зарар,
Фақат кулфат келтирар.
Бундайлардан не фойда?
Қилган иши бефойда...

Ҳа-а, болажонлар! Бу Қуёнчанинг ёлгончилиги ва мақтанчоқлиги ҳаддидан ошиб кетаяпти. Энди уни жазоламасак бўлмайди. Қандай қилиб дейсизларми? Мен сизларга айтсам, мана шу ўрмоннинг олис ва қоронғи кунжагида қаҳри қаттиқ қашқир... Йўғ-э, ҳалиги, Бўри яшайди. Мен унга хабар юборганман. Ҳализамон келиб қолса керак. (“Увлаш” эшителиади). Ие, ана бу Бўривойнинг овози! Қани энди четдан кузатайлик-чи, бу мақтанчоқ узунқулоқнинг ҳоли нима кечаркан?! Қар-р... Ҳаммага етсин хабар-р! (Чиқади)

Бўри: – Мен Бўриман, Бўриман!
Ҳайвонларнинг зўриман.
Дилим суйган – ошу нон
Яхши кўрганам – Қуён.
Олмаҳон ҳам ёмонмас,
Аммо, тутуш дарғуман.
Кирпининг тикани аччиқ,
Шу сабаб, аўшти – пуф-сассиқ.
Қобонча ифлос, қоп-қора,
Нима қиламан, бўлиб овора.
Менга маъқул, шу тобда,
Тезлик билан шитобда.
Ғилайни тутиб олсам,
Тутиб тўримга солсам.
Сўнг ёзганча дастурхон,
Роса чайнаб устухон.
Ўзимни қилсам меҳмон,
Шўринг қуриди... Қуён!

Ҳа-а... Мақтанчоқ узунқулоқ! Устимдан кулишни сенга кўрсатиб кўяман! (Ҳавони ҳидлаб). Бу хушбўй ҳид Қуённики эмасми? (Аланглаб). Ие, ана ўзлари ҳам... (яқинига бориб) Ў-ў! Ўзиям роса менбоп биққичагина экан! Ҳозир буни “Ҳап!” этиб... Йўқ! Бу менинг устимдан мазах қилган. Шундай экан, мен ҳам уни олдин мушук сичқонни ўйнагандай бир оз “ўйнатаман!” (Дарахт шохидан синдириб Қуённинг бурнини қитиқлайди):

*Аллаё, алла, аллаё, алла!
Пайти келди, турмоқ палла.*

Қуёнча (уйқузираб): – Олмаҳон! Бу сенми, ухлашга халақит берма. Биласан, кечаси каттакон Бўрини бир тепиб йиқитиб... Хур-р, пиш. Хур-р, пиш!

Бўри: – Ҳа, Қарға айтгандай мени мазах қилгани рост экан-да! Ҳа, майли, ҳозирча тушингда мақтаниб қол! (чўпни яна бурнига тегизади):

*Аллаё, алла, аллаё, алла!
Турақол энди, мақтанчоқ калла...*

Қуёнча (ёнбошига ағдарилиб): – Ҳой, Кирпи! Тиканингни суқма... Ҳали, ухлашим керак! Олишиб енган Бўрим жуда катта... А-у, хур-р, пиш-ш!

Бўри: – Мақтанчоқ Қуёнчанинг гўшти қандай бўлса?! Турақол, кўзичоқ... Йўғе – Қуён мақтанчоқ!

*Аллаё, алла, аллаё, алла!
Турғил, ичагиндан ясамай салла!*

Қуён (қўл силкиб): – Қочэ, Қобонча! Тумшугингни торт... Кеча бир эмас, бешта Бўрини биқинидан тешик очганман! Хур-р! Ахир мен кўркмас ва баҳодир...

Бўри: Бас! Бу ёғига чидолмайман! (Қуёнчани кулогидан секин кўтариб). Ҳой, кўркмас Ғилай! Қани, кўзингни мошдай оч-чи... Бир танишиб қўяйлик!

Қуён (кўзини очиб) – Ким бўлди, бу тасқара? Нима бало, ҳадеб Бўри, Бўри деяверганимга Бўри кирибди-ми тушимга?

Бўри: – Тушингда эмас, ҳушингда кўряпсан! Хўш-ш, сенми ўша ҳали, мени мазах қилиб, ёлгон айтиб юрган?

Қуён (қалтираб): – Ие, Бўри тоға! Бу сизмисиз? Йўғ-э, мен ҳеч сизни мазах қилганим йўқ. Мен-чи, ўзимдан катталарни доим ҳурмат қиламан! Ўлай агар алдаётган бўлсам!

Бўри: – Ҳа, майли, унда... Сен эшитишимча, кўркмас ва баҳодир эмишсан! Ҳозир иккаламиз унда куч синашамиз. Ким енгса соврин – енгилганинг гўштини ейиш! Ҳа-ҳа-ҳа!

Қуён: – Йўқ, мен ҳозир касалман. Касалим тагин сизга юқиб... Узр, акса урсам майлими?

Бўри: – Ҳа, бу сенинг сўнги тилагинг бўлади! Акса урақол.

Қуён: – А-а-а... Йўқ. Дод! Вой-дод! Ким бор?! Ёрдам беринглар!

Бўри: – Акса уришинг бақирӣққа ўхшаб кетарканми?! Кимни чақиряпсан?

Қуён: – Йўғ-э! Ҳалиги, сиздай муҳтарам меҳмонга чой-пой келтиришсин, деб... Ҳой-й... ким бор... дод! Ёрдамга! Чой-й... аҳволим вой-й...

Бўри: – Оч қоринга чой зарар! Олдин сени еяй, сўнг устидан сув ҳам кетаверади. Қани унда тайёрлан. (Болтасини қайрайди. Қуён додлаганча қочади. Бўри ордидан қувиб чиқади).

Олмаҳон, Кирпи, Қобонча шошиб киришади.

Олмаҳон: – Ким у додлаган?

Кирпи: – Менимча Қуённинг овози!

Қобонча: – Ҳойнаҳой, у яна бизни алдаб, масхара қилмоқчи шекилли? Шунинг учун юмушимиздан қолмайлик... (чиқишади).



Саҳнага яна Бўри Қуённи қувлаб киради.

Бўри: – Вой, узунқулоғ-ей! Сўзга уста десам, қочишинга ҳам гап йўқми дейман?

Қуён: – Ҳа-а, мен югуришда ўрмон чемпиониман! Вой-дод, ёрдам беринглар! Бўри тоға, тез югурманг, бу соғлигингизга зарар. Ҳой, ким бор?!

Бўри: – Ҳечқиси йўқ. Дардимга Қуён гўшти даво (яна қувлашиб чиқишади)

Ҳайвонлар киришади

Олмаҳон: – Бу сафар Қуёнчанинг додлаши бош-қачами?!

Кирпи: – Барибир у ёлғончи. Яна бизни алдаётгани аниқ.

Қобонча: – Тўғри. Қуёнча ишончимизни йўқотган. Шу боис қани, йўлимиздан қолмайлик... (чиқишади)

Саҳнага яна Бўри Қуёнчани қувлаб киради

Бўри: – Қуёнбой, илтимос. Тез югурмагин! Бунақада, гўштингни таъми бузилиб қолади!

Қуёнча: – Вой-дод! Гўштим ўзимга ширин!.. Ёрдамга! Нега ҳеч ким келмаяпти-а? Ҳой, ким бор?

Бўри: – Энди тўр ташламасам бўлмади! (Тўрни отиб Қуёнчани тутати. Елкасига ортиб чиқади).

Ҳайвонлар киришади

Олмаҳон: – Негадир юрагим безовта! Ростданам Қуёнча Бўрига йўлиққан бўлса-я?!

Кирпи: – Тўғри! Ана беланчаги ҳам бўш... Энди нима қилдик?

Қобонча: – Ҳа, вақт борида Қарғага хабар бериш керак. У ҳамма нарсани билади...

Қарға киради

Қарға: – Қар-р! Қар-р! Бераман хабар-р! Бўри Қуёнчани тутиб, тўрга солиб кетяпти! Ана ўзи бу ёққа келяпти... Қар-р! Жанга бўлинглар тайёр-р! (Ҳайвонлар яширинишади)

Бўри ҳуштак чалганча киради. Тўрни ерга қўяди.

Бўри: – Уф-ф! Бу Қуёнчаси тушмагур роса семиз экан, толиқтирди. Бир оз дам олай. Лекин, мазза қиладиган бўлдим.

Қуёнча (тўр ичидан ҳиқиллаб). – Ёрдам беринглар! Нега дўстларим келмаяпти-а?

Бўри: – Ҳа-ҳа-ҳа! Чақириб, бекорга овора бўлма. Дўстларинг келишмайди!

Қуён: – Вой, до-о... Нега?! Ахир, улар...

Бўри: – Негаки, сен уларни кўп маротаба ёлғон гапириб алдагансан. Шу боис қанча дод солсанг ҳам, дўстларинг энди сенга ишонишмайди. Бўлди! Вақт етди... Сени шу ерда еб кетмасам, оғир экансан...

Бўри болтасини чархлайди. Қуёнча додлайди. Шу аснода дарахтлар орасидан ҳайвончалар оти-

либ чиқишиб Бўрига ҳужум қилишади. Хаскаш, белкурак, сават билан савашади. Бўри қўлини кўтариб қочади. Қарға киради.

Қарға: – Қар-р, қар-р! Дўстларга олқишлар-р! Ёрдамингиз билан Қуёнча тўрдан қутулди! Куч – бирликда экани яна бир бор ўз исботини топди... Қар-р! Оламга соламан жар, ўрмон аҳлига бераман хабар-р... (чиқади).

Олмаҳон (Қуёнчани тўрдан чиқишига кўмак бериб): – Ҳа, Бўри роса адабини еди! Энди, батамом ўрмонимизга яқин йўламайди!

Кирпи (Қуёнчага ёпишган хас-хашакни олиб): – Қарға тўғри айтди. Бирлашсак бизни ҳеч ким енголмайди!

Қобонча (Қуёнчага қўлини чўзиб): – Мен ҳам шу фикрдаман. Хўш, сен нима дейсан, Қуёнча?

Қуёнча (бошини эгиб): – Мени кечириглар! Пушаймонман. Хато қилган эканман. Энди, сира-сира ёлғон гапирмайман. Мақтанчоқликни ҳам бутунлай йиғиштираман.

Олмаҳон: – Ишонаманки, бу гал алдамаяпсан?

Кирпи: – Ҳа, ёлғоннинг охири ёмон бўлишини ўзинг бошингдан ўтказдинг!

Қобонча: – Тўғри. Хўш, гапларинг ростлигига бу гал бизни қандай ишонтирмоқчисан?!

Қуёнча: – Чунки, ёлғончилигим туфайли ҳаётим хавф остида қолди. Шу боис сизлардан миннатдорман. Бундан буён мен ҳам худди сизлардек ақлли, жасур, меҳнаткаш ва энг асосийси ростгўй бўламан. Бу менинг чин сўзим!

Олмаҳон: – Ундай бўлса, биз сенга ишонамиз!

Кирпи: – Ишончимизни оқлайсан деган умиддамиз!

Қобон: – Ҳа, сафимизга хуш келибсан, ростгўй Қуёнча!

Биргаликда (куйлашади) :

*Биримиз Олмаҳон,
Биримиз Кирпи,
Биримиз эса Қобон...
Сафимизга қўшилди энди
Ростгўй Қуён...
Ҳаммамиз бир тану бир жон.
Уқиш, меҳнат бизга хос,
Ҳайвон-кулиш шунга мос.
Чин сўзга ташлаб назар,
Ёлғондан қилиб ҳазар.
Билим олиш бурчимиз,
Сарф этиб бор кучимиз.
Ўрмон мулкин сақлаймиз,
Юрт меҳрини оқлаймиз...*

Чиқишади.

ПАРДА



ФАЗЛИЙ

Мухаббат шаробидан маст айлади жононим

* * *

Бош эгдим муҳаббатга, мен гариб бечораман,
Топгайдир мени албат йўлида овораман.

Билмаган дер ул Мажнун, ишиқида девонаман,
Излаб ҳуснига дoston мағрибга равонаман.

Ҳануз ёрдин йўқ хабар, ўзимдан бегонаман,
Илк муҳаббат қасрида, тун шамга ҳамхонаман.

Бергали тухфа ёрга хун дилим оҳ, ёнаман,
Ул гўзал бўлса йироқ, севгига афсонаман.

Эй санам, хор айлама, воз кечсанг гар тонаман,
Кўзларингдан оқса ёши маржон каби томаман.

Қошларинг мисли камон пайконни қайдан тонай,
Топилмас бўлса пайкон кипригимдан оламан.

* * *

Пинҳона ёр ишиқида тинмас бўлди ҳижроним,
Оташи сўнмас бало азобдан куйди жоним.

Фош айлаб сирни ҳижрон зулм қилди жонимга,
Мажнун каби дарбадар сахро бўлди маконим.

Ҳаддидан ошиб кўнгил девона сифат қилди,
Хонавайрон бўлиб дил асқотмас хонумоним.

Эй нозанин париваш, ишиқинг ўтида ёндим,
Ғам-гусса бўлди дардим, кўзимдан оқди қоним.

Тингла, арзим айтайин, мен ошиқ бечораман,
Эй нигор, лутф айлагин куймай боғу бўстоним.

Дод солиб нола қилсам минг пора қилгай ҳижрон,
Мухаббат шаробидан маст айлади жононим.

Афсона бўлди Фазлий, ул гўзал васлини деб,
Хаёллар оғушида ўтди энг ширин оним.

ЭЙ КҮНГУЛ

Бунчалар нозик экан танда ҳаёт, эй кўнгул,
Тоҳида ўтгай хато минг жароҳат, эй кўнгул.

Бир кўнимда турмагай гоҳи шод, гоҳо маъюс,
Чақса тил қайгурмагин, айла тоқат, эй кўнгул.

Ранжисмай йўқдир илож, бесабаб бўлса бўҳтон,
Дил ёришмас ёқса шам беҳаловат, эй кўнгул.

Кезса гулзор ёр ила дунёни тарк айлагай,
Ширин суҳбат даврандан топгай роҳат, эй кўнгул.

Доимо бирдек эмас ҳасратида бор алам,
Дардини этгай баён, гар хиёнат, эй кўнгул.

Тобланар турли-туман, шодлигу ғам ёнма-ён,
Софлигин қилгай аён, бор диёнат, эй кўнгул.

Ишиқ-муҳаббат куйида ўртагай шому саҳар,
Дилда ҳижрон уйғотиб оҳ, малоҳат, эй кўнгул.

Ваъдаси ошкорадир ёрнинг кўнглин овласа,
Бол томар тилдан шу он, чин садоқат, эй кўнгул.

Нодонларнинг дастидан, Фазлий, зинҳор ранжисма,
Хокисор бўл эл аро, хур латофат, эй кўнгул.



Ҳалим САЙИД,
"Меҳнат шухрати" ордени соҳиби

МУАЛАЛИМАЛАР МУАЛАЛИМИ

Боболардан қолган маънавий мерослар орасида халқдан чиққан ўткир зеҳли, билим олишга иштиёқманд, бир сўз билан айтганда, иқтидорли болаларнинг бошини силаб, илм бериш, кетадиган харажатни зиммага олиш, эътибор кўрсатиш қадрияти бор. Савобталаблар мактаб-мадрасаларда ўқиётган, оилавий аҳволи оғир бўлган толиби илмларга ёрдам бериб туришган. Негаки, талаба яхши илм олса оқибат халққа, ва албатта, давлатга наф келтиришини улар жуда яхши билишган. Беҳбудий, Мунаввар қори сингари маърифатпарвар боболар очган мактаблар, улар кўмагида ўқиш учун чет элларга юборилган талабалар фикримиз далилидир.

Миллат тараққийси йўлида куйиб-пишиб хизмат қиладиган бундай зиёли саховатпешалар бугун ҳам топилади. Улар кўпчилик. Масалан, яқин бир танишим табобат илмида фан доктори, жарроҳ, унинг кўлида даволанаман дегувчилар бисёр. Шундай бўлса-да, вақт ажратиб, ўқиб-улғайган қишлоғидаги мактабга бориб, энг яхши ўқиган болалар – ўзи ташкил этган стипендия ғолиблари билан учрашиб, уларни кўллаб-қувватлаб, кўнгилларга эзгулик уруғини қадаб келади. Гап стипендия миқдорида эмас, эътиборда! Бундай эътибор мурғак қалбларда билим олишга, ҳеч бўлмаганда, шу инсон сингари халққа фойдаси тегадиган мутахассисга айланишига рағбат беради. Албатта, юртимизда ҳар бир ўқувчи эътиборда. Лекин имкони борлар, синфхоналарга кириб борса, иқтидорларни янада кўллаб-қувватласа нур устига аъло нур.

Иқтидорли болаларни топиш, махсус дастурлар асосида улар билан ишлаш мақоламиз қаҳрамони, педагогика фанлари доктори, профессор, кўп йиллар халқ таълими тизимида турли лавозимларда фаолият кўрсатган маърифатпарвар юртдошимиз Жўра Йўлдошевнинг сеvimли машғулотидир.

"1998 йилнинг охирларида Наманган вилояти мактабларида семинарлар ташкил этилгани, – дей-

ди педагогика фанлари номзоди Ақром Акмалов. – Ушанда бир мактабда бўлиб ўтган тадбирда мен ҳам иштирокчилар қаторида эдим. Республика миқёсидаги бундай анжуманга, табиийки, турли лавозимдаги раҳбарлар, тегишли мутахассислар ташриф буюришганди. Ўша пайтда халқ таълими вазири лавозимида фаолият кўрсатган Жўра Йўлдошев мактаб фаолияти билан танишаётиб, дафтар ушлаб турган бир гуруҳ ўқувчиларнинг берган саломига алик оларкан:

– Нечанчи синфда ўқийсиз, болажонлар? – дея илиқ муомала билан сўради. Ўқувчилар шу мактабнинг иккинчи, учинчи синфида ўқишларини билдиришди. Шеър биласизларми, деган саволига бири 98 та, иккинчиси 145 та, учинчиси 277 та шеърни ёддан ўқиб бера олишини айтишди.

– Қани, ёдлаган шеърларингиздан айтиб беринглар-чи?

Шунда учала бола ҳам бараварига Ўзбекистон Давлат мадҳиясини айта бошлади. Меҳмоннинг рағбатлантирувчи сўзлари ўқувчиларнинг ғайратини янада жўштириб, у билан эркин суҳбатга киришдилар. Улар шеър номлари ёзилган варақларни иштирокчига узатиб, хоҳлаганини сўраса, айтиб бера олишларини маълум қилишди. Буни амалда бажарган ўқувчиларга қараб меҳмон:

– Баракалла, ота-онангизга раҳмат. Китоб ўқишни яхши кўрасизларми, ундай бўлса, уни ўзим сизларга совға қиламан, – дея уларга ваъда бергани ва сўзининг устидан чиққанига шоҳид бўлганман".

Дарҳақиқат, Жўра ака Ўзбекистон бўйлаб хизмат сафарларида, айниқса, таълим муассасаларида бўлганида болалар билан қисқа суҳбатда улар орасидан иқтидорлиларини тез ажратиб олар, уларнинг ўқитувчилари билан суҳбатлашар, ҳатто, ота-оналарини маслаҳатга чорлар, вазирлик қошида ўзи ташкил этган Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейига ўқишга таклиф этарди. Ана шундай меҳрни

кўрганлардан бири Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ассалом, Ўзбекистон!" студияси бош муҳаррири ўринбосари Азизбек Турдиевнинг фикрига эътибор берамиз:

"1995 йили Республика ўқувчилар саройида иқтидорли ёшлар ўртасида ўтган танловнинг ёпилишида Ватан ҳақида шеър ўқийдиган бўлдим. Ҳаваскорлик машқимни ўқтам овозда айтиб тугатишим билан катта зални қарсақ овози тутди (Бугун аниқ биламанки, бу олқишлар шеърга эмас, навраста боланинг дадил овозига ва ифодали талаффузига янграган эди). Шу пайт саҳнадаги қатор стол-стулларнинг марказида ўтирган киши кела солиб бағрига босди, мени мақтаб-мақтаб костюмининг чўнтагидан шоша-пиша ручка олиб тутқазди. "Зўр шеърлар ёзинг", деди. Ўрнимга қайтганимда ўқитувчиларим совға берган одам халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев эканлигини айтишди. Вазирдан совға олган ўқувчининг устозлари қанчалар шодланганини тасаввур қилаверинг. Қишлоққа борганимда бу воқеадан ҳаммадан кўпроқ бобом хурсанд бўлди, "Неварам министрдан ручка опти", деб мақтаниб юрди. Бу совға менинг омадли ҳаёт йўлимга башорат эди.

Жўра Ғаниевич билан кейинги йил Фарғонада яна учрашиш насиб этди. Ўқитувчилар анжумани бўлаётган залда вазир водий истеъдодлар бешиги экани ҳақида гапира туриб, менинг исмиمنى айтиб, эслаб қолди. Ўша ерда эдим. Ёнига чақириб, шеър ўқиб беришимни сўради (оддийгина ўқувчининг номини ёдда сақлаб қолиш учун вазирда фавқуллода хотира, аниқроғи, ўз вазифасини сидқидилдан бажариш завқи бўлиши керак, назаримда). Ўшанда Жўра Ғаниевич Тошкентга, Нафис санъат лицейига боришни тайинлади. "Нафис санъат сангизга ўхшаган болаларни тарбиялаш учун очилган", дея таъкидлади".

Биз ҳаётда ўз фарзандини ёки қариндошини бирор таълим муассасасига йўналтириб, ёрдам берган ва "ўқитиб одам қилдим, ундай қилдим, бундай қилдим" дегувчиларни ҳам учратиб турамыз. Бироқ Жўра ака бу лицейга таклиф қилган иқтидорли болалар мутлақо бегона бўлса-да, улар билан кейинчалик ҳам алоқасини узмасди. Асосий вазифаси учун вақти етишмаслигига қарамасдан улар ҳолидан мунтазам хабар олиб, узоқ-узоқ суҳбатлар уюштириб турарди. Бу борада яна Азизбекнинг фикрларига қулоқ тутамиз.

– Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи ўша вақтларда ғоят донг таратган бўлиб, муҳити шуҳратига монандлигини биринчи қадамданок билса бўларди. Лицейга кираверишда ўнг томондаги майдон тўрига ҳазрат Навоий бюсти ўрнатилиб, мутафаккирнинг қуйидаги байти узоқдан ҳам кўзга кўринарли ҳарфлар билан битилганди: "Йигитликда йиғ илмининг маҳзани, қариллик чоғида харж қилғил ани". Чиндан ҳам бу масканда илм хазинасини йиғишни астойдил ният қилган ўғил-қизлар ўқирди. Жўра Ғаниевич нафақат лицейнинг бунёдкори, балки ана шундай муҳит ижодкори сифатида ўқитувчилару ўқувчиларнинг меҳрини қозонганди. Бу масканни айрича яхши кўришини яшириб ўтирмасди. Гоҳ хорижлик меҳмонлар билан, гоҳ байрамларда, навоийхонликларда ёхуд "Нафосат" шеърят кечаларида, хулласки, турли сабаблар билан лицейга тез-тез келиб турарди.

Ҳар гал келганида бизни чақириб узоқ суҳбатлашарди. Биз ўқувчилар ҳам бирор зарурат туғилса, тортиниб ўтирмай катта-кичик илтимослар билан халқ таълими вазирлигига бораверардик. Жўра Ғаниевич бор бўлса, албатта, хурсандчилик билан қарши оларди. Бир куни лицейда бўлиб ўтган навбатдаги катта тадбирдан кейин вазирга яна эркалик қилдик: Самарқандда яқиндагина очилган Имом Бухорий мажмуасини зиёрат этишга автобус ажратиб беришларини сўрадик. Бу каби таклифу ташаббуслар ўзимиздан чиқиб, ўқитувчилар билан маслаҳатлашмай тўғридан-тўғри Жўра Ғаниевичга айтаверардик. У киши шунга ҳаддимиз сиғадиган даражада яқин тутарди ўзини. Биз эркатойларнинг бу гагли илтимосимиз ҳам ерда қолмади. Ўшанда аксар ўқувчилар Самарқанддаги буюк обидаларни илк бор кўриб, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб, кўп йиллар таассуротларимизни ошиқиб-тошиқиб гаплашиб юрганмиз.

"Ҳақиқатдан ҳам устоз жуда кўп ёшларнинг бошини силаган, уларни тўғри йўлга бошлаган, истеъдодини чархлаган, ҳаётнинг оғир синовларида далда, туртки берган – деб эслайди Шуҳрат Орипов. – Жуда кўп тенгдошларим ҳозиргача Жўра Ғаниевичнинг ўзларига руҳан кўмак берганликларини, қўллаб-қувватлаганларини айтиб чарчашмайди. Бу инсондаги олижанобликни, ёшларга нисбатан ғамхўрликни лицейда ўқиб юрган маҳалларим жуда кўп маротаба ўзим ҳам кузатганман. Вазир бўлиб ишлаб юрган кезларида қачон лицейга келсалар, албатта, бизни олдиларига чақириб суҳбатлашардилар. "Муаммолар йўқми?" деб сўрарди. Мана шу сўровнинг ўзида ҳам ёшларга нисбатан чексиз эътиборни англаш мумкин эди.

Орадан вақт ўтиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинганлигимни ва давлатимиз раҳбари Фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан тақдирланганимни эшитиб, устоз жуда хурсанд бўлди. Улар ўзлари топган истеъдодли ёшларнинг ютуқларидан доим бошлари осмонга етади, худди ўзлари эришгандек ич-ичдан яйрайди.

Синфимизга кириб, бирор фандан сабоқ бермаган бўлсалар-да, мен Жўра Йўлдошевни ўзимга ҳақиқий устоз деб биламан. У киши шоир эмас-у, лекин адабиётимиз, шеърятимиз учун қанча-қанча истеъдодли шоирларни кашф этиб берган. У киши рассом эмас-у, лекин қанчадан-қанча рассомларнинг иқтидорини ёшлигидан аниқлаб, уларга тўғри йўл кўрсатган, рағбат берган. Республиканинг қаерида бўлмасин, уларни кўрганида худди биздан сўрагани сингари "Муаммолар йўқми?" деб сўраган. Мен устоз кашф этган, республикамизнинг турли шаҳар-қишлоқларида туғилган жуда кўп ёшларни танийман. Улар жуда кўп ва бугун турли соҳаларда етуқ кадрлар бўлиб етишиб, мамлакатимиз тараққиёти учун астойдил хизмат қилишмоқда.

Ўзим эришаётган ютуқларда ва умуман ҳаётда ўз ўрнимни топиб боришимда Жўра Ғаниевичнинг хизматлари беқиёс эканлигини, мактабда ўқиб юрган кезларим устоз билан учрашганим ҳаётимдаги ўзига хос бурилиш лаҳзаси бўлганлигини бугун фахр билан, муболағасиз айта оламан".

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли иш-



лар амалга оширилмоқда. Бу оқилона сиёсат бугун ўзининг сезиларли самараларини ҳам бермоқда. Бу ютуқларга эришишда давлатимиз раҳбарининг сиёсатини чуқур англаб, уларни амалга ошириш учун ўзини аямайдиغان Жўра Йўлдошев сингари жонкуяр устозларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кўпгина ёзувчи ва шоирларимиз Жўра ака ташаббуси билан ҳар йили май ойида ташкил этиладиган ижодкор муаллимларнинг анжуманларини ҳам яхши эслайдилар. Анжумангача адабиётнинг ҳар хил жанрида ижод қилувчи муаллимларнинг асарлари йиғилар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида энг яхшилари сараланиб, муаллифлар юртимизнинг баҳаво бир гўшасига тақлиф этиларди.

Бу ажуман ва унинг ташкилотчиси ҳақида таниқли шоир Икром Отамурод шундай дейди:

"Жўра Йўлдошев – муаллимларнинг муаллими. Мавлоно Берунийнинг шундай бир ҳикматлари бор: "Эшитганинг ҳеч нарса эмас, кўрганинг муҳим". У киши мактабни адабиётга, адабиётни мактабга алоҳида эътибор билан, эҳтиром ва хайрихоҳлик билан қадрдон этган муаллим. Вазир бўлган маҳалларида "Ижодкор ўқитувчилар кенгаши"ни ташкил этган эди. Шу аснода адабиёт ўқитувчиларининг ҳар йили ҳар бир вилоятда республика анжумани ўтказилар эди. Анжуманда қатнашган ўқитувчилар, аввало, жуғрофий муҳитдан, муҳими, қалбий қадрдонликдан руҳланардилар. Катта-катта ҳам тасаввурлар, ҳам таассуротлар билан қайтардилар ўз мактабларига. Энг муҳими, муаллимларнинг муаллими Жўра Йўлдошевнинг ўзи ҳам ушбу анжуманларда доим бирга бўлардилар. Ўқитувчиларнинг ҳар бир ёзувини эшитиб, диллари равшан тортарди. Буни мазкур сафарлар асносида гувоҳи бўлганим сабаб айтаётирман. Ўқитувчилар у кишига ўзларини яқин олардилар. Қадрдондай гаплашардилар. Бу мактабга бўлган ихлоснинг, адабиётга бўлган ихлоснинг узвий боғичи эди. Жўра Йўлдошев, такрор айтаман, мактаб билан адабиётни бир-бирига қадрдон этган инсон. Яна бир гапим ушбу сатрларда айтилади:

*Ҳаёт алифбосин ҳар бир ҳарфини,
Уқиб, жойладингиз мактаб қалбига.*

*Доим кенгайтириб таълим тархини,
Фидолар бўлдингиз дарслар сарфига.*

*Дилларда эзгулик чўғлантирасиз,
Ўргатасиз қаноат не, не бардош?!
Самимиятга чин содиқ Жўрасиз,
Илму маърифатга қадрдон, Йўлдош".*

Икром аканинг айтган сўзларию битган сатрларида мақоламиз қаҳрамони, унинг хизматларига самимий баҳо берилган. Юқорида таъкидланган анжуманларга тўхталадиган бўлсак, унинг аҳамияти беқиёс эди. Унда адабиётга, адабиётнинг меҳвари бўлмиш ИНСОНга нисбатан меҳр бор эди. Унда мурғак қалбларда адабиётга меҳр уйғотаётган, шу билан бирга ўзи ҳам машқлар қилаётган муаллимларга эътибор мужассам эди...

Камина бир неча вазир билан ишлаганим боис, ўзаро қиёслаш имкониятим бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос иқтидору лаёқатга эга, ўзидан из қолдирган раҳбарлар эканлигини таъкидлаган ҳолда педагог-вазир сифатида Жўра ака сингари болажон ва ижодкорларни қўллаб-қувватлайдиган вазирни кўрмадим десам бошқалари хафа бўлишмас. Албатта, вазирнинг асосий вазифаси таълим тизимида ишни самарали ташкил этиш ҳисобланади.

Қалби дарё муаллим, адабиётимизнинг толмас тарғиботчиси, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Йўлдошевнинг хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Президентимиз фармонларига кўра "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони, "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган. Шунингдек у Халқаро фан, таълим ва санъат академиясининг (АҚШ) ҳамда Педагогика ва ижтимоий фанлар академиясининг (Россия) ҳақиқий аъзоси ҳисобланади.

Жўра ака бугун ҳам олимлар даврасида энг фаол тадқиқотчилардан – Худо берган умрининг ҳар бир сониясини ҳануз ўқиб-ўрганишга, илмга сарфламоқда. Муаллимлар муаллими сифатида эса ҳамкасблари ва энг асосийси, талабалар қалбига зиё таратишда давом этмоқда.





Ги Де МОПАССАН

МАРЖОН ШОДАСИ

Ҳикоя

Фалакнинг гардиши билан, бу гўзал ва мафтункор қиз Матилда Луизел хизматкорлар оиласида туғилган. У шундай қашшоқ оилада туғилгани билан анча-мунча зеб-зийнатга ўч қизлардан бири эди. Аммо ёши ўтиб қолган бу қизга ҳеч бир йигит севги изҳор қилмай қўйганди. Шундай бўлган тақдирда ҳам унда барибир сеп-сидирға йиғишга оилавий шароити йўқ эди. Унинг ўзи ҳам на бировни тушунишга уринган, на севган. Иложсизликдан кичик котибга турмушга чиқишга рози бўлган.

Қашшоқлик унинг жонига теккан эди. Лекин эри ҳам ойлигига кун кўрадиганлар хилидан бўлиб, имконияти борича Матилданинг кўнглига қарашга ҳаракат қиларди. У фақат гўзаллик, назокат, жозибали кўриниш дардида юрарди. Табиий нафислик, хушбичимлик, ақл-идрокли бўлиш олий табақа белгиси ҳисобланиб, аслзода хонимлардек юришни хаёл қилишдан тўхтамасди.

У ўзи хоҳлаганидек яшолмаётганидан тинмай азоб чекар, бунинг устига уйининг фақироналиги, деворларнинг ғариб кўриниши, эскирган стуллар, пардаларнинг афт-ангори унинг нафасини бўғарди. Унга ўхшаган бошқа бир аёл бу нарсаларни ҳаттоки ақлига ҳам сиғдиролмаслигини ўйлаб қийналар, асабларини таранг қиларди. Кичкина Бретон¹ деҳқони каби кундалик уй юмушлари уни афсус-надоматлар домига ташлаб, чорасиз ва ушалмас орзулар гирдобига улоқтирарди.

Матилда шарқона нақшлар билан безатилган деворий гиламлар, бронза қандиллар, нур таратиб турган сокин хонани, катта креслода ёнбошлаб олганча этик-шим кийган бақувват инсон ҳақида ўй сурганича ошхона плитасидан анқиётган иссиқ ҳаводан оғирлашиб, ланж бўлди. У ипақлар билан безатилган узун залларни, кўзни қувонтирадиган ҳашамдор ме-

белларни, муаттар атирларга бурканганча кечки базмларда яқин дугоналари билан гурунг қурувчи француз аёллари ва таниқли одамлар билан суҳбатлашишни, барча аёлларнинг ҳасадини кўзгаб, уларнинг диққат марказида бўлиш хаёлида сузиб юрарди.

Жувон айлана столга ёзилган дастурхон олдига тушлик қилиш учун ўтирди. Шўрва идишининг қоғоғини очиб қўйган турмуш ўртоғи қувонч билан хитоб қилди:

– О, мазали pot-au-feu!² Бундан ортиғи бўлмаса керак!

Аёли эса лаззатли тушликлар, ярақлаётган кумуш идишлар, қадимий одамларнинг расми туширилган деворий гиламлар, эртаксимон ўрмон ўртасида парвоз қилаётган ғаройиб қушларни хаёл қиларди. Шунингдек, у жимжимадор ликопчалар, мазали таомлар, гулмоҳининг қизғишранг гўшти ёки бедана гўштини ейиш давомида қулоққа кулги аралаш чалинадиган мулойим шивир-шивирларни орзу қиларди.

Минг афсуски, бу унинг хаёли эди. Матилда базмларга чиқишга хоҳиши бору, аммо имконияти бўлмаганидан кейин уйда қамалиб ўтиришдан ўзга чораси йўқ эди. Унинг кўзига фақат ранго-ранг кўйлақлар, тақинчоқлардан бошқа нарса кўринмас эди. Матилда шулардан бошқа нарсани севмасди, ўзини шу матоҳлар учун яралган деб биларди. У кўнгилхушлик қилиш, бошқаларнинг ҳасадини келтириш, мафтункор бўлиш ва ҳаммани ўзига қаратишни ёқтирарди.

Матилданинг аёллар ибодатхонасида бирга таҳсил олган собиқ синфдош дугонаси бўлиб, у жуда бой эди. У ушбу дугонасиникига боришни, кўришни ёқтирмас, сабаби, доим ортига қайтганидан сўнг азоб чекарди.

Бир куни кечқурун турмуш ўртоғи хурсанд қиёфада уйга кириб келди ва қўлидаги катта конвертни узатди.

¹ Бретон – куйи Нормондиядаги ғарбий Франциянинг ярим ороли.

² Pot-au-feu – қайнатма шўрва.

– Бу ерда, – деди у, – сенга аталган бир нима бор. Аёл конвертни кескин тарзда йиртиб ташладию куйидаги сўзлар туширилган тамғали таклифномани суғуриб олди:

“Халқ таълими вазирлиги ва мадам Жоржес Рампоннау хурматли мистер ва мадам Луизелларни 18 январь, душанба кунги базм кечаси учун Вазирлик саройига лутфан таклиф қилади”.

Аёл эри кутганидек қувониш ўрнига, таклифномани нафрат билан стол устига ирғитиб, тўнғиллади:

– Бу билан нима қилишимни истагандингиз?

– Азизам, сени хурсанд қилмоқчи эдим. Ташқарига ҳеч чиқмаганинг учун яхши имконият деб ўйлагандим. Буни қўлга киритиш осон кечмади. Қанча одам у ерга боришни орзу қилади. У ерга саралаб чақиритилган. Айниқса, котибларни айтишлари ғоят даргумон. Базмга фақат зодагонлар йиғилади.

Жувон эрига дарғазаб тикилиб, бетоқатлик билан сўзлади:

– Ахир базмга нима кийиб бораман?

Эри бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди.

– Нимага, театрга тушганда кийган кўйлагингчи?! Ўша менга жуда ёққанди, – деди у.

Сўнгра гапиришдан тўхтаб қолди. Хотинининг йиғлаётганини кўриб, ёмон аҳволга тушди. Аёлнинг кўз қирраларидан иккита катта томчи ёш секингина лаблари томон юмалади.

Котиб тутилиб-тутилиб хотинига гапирди:

– Нима бўлди? Нима бўлди?

Аёл жиззакилик билан унинг раҳмини келтирган-ди. Сўнг эса ёноқларини артиб, босиқ овозда жавоб берди.

– Ҳеч нарса. Фақатгина у базмга мос кўйлагим йўқ, шунинг учун ўша кечага боролмайман. Таклифномани эса хотини мендан кўра яхшироқ кийинган ҳамкасбларингизга олиб бориб беринг.

Эр иложсиз деди:

– Кел, Матилда, ўйлаб кўрайлик, – давом этди у. – Бежирим ва бошқа тадбирларга ҳам кийса бўладиган ярашиқли кўйлак қанча туради?

Жувон бир неча дақиқа чуқур ўйга толди, ҳисоб-китоб қилди, миқдордан таажжубланиб, тежамкор котибнинг гапларидан чўчиб, ўзича нималардандир воз кечди.

Ва ниҳоят, иккилана-иккилана жавоб берди:

– Аниғини билмайман-у, ўйлашимча, тўрт юз франк билан нимадир қилса бўлади.

Эрнинг ранги оқариб кетди. Чунки бу миқдордаги пул билан у қурол сотиб олишни ва якшанба куни бирга тўрғай овлаган дўстлари билан келаси ёзда шаҳар четидаги Нантерра³ яйловларида ов қилиб, дам олишни мўлжаллаган эди.

Аммо бу ҳақда индамади.

– Яхши, сенга тўрт юз франк берганим бўлсин. Чиройли кўйлак сотиб ол.

Базм куни тобора яқинлашар, кўйлаги тайёр бўлганига қарамай, мадам Луизел ғамгин, беҳаловат ва беҳузур кўринарди.

Бир куни оқшом маҳали турмуш ўртоғи ундан сўраб қолди:

– Нима бўлди? Кейинги уч кун ичида ғалатиноқ бўлиб қолгансан.

Аёли жавоб берди:

– Бир дона ҳам тақинчоғим, бир дона ҳам тошларим, умуман тақишга ҳеч нарсам йўқлигидан хўрлигим келяпти. Ниҳоятда бахтсизман. Яхшиси, бормаи кўя қолганим маъқул.

– Табиий гулларни тақиннинг мумкин, – далда берди мистер Луизел. – Ҳозирда бу услуб жуда урфга кирган. Ўн франк эвазига икки ёки учта чиройли атиргул сотиб оласан.

Матилда ишонқирамади.

– Йўқ, бойвачча хонимлар орасида бечора қиёфада кўриниб, ғурурим поймол бўлишини хоҳламайман.

Шу пайт бир нима эсига тушгандек бирдан чинқириб юборди:

– Қанчалар аҳмоқсан-а? Дугонанг мадам Форестиерни йўқлаб бориб, тақинчоқларини сўраб тур. Ахир у билан жуда ҳам қалин ўртоқсизлар-ку.

Хотини хурсандчиликдан қийқирди.

– Тўппа-тўғри! Бу хаёлимга ҳам келмаган экан.

Эртаси куни у дугонасиникига келиб, дардини баён қилди.

Мадам Форестиер ойнали эшик билан қопланган кийим жавонидан катта тақинчоқлар қутисини олиб келди. Уни очиб, дугонасига деди:

– Азизим, танлаб ол!

У даставвал билакузукларни, кейин марварид маржон шодасини, сўнг Венеция хочини, уста заргарнинг тилла ва қимматбаҳо тошларини кўздан кечирди. У кўзгу олдида ўзига оро берди, иккиланди, булардан тўла қониқиш ҳосил қилмагач, жойига қайтариб қўйди.

– Ҳаммаси шуми? – сўради у.

– Нега экан, яна бор, албатта. Қараб кўр. Нимани ёқтиришингни билмайман-ку.

Бирданига унинг кўзлари қора духоба қутидаги олмосли серҳашам маржон шодасига тушди. Юраги қинидан чиқаёзди. Уни ушлаганида кўллари титраб кетди. Тақинчоқни кенг ёқали кўйлагига мослаб, бўйни атрофига илди ва товланишидан ўзини йўқотди.

Кейин эса қўрқув, изтироб аралаш сўради.

– Менга худди шуни бериб тура оласанми, фақат шунинг ўзини?

– Ҳа, албатта.

У дугонасининг бағрига ўзини отиб, хурсандлигидан ўпиб қўйди. Сўнгра хазинаси билан жўнаб кетди.

Базм куни етиб келди. Мадам Луизел катта муваффақиятга эришди. У барчадан гўзал, хушбичим, пўрим, қувноқ ва бахтиёр эди. Барча эркакларнинг кўзи унда, унинг исмини сўрашар, танишишга ҳаракат қилишарди. Вазирлар Маҳкамасининг барча вакиллари у билан бирга вальс тушишни исташарди. Шахсан унинг ўзи вазирнинг назарига тушди.

У сархушлик ва эҳтирос билан рақсга тушар, ичимлик таъсирида роҳатланиб, гўзаллиги зафариди, муваффақият шоҳсупасида, бахт осмонида сузганча барчасини унутиб, ўзига бўлган иззат-икром, ҳайрат, ёниқ истаклар ва мутлақо музаффарлик ҳислари қалбини чулғаб олганди.

³ Нантерра – Парижнинг ғарбий чеккаси.

Тонгги соат тўртга яқин у кетиш тараддудига тушди. Турмуш ўртоғи ярим тундан буён қаровсиз хонада, хотинлари байрамни ажойиб нишонлаётган уч эркак билан ухлаб ётарди.

У хотинининг елкасига базм кўйлагининг ҳуснига доғ туширадиган шарфни ташлаб кўйди. Жувон буни сезгач, қимматбаҳо мўйнага бурканган бошқа бир аёлнинг назарига тушиб қолмаслик учун уни юлқиб олди.

Луизел уни тўхтатди.

– Бир оз кутиб тур, ташқарида шамоллаб қоласан. Мен бориб, арава ушлайман.

Лекин Матилда уни эшитмади. Чаққонлик билан зиналардан пастлади. Кўчага чиқиб, бирорта ҳам файтон топишолмади. Улар қидиришни бошлагач, узоқроқдан ўтиб кетган таксичига кўзлари тушиб, бақриб қолаверди.

Чорасиз қолганича совуқдан қалтираб, Сеине (Зайна)га томон юришарди. Ва ниҳоят, кундузлари умуман учратиб бўлмайдиган, фақат ярим кечаси Париж атрофида пайдо бўладиган эски аравани (нок-тамбулант) дарё бўйида учратишди.

Руе дес Мартирсдаги уйи эшиги олдида тушиб, ғамгин юришда давом этишди. Матилда учун ҳаммаси тамом бўлганди. Эрининг соат ўнда вазирликда бўлиши кераклигини хаёлидан ўтказди.

У яна бир марта шуҳрат оғушида кўзгу орқали ўзига тикилиб, елкаларини ёпиб турган шарфни олди. Бироқ кутилмаганда чинқириб юборди. Бўйнидаги маржон шодаси йўқ эди!

Эри ярим ечинган аҳволда сўз қотди:

– Сенга нима бўлди?

У жиннинамо ўгирилди.

– Мен... мен... мен мадам Форестиернинг маржон шодасини йўқотиб кўйдим.

Луизел жойида қотиб қолди.

– Нима?! Қандай қилиб? Бўлиши мумкинмас!

Улар кўйлакнинг қатларини, плашнинг тахламларини чўнтагини, ҳамма жойни қараб чиқишди. Аммо маржон топилмади.

– Базмдан чиққанингда у аниқ бўйнингда турганимиди? – сўради Луизел.

– Ҳа, сарой даҳлизида турганимда у бўйнимда эди.

– Агар кўчада туширганингда овозини эшитган бўлардик. Балки аравада қолгандир.

– Ҳа, эҳтимол. Рақамини олганмидингиз?

– Йўқ, сен-чи, эслолмайсанми?

– Йўқ.

Улар ҳайратомуз тикилиб туришарди. Охири, Луизел кийимларини кийди.

– Мен пиёда ортга қайтаман, – деди у. – Босиб ўтган йўналиш бўйлаб юриб, топишга уриниб кўраман.

У чиқиб кетди. Матилда базм кўйлагига креслода ўтириб, кўзига уйқу келмай, оловни ҳам ёқмай, хаёлига бир фикр келмай, уни кутарди. Соат етилар атрофида излаганини тополмай, эри қуруқ қайтиб келди.

Луизел полиция бошқармасига, газета идораларига бориб, мукофотлар эълон қилди. У барча такси компанияларини умид илинжида айланиб чиқди.

Фалокатга йўлиққан аёл кунбўйи ваҳима ичи-

да кутди. Тунда Луизел синиққан, умидсиз юз билан қайтди. Ҳеч қандай янгилик йўқ эди.

– Дугонанга, – деди у, – тақинчоғининг илгагини бузиб кўйганингни, уни тузатиш учун бир оз вақт кераклигини ёзиб юбор.

У бирма-бир ҳаммасини хатга туширди.

Ҳафта охирида улар умидини бутунлай узишди.

Нақ беш ёшга қариган Луизел синиқ оҳангда сўзлади.

– Энди тақинчоқни қандай қайтариш ҳақида бош қотиришимиз лозим.

Кейинги кун улар қутини олиб, донғи чиққан заргарникка боришди. Луизел унинг китобини қараб чиқди.

– Мадам, мен маржон шодаси сотадиган сотувчи эмасман. Шунчаки, қутиларга безак бераман, холос.

Шундан сўнг улар заргарма-заргар юриб, ўша маржон шодасига ўхшашини излашди, улардан маслаҳат олишди. Иккалови ҳам алам ва изтиробда қайтишди.

Палаис Роялдаги дўконда улар қидираётган тақинчоққа жуда ўхшаш маржон шодасига дуч келишди. Нархи қирқ минг франк турар экан. Заргар ўттиз олти минг франкка сотишга кўнди. Эр-хотин заргарга уч кунгача уни сотмаслигини сўраб ёлворишди. Ҳар эҳтимолга қарши, улар февраль охирида яна бошқасини ҳам топиб кўйишди.

Луизелда отаси унга қолдирган ўн саккиз минг франк бўлиб, қолганини қарз олди.

Бировдан минг франк, бошқасидан беш юз, беш луисни у ердан, уч луисни бу ердан сўраб, қарз йиғди. У барчасини қайд этиб кўйди. Хонавайрон қиладиган ваъдалар берди, судхўрлар ва барча қарз берувчи зоти билан битим тузди. У қолган умрини хавф остига кўйиб, ҳаттоки харажатларни тўлай олиш ёки олмаслигини билмай туриб, таваккал имзо кўйди. У ҳали бошидан ўтказмаган укубатлар, уни йиқитиши мумкин бўлган ўта қашшоқлик, моддий муҳтожликнинг келажаги ва унга азоб берадиган руҳий қийноқлардан ваҳимада эди. У маржон шодасини олиш учун келди ва савдогарнинг растасига ўттиз олти минг франкни ташлади.

Мадам Луизел маржон шодасини қайтариш учун келганида, мадам Форестиер унга совуқ оҳангда гапирди.

– Буни тезроқ қайтаришинг лозим эди. Ўзимга зарур бўлиб қолди.

У қўрққанидек, дугонаси қутини очмади. Агар тақинчоқ бошқа эканини билиб қолганида нимани ўйлаган, нималар деган бўларди? Мадам Луизелни ўғирликда айблармиди?

Мадам Луизел ҳозир йўқчиликда яшашни қўрқинч билан ҳис қилди. Тасодифий ҳодисада қаҳрамонларча иштирок этди. Энди эса даҳшатли қарздорликдан қутулмоқ лозим. Аёл буни тўлайди. Улар хизматкорини ишдан бўшатишди; турар жойини ўзгартиришди; том устидаги чердакни ижарага олишди.

У уй юмушларининг нақадар оғирлигини, ошхона ташвишларининг ёқимсизлигини англаб етиб, ёғли қозон ва товани ювиш учун пушти тирноқларини ишлатарди. У кир полотнони, эрининг кўйлагини ва идиш артадиган сочиқларни юварди. Ҳар куни эрта-

лаб ювиндиларни кўчага олиб чиқиб, зинапояларда тўхтаб нафас ростлаганча сув олиб чиқарди. Одамларнинг хотинига ўхшаб кийинар, қўлида сават билан мева, баққоллик, гўшт дўконига борар, савдолашар, ҳақорат қилар, майда пулларини тийинигача ҳисобларди.

Ҳар ой қарзнинг бир оз миқдорини узишса, қолганини узайтиришарди.

Турмуш ўртоғи кечкурунлари савдогарнинг ҳисобкитобларидан нусха ёзар, тунга бориб, варағи учун 5 лус эвазига қадимий қўлёмалардан намуна кўчирарди.

Бу турмуш тарзи ўн йил давом этди.

Ўн йилдан сўнги улар ҳамма нарсани, ҳамма ҳаммасини – судхўрларга нисбати ва қўшма фоизлари билан тўлаб бўлишди.

Мадам Луизел эндиликда қаримсиқ кўринарди. Камбағаллашган аёл кучли, қаттиққўл ва кўрс бўлиб қолганди. Сочлари тўзғиган, афти бужмайган, қизарган қўллари билан полни артиб, атрофдагиларга бақриб гапирарди. Баъзан, эри идорада бўлган вақтларда, у деразага яқин ўтирганча ўн йиллар олдинги фараҳбахш кечани, у ниҳоятда латофатли ва гўзал бўлган бал ҳақида хаёл сурарди.

Агар у маржон шодасини йўқотмаганида нима бўларди? Ким билади дейсиз? Ҳаёт қанчалар фаройиб ва ўзгарувчан! Кичкинагина воқеа баъзан яшаш ёки ҳаётдан умид узишга етарли бўлади!

Якшанба куни эди. Ҳафталик меҳнатларнинг ҳордиғини чиқариш мақсадида Чампс Элйсеесда сайр қилиб юриб, тўсатдан бола етаклаган аёлга дуч келди. Ҳануз ёш, ҳануз гўзал, ҳануз мафтункор бўлган мадам Форестиер эди.

Мадам Луизел ҳаяжонланди. У билан гаплашсинми? Ҳа, албатта. Ахир ҳаммасини тўлаб бўлган, энди бор гапни айтаверса ҳам бўлади.

У тепага кўтарилди.

– Хайрли кун, Тентак!

Унга танишидек мурожаат қилган оддий ёқимтой жувондан таажжубланди-ю, аммо уни мутлақо танимади.

– Лекин... мадам! – тутилиб гапирди у. – Сизни танимадим... Адашган бўлсангиз керак.

– Йўқ. Мен Матилда Луизелман.

Дугонаси қичқириб юборди:

– О, бечора Матилда! Қанчалар ўзгариб кетибсан!

– Ҳа, сени охири бор кўрганимдан буён қанча оғир кунларни бошдан кечирдим... қанча мусибатли кунларни... Ҳаммаси сен туфайли бўлди!

– Мени деб! Қандай қилиб?

– Саройдаги базмга тақиб туриш учун менга берган маржон шодаларини эслайсанми?

– Ҳа, хўш?

– Мен уни йўқотиб қўйгандим.

– Нимани назарда тутяпсан? Уни келтириб бергандинг-ку.

– Сенга худди ўхшашини олиб келиб бергандим. Сўнгра бунинг тўловини ўн йил давомида уздик. Тушуняпсанми, ҳеч вақоси йўқ кимса учун бу қанчалар мушкул эди. Ва ниҳоят, ҳаммаси тугади. Бундан жуда хурсандман.

Мадам Форестиер юришдан тўхтади.

– Айтмоқчисанки, меникини ўрнига қайтариш учун янги маржон шодасини сотиб олгансан?

– Ҳа! Сен буни сезмадинг ҳам! Улар жуда ўхшаш эди.

Матилда мамнун кулди.

Мадам Форестиер қаттиқ титраб кетди, унинг қўллари ушлаб, деди:

– О, бечорагинам Матилда! Нима учун, менинг тақинчоғим оддий тошлардан ясалган эди-ку!

Инглиз тилидан

*Гулноза МАМАРАСУЛОВА таржимаси,
Республика "Келажак овози" танлови ғолиби*





Сарвар ЮСУПОВ

Сени опичлайман, ҳур Ўзбекистон

ВАТАН

Ватан, мен бу сўзни қайлардан излай?
Қишлоғим жамоли, булоқлар қадим.
Келганда сайёҳлар тарихдан сўзлай,
Юксакка интилган мисли мунажжим.

Шунчалар азизсан кўзимда ҳар он,
Чўлларда ҳамроҳдир онам дуоси.
Отам ўғити-ла келажак томон,
Бошлайман, кўринар борлиқ жилоси.

Согинч ёмон эрур олса аланга,
Хорижда юрсанг ҳам яйратиб танни.
Гар боринг бахшида бўлса онангга,
Юрагингдан юлиб бўлмас Ватанни.


Сендадир тақдирим, миннатдор бўлиб,
Ғурур осмонида учарман ҳар он.
Бебаҳо, якто деб қўйнимга солиб,
Сени опичлайман, ҳур Ўзбекистон!

БАҲОР

Булут босса мовий осмонни,
Қуёш дилга согинч ўрайди.
Бўйсунмас бу ўйноқи ҳислар,
Баҳор келса сени сўрайди.

Майсаларни эркалаб ёмғир,
Бағрига мўл умидлар солди.
Она замин кўрсатиб борин,
Гўзалликни кафтига олди.

Бог оралаб гулзор бошига,
Кеч қолдимми, изладими ёр?
Ожиздурман согинч қошида,
Согинганим, севгилим баҳор.



Қиш бешафқат, юмди кўзларин,
Баҳорий ҳур шамоллар елди.
Эритаман юрак музларин,
Армонимга гул тутгим келди.

Севишганлар севги боглари,
Атиргуллар ошиқ элчиси.
Айни вақти ёшлик чоғлари,
Бунда голиб шиқнинг куйчиси.

Майли, баҳор, умрбоқий бўл,
Ҳар чечакнинг ифори қолсин.
Бойчечак ҳам очилган бир гул,
Борлиққа жон бахш эта олсин!

КЕЛИНЧАК

Рўмолингни парилар,
Қўндирибди бошингга.
Рашиқ этармиши қалдирғоч,
Тикилганда қошингга.
Севди ёринг, келинчак,
Куйди ёринг, келинчак.

Пояндоз қутлуг қадам,
Нигоҳлар ширин калом.
Агар ёнингдан ўтсам,
Дилдан таъзим, эҳтиром.
Ибо-ҳаё – келинчак,
Файзли сабо – келинчак.

Момолар туш кўрармиши,
Тушида қуш кўрармиши.
Ким вафодор севгига,
Фаришта хуш кўрармиши.
Бахтга эшик – келинчак,
Олтин бешик – келинчак.



*Марҳабо ҚҶЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди*

КИҶИКЛАРЖИЖТ КАММА ҚУВОЖҶИ

“Гулгина” – болалар учун махсус бадиий адабиёт антологиясининг нашр этилиши жуда қувончли ҳодиса бўлди. Мазкур китоб икки жилддан иборат. Уларни болалар адабиёти бўйича мутахассис, филология фанлари номзоди Замира Иброҳимова тузган ва сўз боши ёзган.

Дарҳақиқат, олима муқаддимада таъкидлаганидек, инсоннинг болалик даври муҳим босқич ҳисобланади. Хусусан, халқ эртак-достонлари ва улардаги мукамал идеаллар, бадиий-эстетик юксак умуминсоний ғоялар: ватанпарварлик, вафо-садоқат, меҳнаткашлик, ҳалоллик сингари туйғулар инсон умрининг болалик чоғларидаёқ онгига сингдирилиши лозим. Бундай эзгу ишни амалга оширишда бадиий адабиётнинг роли бениҳоя куч-қудратга эга. Ҳали ҳеч нарса битилмаган оппоқ қоғоздек мурғак бола тафаккури, аввало оила ва жамиятдаги ижтимоий ҳаёт ва шунингдек, бадиий адабиёт таъсирида шаклланади. Натижада боланинг атрофдагиларга, умуман, инсон ва ҳаётга шахсий муносабати пайдо бўлади, аста-секин индивидуал шахс қиёфаси, унинг феъл-атвори, характери ҳам ривожлана боради. Демакки, айнан инсоннинг дастлабки, болалик даври босқичида катталар бола тарбиясида айниқса, бадиий адабиётнинг беқиёс куч-қудратидан оқилона фойдалана билиши лозим. Зеро, халқимизда “Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш каби-дир”, – деган доно мақоли бор.

Муаллиф антологияни тузишда ўзига хос ва анъанавий талабларга риоя этган. Биринчи китоб боланинг туғилганидан бошлаб 6-7 ёшгача бўлган даврига мансуб ва шу босқичда зарур бўлган ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, ёзма адабиёт намуналари (мумтоз ва замонавий) шеър, достон, эртак, ҳикоя ва қиссалардан парчалар берилган.

“Гулгина” мажмуасининг тузувчиси Замира Иброҳимова ранг-баранг жанрларда яратилган халқ ижоди ва ёзма адабиёт вакилларининг сара асарларини муайян кетма-кетликда бериш мақсадида болалар-

нинг ёшини ҳам мутлақо унутмайди. Шу боис мажмуа болаларнинг аввало ёш хусусиятига қараб 6 даврга бўлинади.

Мажмуадаги яна бир характерли хусусият ҳақида гапирмаслик мумкин эмас, бу китобдаги ҳар бир ёш даврига мослаб ажратилган бўлимлар ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари билан бошланади. Шубҳасиз, бунинг биринчи сабаби халқ ижодида асрлар давомида куйланган ўлмас руҳнинг (буюк гуманизм) содда ва тушунарли тилда баён этилганлиги муаллифнинг назаридан четда қолмаган.

Китобнинг “Чақалоқлик даври” деб номланган қисмида эса ўзбек болалар фольклори жанрларидан саналган алла ҳамда маросим кўшиқлари (чақалоқни бешикка солиш); айтим-олқишлар, эркаламалар, овутомачоқлар киритилган. Аллалар одатда оналар, бувилар томонидан куйланиб, чақалоқ ширин уйқуга кетиш жараёнида ижро этилади. Мажмуага киритилган жами 9 та аллада боланинг азизлиги, она учун бола “кўрар кўз”, “суяр сўз”, “ширин жон”, “осмондаги ой”, “жигар пораси” эканлиги хилма-хил эпитетлар билан бойитилган. Асрлардан бери ижро этиб келинаётган халқ аллалари бола туғилгандан бошлаб куйланади.

Алла матни жуда содда, айна пайтда юракдан ижро этилган, бола руҳини тинчлантирувчи чексиз сокинлик, оромбахш этувчи илиқ сўзлардан ташкил топган:

*Алла, болам, алла-ё,
Кўрар кўзим, алла-ё.
Суяр сўзим, алла-ё,
Алла, болам, алла-ё.
Ширин жоним, алла-ё,
Иссиқ жоним, алла-ё.
Алла, болам, алла-ё, алла,
Дўмбоққинам, алла-ё, алла.*

Замонавий болалар шоирлари фольклор ва халқимизнинг азалий минг йиллик миллий анъана, қад-

риятлари таъсирида халқона услубда ажойиб шеър намуналарини яратганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, “Атак-чечак”, қисмида берилган М.Валихонов, А.Абдураззоқов, С.Барноев, М.Қўшмоқов, М.Аъзам, Ҳ.Ёқубов, З.Исомиддинов, М.Икромов, О.Маҳкамов, Қ.Муҳаммадий ва бошқаларнинг шеърлари кетма-кетликда берилган. Болаларга атаб ёзилган мазкур шеърларга хос муштарак хусусиятлар бор, булар фольклор ижодига хос содда, ихчам услубда яратилгани билан белгиланади. Шеърлар содда, қисқа мисралари, оддий қофияли, осон ёд олинади:

*Оймомо – ҳулла,
Қаноти – тилла,
Тўзим берсин – сизга,
Умр берсин – бизга.*

*Оймомо – тилла,
Ипаги тилла,*

Кузатиб турганимиздек, муаллиф болалар учун энг қизиқарли жанр – эртақларни муайян кетма-кетликда жойлаштиришда ҳам антологиянинг қатъий ички қоидаларига амал қилади. Яъни олдин ўзбек халқ эртақларини, сўнгра турли халқлар ижодига мансуб эртақларни жойлаштиради. Эртақлар ҳажм ва мазмун жиҳатдан қисқа, содда, такрорий сўзлар, жумлалар асосига қурилган. Бу эса илк ёшдаги (1-3 ёш) болаларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатига жуда мос келади. Муаллиф халқ эртақларидан сўнг ўзбек болалар адабий эртақларини беради. Сўнгра М.Муродов “Велосипед ҳайдаган қўғирчоқ”, Т.Илҳомов “Ўз ўрни бор”, З.Иброҳимова “Сув ва дарахт”, А.Абдураззоқ “Дум-думалоқ кўнғиз”, А.Обиджон “Жўжанинг ҳикояси” асарлари антологиядан ўрин олган. Адабий эртақлар фольклордаги халқ эртақларидан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқ эртақлари анъанавий бошланма ва тугалланма, азалий қолип сюжет ва композицияга, анъанага айланган мотивлар асосига қурилади. Замоनावий ижодкорларимиз яратган эртақ намуналарида эса бундай фольклорга хос анъанавий қолиплар йўқ. Улар эркин, кичик ёшдаги болалар дунёқараши ва табиатига мослаб яратилган. Хусусан, А.Обиджоннинг “Жўжанинг ҳикояси” эртагида бу янада ёрқин кўринади. Эндигина тухумини ёриб чиққан жўжанинг ҳолати, ташқи оламини, атрофдагиларни билишга қизиқиши илк ёшдаги болалар руҳиятига жуда мос ассоциациялар уйғотади. Антологияда ўзбек ва жаҳон болалар адабиётининг турли даврига тегишли ижодкорларнинг эртақ, ҳикоя, шеър намуналари жамланган. Жаҳон адабиётидаги машҳур номлар: ака-ука Гриммлар, К.Чуковский, М.Пришвин, А.Блок, Л.Толстой, К.Ушинский ва бошқаларнинг ҳикоя ва эртақлари мажмуада муайян тартиб билан берилган. Жаҳон адабиёти намуналарига мурожаатда турли рус, қозоқ, грузин, қирғиз, бурят, украин, молдован каби

халқлар оғзаки ва ёзма адабиётидан ажойиб бадиий таржималар ўрин эгаллаган.

Муаллиф ўзбек болалар шеърини ҳам тематик жиҳатдан жуда мукаммал равишда гуруҳларга, мавзуларга ажратиб берган. Жумладан, биринчи қисм “Йил фасллари”га бағишланган бўлиб, унда тўрт фасл (бахор, ёз, куз, қиш) таъриф-тавсиф этилган, маҳорат билан яратилган мавсум шеърлари жамланган. Муаллиф шундан сўнг “Болалар дунёси”, “Гуллар оламида”, “Қушлар ҳақида”, “Ҳашаротлар ҳақида”, “Уй ҳайвонлари ҳақида”ги шеърларини тематик-ғоявий жиҳатдан таснифлаб киритган. Ҳар икки жилд сўнгида муаллиф З.Иброҳимованинг “Бадиий сўзнинг қудрати” мақоласи илова этилган. Уларда олима бадиий адабиётнинг кичик ёшдаги болалар тарбияси ва ҳаётида тутган ўрнига тўхталади. Сўнгра халқ оғзаки жанрлари (қўшиқ, эртақ, достон), ёзма адабиёт жанрлари (ҳикоя, шеър, қисса; ва ёзувчи-шоирлар А.Навоий, Бобур, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий) ҳақида қисқача назарий маълумотларни ҳам илова этган. Китобда ўрин олган манбалар кўрсаткичи ҳам батафсил ва аниқ берилган.

1 жилднинг “Буюк сиймолар ҳақида” қисми билан якунланиши, унда Навоий ва Бобур шахсиятига қисқа таъриф берилиб, сўнгра асарлардан намуналар берилишида жуда катта маъно бор, албатта. Ёш авлод буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодидан баҳраманд бўлиб, уларнинг улкан маънавий кучидан куч олишига антологияда рамзий маънода ишора этилган.

Шубҳасиз, антология болалар адабиёти бўйича илмий изланишлар қилаётган тадқиқотчилар учун ҳам бой материал беради. Мажмуанинг аҳамиятли томонлари жуда кўп. Аммо мажмуа, аввало, болалар тарбияси билан шуғулланаётган ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар учун бугунги замонавий таълим-тарбия муассасалари учун муҳим зарурий қўлланма бўлиб хизмат этишига ишончимиз комил. Қўлланмани яратишда филология фанлари номзоди Замира Иброҳимованинг олимона нозик нигоҳи, билими, малакаси, тажрибаси, кўп йиллик меҳнати ўзининг ижобий самарасини кўрсатган. Шунингдек, мажмуа китоблар замонавий дизайн талабларига ҳам жавоб беришини ҳам алоҳида қайд этмоқчимиз. Яъни китобнинг ташқи қалин муқоваси ва “Гулгина” номига монанд нозик гуллар, бола кайфиятига ижобий таъсир этувчи оч сариқ, кўк, оқ ранглардан фойдаланганлиги мақсадга мувофиқ танланган. Китоблар ичидаги эртақ-достон мазмунига мос ишланган суратлар билан бойитилганлиги мажмуанинг кўргазмалилик қийматини янада оширган.

“Гулгина” кичкинтойлар учун яратилган бадиий адабиёт мажмуаси ўзбек болалар адабиётшунослигида илк китоб ва сўнги китоб ҳам эмас, албатта. Аммо шу кеча-кундузда антология бу соҳадаги замонавий таълим-тарбияга уйғун ёзилган сўнги қўлланма десак янглишмаймиз.



Воҳид ИСМОИЛОВ

ҚЎШИҚ ҲАМ СЎНАДИ

Ҳикоя



* * *

У бўш вақт топди дегунча, шаҳар марказига – икки чети бўйлаб ҳовли-жойлар тизилиб кетган кўчага жўнайди. “Бахтлар водийси” деб аталадиган бу кўча унинг учун бир мўъзиза, сирли олам бўлиб туюлади. Бундан бирон-бир наф чиқадими-йўқми, унга барибир, ўша ерга шошилаверади. Саратоннинг жазирама, қишнинг қаҳратон кунларида, момақалдироқ гумбурлаб, ёмғир шаррос қуйиб юборадиган кўклам кезларида ҳам қатнагани-қатнаган.

“Бу унинг кўчаси” дея ҳаяжон билан шивирлаб қўяди у. Ҳув анави ўн иккинчи уйда Шодия яшайди.

Шодия! Бу номни ҳар гал тақрорлаганида эндигина ўн етти ёшга тўлаётган Моҳирнинг томирида қони қизиб, эҳтиросдан энтикар, қизнинг исми гўзаллигидан, нафислигидан завқланар эди.

Баъзан у беихтиёр қайларгадир тикилганича тек туриб қолади. Орзу ва хаёллар оламига парвоз қилади. Ширин ўйлари бирданига хаёл оламидан чиқиб, ҳақиқатга айланишини истаб қолади. Кўча бўйлаб борар экан, қизнинг ифбат нури билан ёритилган чехраси унинг кўз олдида порлаб кўринар, оламнинг гўзаллигини, яшаш ва севиш қандай соз эканлигини бутун вужуди билан ҳис қила бошларди. Ҳа, бу қиз деб яшаса, унга интилса, унинг йўлида жон фидо қилса арзийди.

Табиатан жуда зийрак, ҳамма вақт одамга эл бўлиб кетадиган бу йигит гўзаллик шайдоси эди. Нафақат инсон жисмидаги гўзаллик, балки қалб гўзаллиги, туйғулар жилоси ҳам ўзига ром қиларди.

Энди бўлса, шу мусаффоликни, энг юксак эзгулик ва ифбатни у Шодия исмли моҳтобон қиз тимсолида кўриб қолди. Кўрдию тинчлиги бузилди, ороми йўқолди, ҳузур-ҳаловатидан айрилди. Билиб-билмай ишқ ўтида ўртана бошлади. Соҳибжамол дилбар қиз ҳеч эришиб бўлмайдиган олис юлдуз янглиғ унинг хаёлида учиб борарди.

Кўз очиб юмгунча киши қалбига маъюслик бахш этувчи сентябрь ойи ҳам етиб келди. Москвада ўқиётган Моҳир ёзги таътилни Тошкентда, ўз уйида ўтказди.

“Ўқишимга уч-тўрт кун кечикиб борсам, осмон узилиб ерга тушмас”, деб хаёлидан ўтказдию қизни топиб у билан узил-кесил гаплашишни мақсад қилиб қўйди.

Иккинчи сентябрь куни, ниҳоят, қачонлардан буён ўйлаб юргани рўй берди. Сайилгоҳ кўчасидан юриб бораётган Моҳирнинг кўзи рўпарасидан келаётган Шодияга тушди.

“Ана, у!” деб юборди ички бир нидо. Қизнинг эгнида хонатлас қўйлак, ипақдай жилваланаётган қора сочлари тепасига турмакланган, хушбичим оёқларида тўқ пуштиранг ялтироқ туфли, қўлида чиройли аёллар сумкаси. Ёздагидай қиздираётган сентябрь қуёши нурларида у лаълдай ёниб, хиромон юриб келаётганди. Ҳа, у ёш ва гўзал, бутун олам оёғи тагида! Теварак-атрофдагилар унга суқланиб қарашади.

Моҳир ғайриихтиёрий равишда унинг орқасидан эргашди. Шодия университет биносининг иккинчи қаватига чиқиб, кўпчилиги рус талабалар бўлган аудиторияга кириб кетди. Сал ўтмай кўнғироқ чалинди. Бир рус муаллима ўша аудиторияга кираркан, орқасидан эшик ёпилди. “Демак, иккинчи сменада ўқиркан”, деб қўйди Моҳир ичида. У аудитория рақамини коридорда осифлиқ дарс жадвалидан топиб, куйдирмажон қизнинг шарқшунослик факультетининг иккинчи курсида ўқиётганини билиб олди.

Эртаси куни бутун борлиғи билан ҳис-ҳаяжонга тўлиб-тошаётган Моҳир қизнинг кўчасига ўтди. Муюлишда туриб уни кута бошлади. Қуёш тик келиб қолган пайт эди. Ана Шодия! У дарвозадан чиқиб тўппа-тўғри Моҳир турган томонга қараб юриб кела бошлади. Олдинига Моҳир азборойи довдираганидан нафаси чиқмай қолди. Лекин тезда ўзини қўлга олди. Энди у бундан икки йил аввалги тортинчоқ Моҳир эмасди. У

шаҳдам қадам ташлаб, қиз томон юриб кетди. Қизга яқинлашгач, гўёки кўп замонлардан бери таниш одамдай шўх ва жарангдор овозда хитоб қилди:

– Мана шу ажойиб қизнинг исми Шодия! Қани, рухсатиз билан кўлизи беринг-чи, бир кўришиб кўяйлик.

Моҳир ўзини шодон тутган ҳолда қўлини қизга чўзди.

Ҳар бир одам учун ҳар доим энг ёқимли эшитилмайдиган сўз унинг ўз исмидир. Шодия ҳам кўтаринки руҳда жаранглаб эшитилган ўз исмидан юз-кўзи порлаб кетдию қўлини Моҳирга қандай узатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қизнинг момиқ пахтадай оппоқ, иссиқина кафти ўз кафтида турганидан Моҳирнинг бутун бадани жимирлаб кетди. Шу лаҳзада у ёруғ оламдаги ҳамма нарсани унутди ва фақат унинг лабларига ва кўзларига тикилганча туриб қолди. Унинг назарида қиз янада очилиб кетганди. У жуда бўй етган, бежирим, ўзига ишонган, ақли расо, муомалани ўрнига қўядиган ва ҳар қандай одамни ўзига мафтун эта оладиган аслзода қизларнинг бориб турган вакиласи эди.

– Кечирасиз, кўзимга иссиқ кўриняпсиз-у, лекин таний олмаяпман, – деди у майин товуш билан, қўлини аста-секин бўшатаркан, Моҳирга очиқ ва тик боқиб.

Моҳир жилмайиб қўйди.

– Шаҳар ўқувчилар саройида кўзингиз тушган бўлиши мумкин.

– Э, ҳа, эҳтимол шундайдир, – қиз ҳам табассум билан жавоб қайтарди.

– Ўқишлар қалай кетяпти?

– Ўқишлар бор-йўғи энди бошланди. Бу саволга жавоб бериш ҳали эрта деб ўйлайман, – қизнинг хушёрлиги ва синчковлиги, айна пайтда дадиллиги, кескинлиги ва ўзига ишончи зўрлиги билиниб турар, булар иродаси кучли ва эътиқоди қатъий одамга хос бўлган хислатлар эди.

Моҳир ўйчан ҳолатда қизга тикилди.

– Шодия, айтинг-чи, нега ёзган хатларимга жавоб берай демадингиз?!

– Қанақа хат, тушунмадим? – ҳайрон бўлиб сўради қиз.

– Москвадан ёзган қанчадан-қанча хатларимга.

– Эҳ, бу сиз эдингизми?

Қизнинг тимқора кўзлари ҳайратдан янада каттароқ очилиб кетди.

Моҳир “ҳа” деяётгандай ғамгин кўринишда бош ирғади.

– Биласизми Моҳир, мени дадамнинг ёшлиқдан бирга ўсган дўстининг ўғлига унашиб қўйишган. Яқинда тўйимиз бўлади!

Моҳир умрида фақат бир марта, Серёжа бел аралаш чап буйрагига орқа томонидан аёвсиз тепганида ярим хушини йўқотган эди. Ҳозир эса у иккинчи марта хушидан кетишига сал қолди. Бутун умидлари бирдан чилпарчин бўлганди. Кўз олди қоронғилашиб, еру осмон чархпалак бўлиб айлана бошлади.

– Мен эса сизни шу қадар севаманки, буни сўз билан ифодалашга ожизман, Шодия. Орзу-умидларимнинг, сизга бўлган эзгу ниятларимнинг чек-чегараси йўқ. Энди бўлса ҳаммаси тугабди, ҳаммасига нуқта қўйилибди.

Моҳир ғамгин қиёфада тикилди.

– Бунчалик тушкунликка тушмаслигингиз керак. Бу дунё мендан бошқа қизларга ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Истаганингизни танлаб олишингиз мумкин. Ахир сиз йигит кишисиз-ку!

– Гап бунда эмас, – деди Моҳир култ ютиниб. – Сиз мен учун дунёда ягона қизсиз. Оламда энг дилбар, энг гўзал қизсиз! Рост, рост, Шодия.

– Майли, мен борай. Дарсга кечикмаслигим керак, – деди қиз нафис қўл соатига қараб қўяркан.

– Озгина сабр қилинг, Шодия.

Моҳир қизнинг оппоқ билагидан ушлаб, уни тўхтатди. – Модомики шундай экан, айтинг-чи, нега ўша биринчи хатимгаёқ жавоб ёзиб, мени тинчитиб қўя қолмадингиз?

– Нима десам экан... Сир бўлсаям, ўзингизга айта қолай. Хатни шунақанги чиройли ёзаркансизки, мен уларни ҳузур қилиб ўқирдим. Навбатдагиларини эса тоқатсизлик билан кутардим, – қиз шунақанги чиройли қилиб кулдиди, гўё теварак-атроф янада яшнаб кетгандек бўлди.

– Буни қаранг-а, сиз бу ёқда хатларимни ҳузур қилиб ўқийверибсизу, мен бўлсам у ёқда бир-икки сатр-гина жавобингизга зор-зор бўлиб, асабларим қақшаб юраверибман-да.

– Узр, Моҳир! Бу томонини ўйламабман. Э, йўқ, ўйлагандим ҳам, лекин хатларингизнинг тўхтаб қолишини истамагандим. – Қиз уялди шекилли, ёноқлари қизариброқ ерга қаради.

– Шодия, шахсий ҳаётингизга аралашмоқчи эмасман. Сизни жонимдан ҳам ортиқ кўрганим учун билмоқчиман. Сиз... ўша йигитни севасизми?

– Очиғини айтсам, у билан ҳали бир оғиз ҳам гаплашмаганман. Фақат тўй-ҳашамларда бир-икки марта кўрганман, холос.

– Ана холос! Гаплашиб ҳам кўрмагансиз, қандай одам эканлигини ҳам билмайсиз, лекин шунга қарамай, турмушга чиқиб кетавераркансиз-да!

– Ҳар ҳолда, ота-онам мени ёмон одамга узатишмасалар керак, – қиз чуқур ўйга толганча Моҳирга тикилиб қолди.

– Балким, ота-онангизга қулоқ солиб тўғри қилаётгандирсиз. Лекин дунёда юрак, қалб, севги, меҳр-муҳаббат дейдиган нарсалар ҳам бор-ку, ахир. Наҳотки сиз уларни ҳисобга олмасангиз?

– Мен уларга ишонмайман. Севги, муҳаббат, – қиз кулиб қўйди, – улар фақат китобларда ёзилади, киноларда кўрсатилади.

– Кечирасиз, Шодия! Бу гапингизга қўшилолмайман. Мен сизни сўнги нафасимгача, агарда мавжуд бўлса нариги дунёда ҳам севганимча қоламан! – Моҳир изтиробга чўккан кўзларини қизининг маъносига тортаётган кўзларига тик қадади.

– Албатта, бунинг учун сизга чин дилимдан раҳмат дейман. Сезиб турибман, дуруст йигит кўринасиз. Лекин, начора!.. Агарда... агарда унаштирилмаганимда сизни ўйлаб кўрган бўлардим, – деди қиз бир оз сукунатдан сўнг ўйчан бир ҳолатда.

Қизнинг охириги сўзлари Моҳирга “севаман” сўзидан ҳам азизроқ ва қимматлироқ бўлиб эшитилганди.

– Демак, сизни бир умрга, мангуликка йўқотарканман-да, Шодия! Сираям ишонгим келмаяпти, – Моҳирнинг овози зўрға, ич-ичидан титраб чиқди.

– Хоҳишингизни бажо қила олмаганим учун узр, Моҳир. Сизнинг бахтли бўлишингизга жуда ишонаман. Мендан эса, ҳечам хафа бўлманг, хайр! – Қиз кўл бериб хайрлашди-да, келган йўлидан яна тўғрига қараб юриб кетди.

Ягона умидидан, бутун вужуди билан, жон-жаҳди билан севган қизидан айрилган Моҳир, ўзининг бор-йўқлигини унутганча унинг орқасидан қараб қолди.

Орзулари барбод бўлган, ишончлари соврилган Моҳир ғам-ғусса чекиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай, қулоғига ҳеч нарса эшитилмай, худди маст кишидек гандираклаб кетиб борарди. Ҳа, у маст эди, қизнинг жамолидан, унинг нозик кўлларида маст эди. Кўз ёшлари юзини ювиб тушар, бошини қуйи солганча қизнинг кўчасидан сўнги марта, дарвозасига сўнги марта нигоҳ ташлаб ўтаркан, аллақандай шеърни эшитилар-эшитилмас ёддан ғўлдиради:

Чекил лира!

Қўшиғим тамом!

Куйим аста сўнди ва топди барҳам,
Дардим бир шарпадек чўқди бу айём.

Нурафшон кўп олис ёқларга бу дам.

Чекил лира!

Қўшиғим тамом!

Бир замон жўшардим дарахт тубида,
Куйлардим ўрмонда, қайнарди илҳом.

У дам ёш, бахтиёр, дадилдим жуда.

Энди-чи куйлашга қолмади мажол,

Кўзёши келади, йўқ дилда ором.

Кўча кезаман ўйчан ва беҳол.


Чекил лира!

Қўшиғим тамом!..



Маишхурбек РАҲИМОВ

БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Одамийлик сирин англаб етсам бас

ЯШАШ ФАЛСАФАСИ

...Фонийнинг ёлғони жуда ҳам ширин

Сафсата армонга тўла йўллари.

Ҳатто Искандар ҳам билмади сирин,

Э-воҳ, очиқ кетди унинг қўллари.

Майли, шоирлардек шеърлар битмасман,

Майли, газал ёзиш мен учун эмас.

Майли, буюклардек яшаб ўтмасман,

Одамийлик сирин англаб етсам бас!



Очилган гуллар ҳам сўлиши аниқ,

Ярим ой албатта, тўлади бир кун.

Лойқа сув қачондир бўлади тиниқ,

Буни унутмагин дўстгинам, бугун.

Ҳалол яша, ҳаром-харишидан қил ор,

Бировнинг гийбатин қилмагин зинҳор.

Бир сўз дема сени гийбат қилишса,

Қўявергин, ҳали ҳисоб кунни бор.

Англаган фалсафам шу бўлди холос,

Балки бу гапларим сенга ҳам аён.

Ахир, тирикликнинг ўзи бир ҳавас,

Англаб қолдим буни мен қалбдан шу он.



Юлдуз ФАЙЗИЙ,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби

ТЎЙДАН СЎНГГИ ТОМОША

Қайнона ва келин муаммоси неча минг йиллардан буён ҳаётимиздаги суратларга “рамка” бўлиб турибди. Бу можароли мавзунинг ҳам якуни бормикан? Турмуш қурган қайси қиз билан суҳбатлашмай, озгина бўлса-да, унинг ҳам бу мавзуга бегона эмаслигининг гувоҳи бўламан.

Автобус бекатида узоқ туриб қолдим.

– Нечинчи автобусни кутяпсиз? – ширингина овоз орқамдан эшитилди. Орқага ўгирилдим. 20-21 ёшлар чамаси чиройли бир қиз кулиб турганди. Автобус келгунча у билан узоқ гаплашиб турдим. Дилимиз дилимизга тўғри келди шекилли, анча чиқишиб қолдик. Исми Гулзода экан. Ўзи ҳам гуллар каби нафис ва латофатли қиз экан. Ёшимиз ҳам бир экан, унинг устига ота-оналаримиз ҳам бир вилоятдан чиқиб қолди. Суҳбат чоғида ҳаётини гапира кетди. Кулиб гап бошладию, кейин маъюсланиб қолди. Автобус ҳам келди ва унинг энг охириги ўриндиғини эгалладик. Ҳикояни эса давом эттирдим.

– Яқинда одатдагидек ўқишга отландим. Дарс бошланишига бир оз вақт борлиги сабабли гуруҳ қизлари орасида айнан қайнона ва келин мавзуси ҳақида кичик суҳбат бошланди. Қизлар орасида турмушга чиққанлари бўлганлиги боис уларнинг ҳаётидаги воқеалар бизни қизиқтирарди. Энг қизиғи эса суҳбатимизга оилали, фарзандли ва асосийси қайнонали ўқитувчимиз кўшилди. Айтилган воқеаларни эшитиб бир оз ажабланди-да, уларнинг фикрини бутунлай аксини айтди.

– Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам асли Фарғонаданмиз. Қайнонам бўлса “золотой”, – деди.

Уларнинг ҳикояларини дарс кўнғироғи бузди. Мавзуга нуқта қўйиб дарсни бошладик. Менинг хаёлим эса ҳамон ўша мавзуда қотиб қолаверди. Узоқ ўйлаб қолдим. Қайнона ва келин муаммоси: Тошкентдами ёки тошкентликларда?!

Ўзим Тошкентда туғилганман. Ота-онам эса вилоятдан. Ёшлигимда отамни эрта йўқотганим боис онамнинг ёнига қўшилиб, ҳаётни эртароқ англадим. Онам бизнинг олий маълумотли бўлишимизни жуда ҳам истарди ва бунга қўлидан келганча ҳаракат қилди. Оилада мен тўнғич фарзандман. Ўзим истаган олий ўқув юртига грант асосида қабул қилиндим. Дунёда мендан бахтли инсон йўқ эди. Биринчи босқични тамомламасимданок

уйимизга совчилар кела бошлади. Онам ҳали ёш, ўқиши бор, узатмайман деганларига ҳам қарамай уларнинг кети узилмасди. Ёз ойларининг бирида уйга қўнғироқ бўлиб, яна совчилар келди. Уларнинг айтишича мени бўлажак қайнотам топган экан. У деб, бу деб ўғли билан учрашувга чиқишга кўндириб кетишди. Биринчи учрашув одатдагидек ўтди.

Иккинчи учрашувда эса бўлажак куёвнинг ўзи тўйга розилигини менга айтди.

– Мен-чи, мен ҳали фикримни айтмадим-ку, – десам:

– Мен рози бўлсам бўлди-да, сеникини нима қиламан, – деди.

Фотиҳа тўйимиз ҳам бўлди. Тўйга тайёргарликлар авжида.

Мен эса ҳаётимда бир кун бўладиган бетакроп кечамга чиройли кўйлак кийиш ва уни қаердан танлаш хаёли билан банд эдим.

Ҳаммаси шундан бошланди. Қайнонам айтган жойдаги кўйлакни кийиб кўрдим, лекин у менга ёқмади. Турмуш ўртоғим эса:

– Ҳаётингда бу кун бир марта бўлади, ўзинг истаган ва ўзинга ёққанини кий, – деди.

Ана шу кўйлакни ҳам топдим. Уни тўй кунига банд қилдик. Орада эса қайнонам онамга кўнғироқ қилиб, менинг ўжарлигиму қайсарлигимдан арз қилибдилар.

Тошкентда қиз узатиш ҳам катта машаа экан. Унинг ортиқча сарф-харажатларини-ку айтмаса ҳам бўлади. Бу сарпо-суруғ деганлари одамнинг тинкасини кўрипти. Қайнона ва қайнотам ҳам асли тошкентлик эмас, лекин нима учундир тўйнинг урф-одатларини тошкентча қиламиз деб туриб олган эди.

Онам ёлғиз бўлганлиги сабабли ортиқча харажатларнинг кераги йўқлигини ва бунга ҳаракат ҳам қилмасликларини айтдим. Чунки улар тошкентча тўй деганлари билан келинга қилган сарполари фақат битта кийим-бош эди. Гап кийимда ҳам эмас, бироқ саломга яраша алик деганларидек, ортиқча мулозаматнинг кераги йўқ эди. Кийимларимни эса тўйдан кейин ҳам ўзим секин-секин олавердим.

Нима бўлганда ҳам янги келин деб ҳамманинг кўзи сизда бўлар экан. Бир кўзи сизда, бири эса эгнингизда.

Домдан ховлига тушган келиннинг рўзғорга мослашиши кийин бўлади дейишади. Аксинча, мен тез кўникиб кетдим. Ўқишимни ҳам йўлга қўйиб олдим. Олдимга қўйган мақсадларим бутунлай ўзгарди. Энди оилалиман. Унинг устига талабаман. Турмушга чиққанимда университетнинг 2-босқичида ўқиб юрардим. Ўша кунларда жудаям бахтли эдим... Токи қўлимга стипендия теккунча...

Воқеани бошлашдан аввал сизга ҳам бир савол бермоқчиман. Талаба учун бир ойга базўр етадиган стипендия бир оила учун қандай етиши мумкин?

– Тўғри, – дея, ўзим ҳам анча ўйланиб қолдим.

Бу саволни мен ўзимга жуда кўп маротаба берганман. Мени шу муаммо ўйлантирарди. Бошида пулни қайнонамга бермоқчи бўлдим, бироқ мен ҳам ёш келинман. Юқорида айтганимдек кийингим, кўчадан бирон нима олиб егим келарди. Ўқишимдан, эҳтиёжларимдан органини йиғиб кўярдим.

Кунлардан бир кун қайнонам стипендиямни беришимни сўради.

– Нима қиласиз стипендиямни, ўзимдан ортмайди-ку, ортса ҳам йиғиб қўяяпман, лекин озгина йиққаним нима ҳам бўларди? – дедим.

Қайноналарга хос тавозе билан қошларини чимириб, қайнингизни (эримнинг укасини) уйлантирамиз, опангизга (эримнинг синглиси, унинг ёши меникидан катта) бешик қиламиз, деди.

Ҳайратдан ёқа ушладим. Наҳотки, оилада ишлаётган тўрт кишининг маоши ҳам бунга камлик қилса, етмаса?

Турмуш ўртоғим тунги навбатчилик учун ишга кетди. Одатдагидек идишларни йиғиб дарс қилиш учун хонамга кираётганимда қайнонам яна шу мавзуда гап очди. Бир насага ҳеч тушунмасдим: уларнинг машмаси эрим ишга кетгандан сўнг бошланар эди.

– Шу пуллар уйингизга кетса норозиман, – деб даб-дурустан гап бошладилар. Ҳайрон қолганим – қайнотам бу жанжални кузатиб бурчақда жимгина ўтирарди. Орада анча курақда турмайдиган ҳақоратларни эшитдим. Охири чидолмадим. Турмуш ўртоғимга кўнғироқ қилиб бор гапни айтиб бердим. У эса қайнонамга телефон қилиб вазиятни юмшатишга уринди.

Турмуш ўртоғим яхши одам. Мени ўқишда ҳам, ишда ҳам қўллаб-қувватлайди. Ҳамма вақт мени тушунишга ҳаракат қилади.

Юрагимга энг оғир ботган нуқта қайнонамнинг кўзимга қараб, “сени стипендиянг учун келин қилганман”, дегани бўлди. Чиндан ҳам келин бюджетда ўқиса, шартнома пулини тўламаса, унинг устига стипендия... Ҳаммасини кейин тушуниб етдим. Қайнонам ва қайнотам жуда пухта иш қилишган экан, жуда узоқни ўйлаб келин қидиришганини тушундим. Қайнотам ҳам эркак киши бўлатуриб бу вазиятни жимгина кузатиб ўтираверди.

Ота меҳрига тўймаганим боис уни жуда соғинардим, ҳар куни кутардим. Қайнотам отамдек, қайнонам эса онамдек бўлади деб жуда ҳам истагандим. Айниқса қайнотамга отамдек қарардим. Ҳомиладорлигим сабаб жанжалларни кўтара олмадим. Онам ва турмуш ўртоғим ҳам уйга келиб, ҳаммаси гаплашиб олишди.

Қайнонамнинг бир одати ёмон. Оғзига келган гапни гапираверади, ўзи нима гапираётганининг маъносига тушунмайди. Ҳеч кимга гап бермайди. Фақат ўзиникини маъқуллайди. Айтадиган гапини айтиб қўйиб, қилар ишни қилиб уйнинг бурчагига киради-да, тасбеҳини ташлаб

ўтираверади. Онамга қилган муомаласини эшитиб, унинг устига жанжал туфайли ўзимни тутиб туролмадим. Уч маротаба хушимни йўқотдим. Ўша вақтда отамдек деб юрган қайнотам бу артистлик қиляпти, деб мени жон-жаҳди билан силтаб ташлади. Ҳаммаси эсимда. Бу кунларни ҳеч қачон унута олмасам керак.

Агар отам ҳаёт бўлганида, менга бундай муносабатда бўлишмас эди. Ҳаммаси бойликнинг, пулнинг қудратидан эканлигини кейин тушуниб етдим.

Бу вазиятда онам мени қолдириб кетолмасди. Эримнинг ўзи бизни уйга ташлаб қўйди. Уни ҳам тушунаман: икки ўт орасида қолган эди.

Онамнинг уйдан ўқишимга қатнаб юрдим. Кунларнинг бирида не кўз билан кўрай, университетга қайнотам кириб келяпти. Менга айтган гапларини эшитиб, ер ёрилса кириб кетган бўлардим.

Мен ҳар ойлик стипендиямни қайнонамга олиб бериб берар эканман, улар эса қайнонамга билдирмай менга ўша пулни бериб турар эмишлар. Бу ҳам тўйдан олдин тузилган режалардан бирига ўхшаш режа эканлигини дарров англадим.

Қайнотамнинг ўзи ойлигини қайнонамга берса, кунлик пулини улардан олса, яна қандай қилиб менга пулни тўғирлаб бериши мумкин? Жаҳлим чиқиб, ўша менга ваъда қилаётган пулингизни ойижонга олиб бориб беринг, дедим.

Орадан озгина вақт ўтди. Қиш бўлганлиги боис кунлар анча совуқ эди. Эримнинг қистови, унинг устига ҳомиладорлигим сабабли уйга қайтдим.

Афсуски, жанжаллар давом этаверди. Арзимаган нарсалардан жанжал чиқараверишди. Уларни айтишга тил ҳам бормайди. Энг ачинарлиси, кутилмаганда орада ҳомиламдан айрилдим. Бу ҳам уларга сабоқ бўлмади.

Яқинда тўйимиз бўлганига бир ярим йил бўлади. Аллоҳ насиб қилса яқин кунларда фарзандли бўламиз. Ўзим эса 3-босқичда ўқияпман. Ҳали ҳам стипендия мавзуси тугамаган. Мен эса ҳаммасидан чарчадим. Турмуш ўртоғим ва яқинда туғилажак фарзандим учун барига кўз юмиб, чидаб келяпман.

Уйдагилар ёзларга чиқиб овсин туширишни ният қилишган. Келин қидиришяпти. Ўқийдиган эмас, ўқишни тамомлаб, ишлайдиган, маошини олиб келиб берадиганидан излашяпти. Шартнома асосида ўқийдиган қизлар чиқса контракт пулини тўлаб зарилми, деб уларни рад этишяпти.

Қишки сессияни ҳам эсон-омон “5”га ёпдим. Энди эса ўқишга боришга қийналяпман. Ҳаммасидан ҳам менга алам қиладигани – бирон марта ўқишим учун ёки дарс тайёрлашим учун шароит яратиб бермай туриб, фақат пулни талаб қилишгани.

Вақт ҳаммасини даволайди дейишади. Яхшиямки ўқишим бор, дарс билан, курсдошларим билан овунаман. Турмушнинг муштларига кўниб, барига чидаб келяпман. Бунинг ҳам ниҳояси бордир...

Гулзоданинг ҳаётида аччиқ-тизиқ воқеалар кўп бўлган экан. У билан дугона бўлиб олдим. Ҳозир ҳам кўнғироқлашиб тураемиз. Айтган ҳикояларидан айнан мана шу “стипендия” бобинигина оққа туширдим, холос.

Буни ўқиган қайнона-келинлар ўзларига етарли хулоса чиқариб олишар, дейман-да. Ахир келин ҳам кимнингдир фарзанди-ку. У ҳам янги жойда меҳрга ташна, ширин сўзнинг гадоси.



Исомиддин ПЎЛАТОВ

Юрагимни қамрайди кўрқув

ОНА

Сенга термиламан,
Кўзларимдан ёш оқар дув-дув,
Пичир-пичир қилар лабларим,
Юрагимни қамрайди кўрқув.
Лоқайд мўлтирайман бўйлиққа,
Хаёлларга асир бўламан,
Баъзан йиглаб, баъзан куламан,
Нолаларим ўхшаб кетади,
Гоҳо қўшиққа...

Сенга термиламан,
Суюқларим қарс-қарс синади,
Соғинч сизмай борар ичимга,
Кўзёшларим қачон тинади?
Кўкрагимга ажсал тепади,
Сийратимни сазойи қилиб,
Муҳаббат уругин,
Ерга... самога... сепади.

Сенга термиламан,
Гўё покланади борлигим.
Кўзларингга боқиб,
Юзларингга боқиб,
Сочларингга...
Оҳларингга...
Ажинларингга...
Боққаннимда, термилганимда,
Юрагимни олади чақиб,
Жон-а!
Она!

ВАЪДА

"Умри қисқа бўлар",
дейсан шоирнинг,
"улар узоқ яшашни билмайди",
дейсан.
дейсан: мендан узоқроқ юринг,
эх, сен кўп нарсани ҳали билмайсан...
мен сени қандайин
ташлаб кетаман?
кимга ишонаман, сен каби гулни?!
кўрасан,
мен узоқ яшаб ўтаман.
юрагим бақувват
қўй, мана қўлни...
нега ишонмайсан, бунча инжиқсан...
сен қанча истасанг,
қолгум ёнингда,
жаннатдай покиза, нурдай тиниқсан,
парилар яшарми ёки қонингда?..
қўй, бунча куюнма
ёшингни артгин...
пок севгинг хурмати, аниқ ўлмайман!
энди шеър ёзмайман,
ёнимга қайтгин
мен шоир бўлмайман!
шоир бўлмайман!..





Шоҳиста СОАТОВА,

*Абдулла Қодирий номидаги Жиззах
Давлат педагогика институ талабаси*

РУҲИЙ ОЛАМ МАЪЗАРАЛАРИ

Алишер Навоий турк дунёси адабиётининг энг машхур вакилидир. Чунки ҳеч ким бу тил ва адабиётнинг равнақи учун унингдек хизмат қилолган эмас. Навоий адабий меъросининг улуғворлиги, куч қудрати ҳамма замонлар учун азиз ва мукаррамлиги шундаки, унинг ҳар бир асари ҳаёт нафаси билан йўғрилган. „Навоий ижоди-қуёш шуъласи тушиб турган тиниқ бир кўзгу“. Унинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндашиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тоқозо этади, чунки ҳар бир ғазали алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида бадиий фикр ва ҳис туйғулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва муносиблиги ҳам шунга мувофиқ.

Бадиий адабиётнинг тараққиёти сўз усталарининг инсон қалбига қанчалик чуқур кира олгани, инсоннинг маълум тарихий шароит, ижтимоий муҳитга муносабатини тўғри кўрсата олгани билан боғлиқдир. Ўрта аср муҳитида, инсон қадрлари феодал ҳукмдорлар олдида топталган, уни адабий асарга қаҳрамон қилиб олиш расмий доираларда ғайритабиий бўлган бир шароитда, бир неча пешқадам шоирлар инсонни улуғлаган. Хусусан улуғ шоиримиз Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. У инсон гўзаллигини мадҳ этган ва унинг ички дунёсини, орзу ва интилишларини, ўз замонасига муносабатини, дард-аламларини, изтироб ва ҳаяжонларини очишга эришган. Ҳозирги термин билан ифодалаганда, унинг ижодида ички кечинмалар тасвири – **психологизм** сезиларли ўрин эгаллайди. Зеро, Навоий девонида бундай фавқуллод ва беназир ғазаллар ва байтлар сон-саноксиз.

*Кўкрагимдир субҳнинг пирохонидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўқулган сабзадин намнокроқ.*

Менинг кўксим тонгнинг йиртилган кўйлагидан кўра ҳам чокроқ, йиртиқроқ. Киприқларим эса устига шабнамлар тўкилган майсалардан кўра ҳам намлироқ, хўлроқ. Тасаввуфий маънога кўра бу манзара шоирнинг маънавий ҳоли ва мартабасидан дарақдир ва тун бўйи тонггача ишқ, умид ва зорлик билан йиғлаб чиққанидан аломатдир”.

*Гар Навоий йиғласа ишқинг мажозийдир дема,
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдир мажоз.*

Ҳажр ёшлари реал ҳаётнинг инсон кечирган руҳий изтироблар, соғинчлар, лазиз ё аламли хаёллар хотираларининг қайноқ лаҳзаси, мавжи. Демак, бу – мажозий ишқ нишонаси, аломати. Навоийда бундай пурмавж байтлар озмунчами. Ҳа улуғ шоирнинг „васл мумкуни йўқ“ деб билган сабрда, қаноатда тенгсиз, юксак ва эзгу хаёл дунёси билан овунувчи қаҳрамони – ошиқ ҳам инсон сифатида дард-ҳасратлари тугёнга келганда кўзёшлари тўкишдан ўзини тиёлмайди.

Алишер Навоий ошиқнинг ишқи, дарду ҳасрати, орзу-ҳаваслари, интилишлари тасвирига тобора кенг ва жиддий ўрин берган. Яъни ошиқ ўз ёрининг гўзаллигини таъриф ва тавсиф этибгина қўя қолмасдан, ўзининг ишқи орзуси, ички ҳаяжонлари, дарду аламлари, жавобсиз севгидан норозилиги ҳақида ҳам баланд овоз билан гапиради.

Навоий ижоди орқали ўзбек адабиётида, психологик тасвир элементлари пайдо бўлди, инсон образи борган сари тўлароқ гавдалана бошлади. Зеро, хаёл вужудга келтираётган образлар (тасаввурлар) фақат онгнинг субъектив мазмунигина бўлиб қолмайди, шу билан бирга бу образлар одамларнинг ҳаёти ва фаолиятида оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланади, хусусан шеър ва наср тарихида. Навоий образларининг яратилишида ҳам хаёлнинг синтези ва анализ қилувчи мураккаб фаолиятининг характерли хусусиятлари айниқса, ёрқин номоён бўлади. Ҳар бир бадиий образ битта образда ўзига хос равишда бирлаштирилган тасаввурларнинг қисмлари, элементларидир ёки бутун бир тасаввурларнинг ўзидир. Навоийнинг ғазалларида ишқ мавзуи кенг куйланиб, ёрнинг ҳуснию, ошиқнинг севгига оид туйғулари ҳақидаги гўзал лавҳаларни кўриш мумкин. У тайёр аъъанавий образ ва ғояларни куйлаш билан қаноатланмасликка, лоақал аъъаналар доирасида бўлса ҳам тасвирда янгиликка эришишга интилган. Тасвирда муболаға етакчи усуллардан бири бўлиб, у романтик тасвирнинг бош воситаларидан биридир. Бу ҳолни биз психологик кечинмалар тасвирида ҳам яққол кўраемиз.

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил.
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.
Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориг, яшил.
Орази, холинг била хоттинг хаёлидин эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.*

...Шоирнинг жононида олам яшайди, у оламда эса қатрада қуёш акс этганидек, камолотнинг олий тим-соли бўлмиш олий ҳилқат, юксак ҳақиқат – Аллоҳ акс этади. Инсон камолот йўлидан юриб, олий ҳақиқатга яқинлашаркан, унинг ҳусни-талъатини аниқ тасаввур этишга интилади, тасаввур этаркан, кўз ўнгида даврон камалакдек жимирлашиб кўринса не тонг.

Навоий ғазаллари ҳақиқатнинг рангин оламига битилган ўлмас моҳиятдир. У бадий эстетик туйғулар талқинида гўзалликни бош омил сифатида назарда тутган.

Ижодкорнинг ўзи хоҳламаса ҳам, бадий образлар тадқиқидаги воқелик тасвиридаги кутилмаган бурилишлар, эврилишлар шууримиздаги онг билан кўнгил деб аталган икки қутбнинг уйғунликдаги фаолияти самараси ҳисобланади. Ўзбек дунёвий лирикасидаги бу масалалар ўзбек адабиёти тараққиёти аҳамиятига эга бўлган жараёнидир. Бу айна вақтда Навоий ижодида ўзининг юқори поғонасига кўтарилган.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Гулзода ФАРМОНОВА



Онамнинг дуоси кўллайди мени

ОНАМНИНГ ДУОСИ

*Бормайман ҳар ким ҳам кўрсатган йўлдан,
Кўрқмайман тўфондан, сахрою чўлдан.
Бахтимни ҳеч қачон чиқармам қўлдан,
Онамнинг дуоси кўллайди мени.*

*Туну кун меҳрини менга бахш этган,
Қаро кўзларимда зиё ҳам шундан.
Улгайиб борса-да гамим кун-кундан,
Онамнинг дуоси кўллайди мени.*

*Ғамимнинг кўзлари куйдирса кўксим,
Ташлаб қочганда ҳам энг содиқ дўстим.
Тақдирга тан бериб қолганимда жим,
Онамнинг дуоси кўллайди мени.*

*Фарзандим, ботир бўл, енгилма деган,
Сўзлари қудратбахш, мададкор экан.*




*Ярадор қалбимга ботса ҳам тикан,
Онамнинг дуоси кўллайди мени.*

* * *

*Бизни кўролмайди бахти қаролар,
Ҳатто тинч қўймайди, бахтиёрлар ҳам.
Бошимизга тушди қандай савдолар,
Кўзларим тубида қотиб қолди гам.*

*Шундан кўзларимни ёшлайвераман,
Ҳар гал сени кўриб айрилиқларда.
Мен-ку бардош бериб яшайвераман,
Сен қандай чидайсан бу оғриқларга?*

*Бизни хазон қилар ҳижронлар бир кун,
Бир куни кўзларим ёшлаб кетаман.
Сени ҳам азобга қўймаслик учун,
Ярим юрагимни ташлаб кетаман.*



Муротбой НИЗОНОВ

РЕКЛАМА

Ҳажвия

Жўра-ёронларнинг бори яхши. Қисинсанг, маслаҳат беради, қувонсанг, бирга қувонади. Хафа бўлсанг, ғамингни бўлишади. Хуллас, дўстинг кўп бўлса, юкин ерда қолмайди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиб, бахтимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Бу борада дўстларнинг маслаҳатига муҳтожлик сездим. Нега десангиз, ишларим юришмай қолди. Гоҳо пул топмайман, пул топсам уни сарфлайдиган ер топмайман. Давосиз дардга йўлиққан кишидай сал сирлашадиган одам топилса унга дардимни тўкиб соладиган бўлдим.

– Нега ишларинг юришмай турганини биласанми? – деди дўстларимдан бири.

– Билмасам. Ҳисоб-китобга нўноқроқман.

– Гап унда эмас, оғайни. Ҳисоб-китоб деганинг иккинчи даражали масала. Биринчи масала ишнинг кўзини билишдир.

– Хўш, ишнинг кўзи нимада экан?

– Шуни яхши билгинки, ишнинг кўзи рекламада!

– Йўғ-э?

– Ҳа, шунақа. Ривожланган мамлакатларда реклама, бу – ҳаёт дегани. Ишбилармонликни рекламасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳали сен тадбиркорликнинг нозик томонларига, сир-асрорларига ўрганолмай турибсан. Шунинг учун ишларинг юришмай қийналиб ўтирибсан. Масалан, сенда тахта борми – бор. Бундан кимлар хабардор?

– Сен биласан, Дўспанбет билади. Ержаннинг хабари бор. Нурабилла эшитган эди, кейин...

Дўстим кулиб юборди.

– Боланинг гапини гапирасан! Майли, биз ҳар қайсимиз ўнта одамга айтайлик. Наридан борса эллик-олтмиш одам хабар топар. Тахта уларга ё керак, ё керак эмас. Агар реклама қилсанг, бир кунда юз минг одам эшитади. Эртасига ярим миллион, индинига эса бир ярим миллион одам хабар топади. Ана шундан кейин кўрасан савдони!

Ўйлаб кўрсам, гапида жон бор. Икки вагон тахта келтирганимга уч ой бўлди. Эндигина беш кубини сотдим, фанерларим ҳам нам тортиб бораётир. Болачақамни безор қилиб, уларни куноша шамоллатиб тахтлаймиз. Шиферларимнинг бир қисми харидор топилавермагач, ўзининг оғирлиги билан сина бошлади. Шунча нарсам пулга айланмай туриб қолди. Агар ре-

клама берганимда буларнинг бари сотилиб, фирманнинг ишлари юришиб кетарди.

Эртаси куни радиода реклама бердим. Келаси куни телевизор орқали маълум қилдим. Уч кундан кейин барча газеталарда “Топармон-гутармон” фирмасида (яъни менинг фирмамда) хоҳлаган турдаги қурилиш материаллари сероблиги ҳақида рекламалар босилиб чиқди. Реклама харидор чақиради, деганлари рост экан. Телевизорда айтилган кундан бир кун ўтиб бир йигит келди.

– Кеча сизнинг фирмангизда тахта бор деб айтгандай бўлишдимми?

– Ҳа, шундай, тахта бор.

– Қандай хилларидан топилади?

– Хоҳлаган хилингиздан топиб берамиз! Шифер қоқтириш учун стропила керакми, пол учун учлик-тўртлик тахтами ёки ойна-эшик тузатишга ярайдиган тахтами – хуллас, ҳамма хилидан топилади.

– Силлиқ қилиниб рандаланган кийгизма тахтадан-чи?

– Ундан ҳам бор, уста қидириб юрмасдан ўзингиз қоқаверасиз.

– Қани бўлмаса, шу тахталарингизнинг ҳужжатларини бир кўрайлик-чи, – деди ҳалиги йигит ғўддайиб.

– Қанақа ҳужжат? – дедим мен. – Бари рисоладагидай. Менда ҳужжатсиз, ноқонуний нарсанинг ўзи йўқ.

– Масалан, божхона ҳужжати борми?

– Албатта, бор!

– Қани кўрсатинг!

– Нега кўрсатар эканман?

“Харидор”им чўнтагидан хизмат гувоҳномасини чиқарди.

– Божхона бошқармасиданман. Шубҳали молларни текширишга ҳақим бор.

Сира бу ҳужжатни биров сўрайди, деб ўйламаган эканман. Уч ойдан бери ётган ҳужжатни ағдар-тўнтар қилиб зўрға топдим. Тахта олар деб ўйлаган бу “харидорим” ҳужжатларни мудраб-мудраб варақлади. Тақир ердан чанг чиқарадиган сиёғи бор. Ниҳоят ўйлаганимдай бўлди.

– Манави рухсатномани ким берди?

– Ўқиб кўринг, оти-зоти ёзилгандир ахир?

– Ёзилгани учун сўраяпман-да! Ориқдан келган, узун бўйли йигитми?

– Эсимда йўқ. Унча эътибор қилмаган эканман.

– Эътибор қилмаган бўлсангиз, билиб қўйинг. Бек-жонов деган одам. Ҳозир қамоқда у.

– Қамоқда?!

Дастлаб чўчиб тушдим. Кейин ўзимга келиб сўрадим:

– Унинг менга қандай алоқаси бор?

У рухсат берган материалларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда текширилмоқда. У божхонамизнинг номига доғ тушириб, ўғирлик молларни ўтказиб юбора-верган.

– Шунда менинг тахталарим ҳам ўғирликми?

– Ким билади? Балки шундай бўлиб чиқар? Буни текшириб кўришимиз керак!

Ана бошланди. У “ўғирлик мол” деб гумон қилади, мен ҳужжат қолдирмай кўрсатаман. У ҳеч бирини тан олмайди. Унинг айтишича тахтани олган жойимга бориб қайтадан ҳужжат келтиришим керак экан. Шундагина тахталаримнинг ўғирлик нарса эмаслигига ишонса бўлар эмиш. Бўлмаса бош-адоқ давлат фойдасига мусодара қилишармиш. Текширувчи минғирлайвериш тушгача жонимни халқумимга келтирди. Реклама бўйича келган ўнлаб одамлар эшикни очиб, бетоқат мўралайди. Мен эса уларнинг ҳолидан хабар олгудай алфозда эмасман. Ниҳоят пичоқ суякка қадалар ҳолатда текширувчи билан тил топишдик.

– Хўп, акаси, бўлмаса шундай қилайлик, – деган садо чиқди ундан. – Гилам сотсанг, кўшнингга сот, бир четида ўзинг ҳам ўтирасан, деган гап бор. Элга тахта олиб келган экансан, савоб иш қилибсан, бироқ кесмагунча қонамайди, деган гап бор...

Хуллас, божхона ходими бир сўм ҳам бермай уч куб тахтамни олиб кетди. Тушдан кейин бошимни куйи солиб ишга зўрға келдим. Етти-саккиз одам мени кутиб турган экан.

– Оғайнилар, сизлар сал сабр қилиб туринглар. Мен кираману чиқаман, – деб бир бадбашара киши изимдан эргашди. Тушгача бўлган можаролардан юрак олдириб қўйганим учун унга гумонсираб қарадим. Унчалик текширувчига ўхшамайди.

– Кеча реклама кўрган эдим, – дея у олдимга яқинроқ келиб ўтирди. Сизда шифер ҳам борми?

– Албатта бор!

Битнинг аламини бургадан олгандай бўлмасин деб ҳалиги текин кетган уч куб тахтанинг алами ичимни итдай тирнаб турган бўлса-да, бу кишига сездирмай молимни мақтай кетдим.

– Ўзи жуда сифатли шифер. Етти қобирғали. Синган, дарз кетган жойи йўқ. Устига чиқиб тўп ўйнасанг ҳам билинмайди.

– Ўзимизникими ёки Россияникими?

– Россияники.

– Сотиб олиб келдингми ёки бирор нарсага алмаштирддингми?

Аста кўз қирим билан унга қарадим. “Сотиб олиб келдимми, қарзга олдимми ёки бирор нарсага алмаштирдимми, бунинг нима иши бор экан?”

– Шифер олмоқчимисиз ўзи? – дедим қовоғимни уйиб.

– Оламанми, олмайманми бу иккинчи масала. Сиз менинг ҳалиги саволимга жавоб беринг. Шиферни сотиб олдингизми ё бирор нарсага алмаштириб олиб келдингизми?

Ана холос, етимнинг оғзи ошга етганда бурни қонайди, деганлари шу бўлса керак? Реклама берсанг ишларинг юришиб кетади деган гап бекор экан-да.

Бу харидорим коррупциядан бўлиб чиқди. Икки оғизгина сўзлаб чиқаман деган бу нусха кечга яқин икки юзта шиферимни теп-текинга олиб тинчиди.

– Қўрқма, иним, қўрқсанг ишлай олмайсан, – деди у кетар чоғида елкамга қоқиб. – Ўзим устингдан куш учирмайман. Ҳайрат қилавер.

Эртаси кун бўйи уйдан чиқмай ётдим. Кечга яқин телефоним жиринглади.

– Рекламани беришга бериб ўзинг яшириниб ётибсанми? – деди биров ўдағайлаб.

Ана холос! Тағин ким бўлди экан?

– Йўғ-э, яширинганим йўқ, сал мазам бўлмай...

– Эгри йўл билан мол топсанг, мазанг бўлмайди-да!

– Қанақа эгри йўл? Ҳеч қандай қинғир йўл билан мол топганим йўқ!

– Хабаримиз бор, эртага барча ҳужжатларингни олиб солиқ бошқармасига кел. Мен Бодиков бўламан. 44-хонага келасан.

Бодиков дегани борганингдан муддаосини айта қолса қанийди. Йўқ. Ишларимни қовлаштира кетди. Фирмам иш бошлаганидан буён ҳамиша солиқларни кам тўлаган эмиш. Айримларини эса яширганман. Ясама ҳужжатлар топганман, энди келаётган кварталга ҳам солиқ тўлашим керак эмиш.

Хуллас, куёш оға бошлагач Бодиков дегани зўрға муддаосини айтди. Эллик дона шифер керак экан.

Реклама берганимдан уч кун ўтиб-ўтмай қочарга жой тополмай қолдим. Фирмамнинг эшигини очмайман. Уйда телефоннинг ҳам симини узиб ташладим. Шунда ҳам эвини топиб участка инспектори ўнта дераза шишаси, прокуратура терговчиси ўттиз дона оргалит, суд ижрочиси эса саккизта ёғоч олиб кетди.

Арзимни кимга айтишимни билмай ҳушим бошимдан учди. Шундай вақтда жўра-ёронларнинг бори яхши экан. Тағин уларни ахтариб топдим.

– Реклама бер! – деди улар.

– Ўзи рекламадан куйиб ўтирибман-ку.

– Айтганимизни қилавер, реклама бер!

– Фирмамизда ҳеч нарса йўқ. Ҳеч нарса билан савдо-сотик қилинмайди, деб реклама бер!

Уларнинг айтганидай қилдим. Бошқа иложим йўқ.

Ростданам рекламада гап кўп экан, қулоғим тинчиди-қўйди.

Энди ўзимнинг нарсаларимни ўзим ими-жимиди харидор ахтариб сотадиган бўлдим. Мабодо сизга ҳам қурилиш материаллари керак эмасми? Бир жойда бор, айтсангиз топиб бераман. Фақат биров эшитмасин. Тс, жим!

**Қорақалпоқ тилидан
Исмоил ОЛЛОБЕРГАНОВ таржимаси**